

Иброҳим АЗИЗ

МУҲАББАТ ГУЛХАНИ

адабий мақолалар



Faфур Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент – 2008

83.3(5y)6


A37

34732
ID
296

Азиз, Иброҳим

Мұхаббат гулхани: Адабий мақолалар /Иброҳим Азиз. –
Т.: Faфур Fулом номидаги нашириёт-матбаа ижодий уйи, 2008. – 88 б.

Буюк асарларпенг умрбоқиілігі шундаки, улар ҳар асрда қайта
үқиіларкан янғын бир қырралары биләмә намоён бұлаверады. Ҳар бир авлод
үзін үчүн янғын фазилаттарни кашғ қылтыр борады. Ёш ижодкор Иброҳим
Азиз Л. Толстой, Ф. Достоевский, М. Лермонтов, Ч. Айтматов, Я. Илесов
каби буюк ёзувчиларпенг асарларини ўқыб, бутунғы XXI аср авлодиншігін
пүңтая назари билан таҳлил қылады, күтилмаган ҳолосалар чиқараады.
Иброҳимпениң мақолалари еш китобхонларни жиғдид адабиёт ҳақида фаол



4702620204 - 6
M 352(04) - 2008

номидамиз.

ББК 83.3(5y)6
ББК 83.3(5y)6

ISBN 978-9943-03-146-3

© Иброҳим АЗИЗ.
Faфур Fулом номидаги
нашириёт-матбаа ижодий
уйи, 2008 йыл.



ҲАЙРАТ МЕВАЛАРИ

Борлиқ гүзаллиги, ҳаёт ҳодисалари ва атрофдаги одамлардан завқ ола билиш, буларнинг фавқулодда жиҳатларидан ҳайратта туша олиш истеъдоднинг белгиси. Ҳар қандай кашфиёт, биринчى навбатда, ҳайратнинг мевасидир. Лекин олам ва одамнинг турфа ҳолатларидан ҳайратланиб, бадий ижод қиласынан кишиларга қараганда, шу ижод маҳсулидан ҳайратта тушиб, никмадир яратадиганларга қийинроқ бўлади. Негаки, бундай кишидан ҳайратининг кучи икки баравар ортиқ бўлиши талаб этилади. Иброҳим Азиз ана шундай истеъдод өгаларидан. Одатда, Иброҳимнинг ёшидаги кишилар шеър, ҳикоя ёзиш, расм чизиш сингари бевосита бадий ижоднинг ўзи билан шуғулланишини ёқтиришади. Ўзгларнинг яратиқларини текшириб, уларнинг ютуқ-камчиликлари ҳақида гапириш бу ёшда кишига зерикарли машғулот туюлганидан унчалик хуш келмайди. Аммо Иброҳим табиатан синчков, таъсирчан, ҳаёт ҳодисалари ёнидан шунчаки ўтиб кетолмайдиган, ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашишни ички эҳтиёж деб биладиган кам сонли кишилар сирасига киради. Бундай кишиларда олам ҳодисалари ва одамлараро муносабатларга аналитик қараш, кўрганларини солиштириш, улардан хулосалар чиқаришга интилиш кучли бўлади. Булар бўлаjak олимларга хос белгилардир.

Иброҳим Азизнинг ўзи ўқиган бадий асарлар ҳақидаги кузатиплари, мулоҳазалари самимилиги, фавқулоддалиги ўзининг маънавий-эстетик қаноатларидан келиб чиққанлиги билан кишини ром этади. Ҳали мактабнинг ўқувчиси бўлган вақтларда ёзган мақоласида Иброҳим: "Болалик даврида одамда ... илоҳий ишонч бўлар экан, бу ишонч борлиги учун ҳам ўйинлар бизга чексиз завқ багишлайди ва биз ҳам олган завқларимиздан масн

бўлиб, беихтиёр ҳақиқий ҳаётни ҳам ана шундай ўйиндан иборат деган масаввурда бўламиз. Афсуски, кейинчалик ўша масаввур ва ишончлар вақт ўтиши билан бирин-кетин чилларчин бўла бошлайди ва умринг ҳеч бир палласида қайтиб келмайди”, – тарзида тушунтиради. Ана шу тўхтамга таянган ҳолда буюк Л. Толстойнинг “Боялиқ. Ўсмирилик. Ёшлиқ” трилогиясини таҳлил қиласиди. Ҳали болалиқдан узоқлашмаган кишининг кузатишларида бунчалар синчковлик, масаланинг моҳиятини англапта интилиш, ўзига хос билгичлик борлиги менга жуда маъқул келди.

Оlam ва одамни тобора кўпроқ таниб бораётган ўй кишиси сифатида Иброҳим миясида пайдо бўлган фикрлар ва кўнглини безовта қилган туйғуларнинг илдизларини қидиради. Шу боис ҳам адабий қаҳрамонларга персонаж деб эмас, балки жонли одам деб ёндашади. Бадий асарга ҳам шунчаки кўнгилочар восита эмас, балки ҳаёт қўлланмаси тарзида муносабатда бўлади. Шунингдек, Иброҳим улуғ ёзувчи асарлари ҳақида фикр юритар экан, ёзувчининг маҳоратини ҳам ўзига хос тарзда баҳолайди, қиёслайди: “Асарда Толстойни «кўрмайсиз», яъни адаб сиз билан ёнма-ён юриб воқеаларга изоҳ бериб ўтирумайди. Қаҳрамонни табиий ва ҳаётий воқеалардан олиб ўтиади, холос. Достоевский эса ҳар бир нарсага ўз муносабатини билдириб боради, қаҳрамонлари монологида Достоевскийнинг таниш овози эшишилиб туради. Толстой воқеаларни баён этар экан, боларуҳий дунёсини шундай равшан қилиб очиб кўрсатади, ҳар бир ўқувчи бу ойнада ўз аксини кўради”. Бу фикрлар унинг қанчалик синчков ва ўз кузатишларини ифода этишга уқувли эканини кўрсатади.

Иброҳим Ч. Айтматовнинг “Жамила” қиссасини таҳлил қиласар экан, холис ўқувчи рутбасида турмайди, балки қисса қаҳрамонларидан бири бўлмиш Сеитга айланниб кетади, унинг ички кечинмаларидан келиб чиқиб, кутилмаган хуросани ўртага ташлайди. Асарга «Мен бундай гўзал севги қиссасини ўқимаганман», деб баҳо берганда Луи Арагон Жамила ва Дониёр ўртасидаги муҳаббатни эмас, Сеитнинг Жамилагага бўлган болаларча севгисини назарда тутган, деган фикрни олға суради. Ушбу хуросасини ўз тафаккур мантифидан келиб чиқиб, ишонарли мисоллар билан далиллайди. Асаннинг бугунги кундаги маънавий

аҳамияти ҳақида эса: "Инсонлар қалбига әзгулик уругини әкишда, уларни бир-бирига мәхр-оқибатын қилип тарбиялашда, ўзларининг ва ўзгаларнинг мұхаббат түйгүларини өзөзлашга ўргатышда "Жамила" га ўхшаган гүзәл қиссаларнинг ўрни бекітесдір", – деб ёзади.

Биттанларидан Иброҳимнинг ўзи ва тенгдошларининг ҳаёти, умрининг мазмуни ҳақида күп ўйлайдыган ўспириллиги сезилади. Шунинг учун ҳам мента унинг "Келажак ҳақида тасаввур" мақоласидаги: "...дүнёдагы эң тез ўзгаруучан тасаввур бизнинг, яғни ёшларнинг ўз келажаги ҳақидағы тасаввурларидір", – тәрзидеги қаноати түйиб билинган ва топиб айттылган фикр сифатида маъкул келди. Чиндан ҳам ёшларнинг орзулари, режалари худди уларнинг хаёллари сингари чегара ва тұхтам билмайды. Уларнинг орзуларыда тинимсиз ўзгаришлардан бошқа ўзгармас нараса бўлмайди.

Иброҳим Азиз бадий адабиёттинг миссияси инсон кўнгли тириклигини таъминлашдан иборат деб билади. Шунинг учун ҳам Достоевскийнинг сабаби ҳамиша ҳам тушунарли бўлмаган улкан изтироблар оғушидаги қаҳрамонлари тасвири одам қалбини ўлиб қолишдан асрайди, деб билади. Унингча, кўнгилнинг ўлими жисмнинг ҳалокатидан даҳшатлироқдир.

Иброҳим шунчаки, кўнгил учун ўқийдиган ўқирманлардан змас. У кўп ўқийди, танлаб ўқийди, ўқиганлари хусусида жиiddий ўйлайди, улардан маъно топишига, бошқаларни кига ўхшамаган хulosалар чиқаришга, нималарни дір ўзига татбиқ этишига уринади. Зоро, у бадий адабиётни инсон ҳаётига эзгу мазмун берадиган ва уни гўзаллаштирадиган энг құдратли восита деб билади. Унинг ўқиганлари түғрисида ўзгалар билан фикрлашишыга интилиши унинг сиймосида бўлажак ҳамкасбимни, бадий асарлар ҳақида ўз ҳаққоний фикрларини айта оладиган адабиёт танувчини кўришимга имкон беради. Ёш дўстимга танлаган йўлида событлик, туганмас ҳайрат ва ғайрат тилайман.

*Қозоқбой Йўлдошев,
педагогика фанлари доктори, профессор*



ВАТАНГА МУҲАББАТ

(Явдат Илёсовнинг «Сўғдиёна» романини ўқиб)

*Ҳ*аммамиз ҳам мактабда тарих дарсликларидан Тўмарис, Широқ, Спітамен ҳақида ўқиганмиз, ўқитувчимиз дунёнинг буюк тарихчилари Геродот, Гай Плини, Клитарх, Страбон, Ариан, Плутарх китобларида бизнинг аждодларимиз номлари борлигини айтиб бергандга ҳайратга тушиганимиз, фахрланганмиз. Дарҳақиқат, уларнинг номлари зикр этилган китобларнинг ўзи томтотм, жилд-жилд экан, улар ҳақидаги ривояти афсоналар ҳам кўп экан. Лекин буларнинг ҳаммаси муҳтасар маълумотлар ва воқеаларнинг қисқагина баёнидан иборат экан. Ана шунда ўйланиб қолдим ва излай бошладим.

Бизни ўша даврнинг ичига олиб киришга, қаҳрамонларимиз нафаси, юрак уришлари, ўй-хаёллари, қувончу изтиробларини ҳис қилишимизга, минглаб йиллар олдин оддий ва магрур ҳаёт кечирган аждодларимиз орасида яшаб кўришимизга, қиличу найзалар садоси остида улар билан ёнмаён от етдиришимизга, тунглари саҳродағи гулханлар атрофига улар билан бирга юлдузларга термулиб улугвор ва мунгши қўшиқтар кўйлашимизга, ёғийга уларнинг нафратли нигоҳлари билан қарашимизга, тогу тошларимизни, дарёю саҳроларимизни, дунёни уларнинг кўзлари билан кўришимизга сабаб бўладиган, бир сўз билан айтганда қалбимизда Ватанга муҳаббат оловини ёкишга қодир бўлган бадний асарларимиз ҳам кўими? Ёзувчиларимиз-чи?..

Миркарим Осим ва Явдат Илёсов. Мени қондиримаган "маълумотлар ва қисқагина воқеалар"ни қалблари-

*да ва тасаввурларида қайта кашф этгани, ҳақиқий бади-
и асар даражасига айлантира олган адиллар. Нега бу-
лар бунча кам? Миркарим Осимнинг ривоятга менгзаб
кетадиган ҳикоялари ва Явдат Илёсовнинг мафтункор
қисса ва романлари Тўмарис, Широқ, Синтамен сингари
қаҳрамонларимиз яшаб ўтган даврининг айрим лавҳала-
ригина эмасми! Мен ана шундай ютоқиши билан
Я. Илёсовнинг “Сўғдиёна” тарихий романини қўлга ола-
ман.*

“Сўғдиёна”. Номининг ўзиёқ қалбга яқин, уни ўқишимиз
билан қон-қонимизга сингиб кетган, тилларимизга, диллари-
мизга ўйиб битилган “Ватан!” деган улуғвор бир ҳаяжон-
нинг акс-садосини эшилтандай бўламиз. Илк жумлаларидан
бошлаб, сизни ўз оламига олиб кириб кетадиган бу асар жуда
оддий, табиий, қизиқарли, халқ қиссалари руҳида ёзилган.
Қийналиб, тушунишга зўриқиб ўтирмайсиз. Тўлқинига ту-
шиб сузиб кетаверасиз ва бу тўлқин сизни гоҳо осмон қадар
юксакларга кўтариб чиқади, гоҳ изтироб ва алам гулханлари
ёқилган тарих соҳилларидан олиб ўтади.

Муқаддима шундай жумлалар билан бошланади: “Бу
кампир бутун Катан аҳлига маълум эди. Юнон хотинла-
рининг фикрича, бу ерга у қайсиdir Шарқ мамлакатидан
келиб қолган... Аммо кўпинча тиланчи кампирни нон
ўрнига таёқ билан сийлашарди. Болалар унинг орқаси-
дан мева қолдиқларини отишар эди. Итлар бусиз ҳам илма-
тешик бўлиб кетган катак яктаги этакларини узиб олар-
ди... У буюк одамнинг хотини бўлганман, деб таъкид-
ларди. Лекин ҳеч ким бунга ишонмасди. Кампир эса тўғри
гапираётган эди.”

Бирдан юрагингизга чўғ саҷрайди. Кампир... Ким у?..
Қандай қилиб?.. Қаердан?.. Бу саволларга тезроқ жавоб
топгингиз, бу ғалат сирнинг тагига тезроқ етгингиз кела-
ди. Чўғ бора-бора, ёна-ёна катта алангага айланади. Ёзув-
чи асарнинг энг сўнгги саҳифаларигача бу сирни ошкор
этмайди.

Асар уч “китоб”га, яъни уч қисмга бўлинган, ҳар бир қисм маълум бўлимчалардан иборат. Ҳар бир бўлим эпиграф билан очиб берилади. Китоб муқаддимасидан сўнг, Гесиоднинг:

“Ота-бола, бола ота-ла
чиқиша олмас.
Дўст дўстига бегона бўлди,
межмонга – мезбон.
Ака-уқада йўқ меҳр-оқибат,
бўлмас ҳам энди”, –

деган шеърий сатрлари эпиграф қилиб олинган асосий қисм бошланади. Бу шеърий парча менда фақат дастлабки бўлимнинг эмас, балки бутун бир китобнинг рамзий мундарижасидай таассурот қолдирди. Биринчи бўлимда юонларнинг Эрон шоҳи Дорога қарши бўлажак уруши ва уларнинг қўшин тўплаётгани ҳақида ҳикоя қилинади. Лекин эслаганимиз шеър келгусида Искандар билан Спитаменнинг ўртасида кечадиган воқеаларга ишорадай.

Искандарнинг ниқоби

Уруш. У ер юзида одамзод яралганидан бери мавжуд. Кимдир зулм қиласи, қиради, маҳв этади, яна кимдир қул бўлади. Аммо тарихий бир ҳақиқат мавжуд. Биз ҳеч қачон бегона юртларга бостириб бормаганмиз. Бизнинг ерларимизга фақат бостириб келишган. Бироқ қайси олам фотиҳи бўлмасин, ҳар доим юртимиз остонасига қўшин тортиб келганда албатта қаршиликка учраган, маҳв бўлган. Она тупроқнинг мард фарзандлари кўксини қалқон қилиб курашган, жонини фидо қилган. Босқинчилар ўз нафслари, бойлик учун, дунёга ҳокимлик қилиш учун қон тўкканлар, биз эса озодлик учун қон тўкканмиз.

Мил. ав. VII–VI асрлардаёқ юртимиз ҳудудида энг қадимги давлатлар пайдо бўла бошлагани ва сўғидийлар, бақтрияликлар, хоразмликлар, сак ва массагет элатлари ҳаёт

кечирғанлари тарихдан маътум. Эрамиздан олдинги 530-йилда дунёнинг йирик мамлакатларини босиб олган Эрон шоҳи Кайхисрав (Кир II) Ўрта Осиёга юриш қиласи. Қурдатидан кибрланган подшоҳ қандайдир Осиёни назар-писанд қилмайди. Шунда Тўмарис қўлига қилич олиб майдонга чиқади, форсларнинг сон-саноги йўқ шафқатсиз қўшинларига қарши аёвсиз жанг қиласи ва қонхўр подшоҳнинг бошини кесиб, қон тўлдирилган мешга солади. Я. Илёсовнинг “Олачипор ажал” асарига ана шу тағиҳ воқеа қилиб олинган...

Сўнг орадан 8 йил ўтиб, тахтга Доро I ўтиради. У ҳам ота-боболари бошлаб берган анъанани давом эттириб, аждодларимиз бўлмиш саклар устига ҷерик тортади. Широқ исмли оддий бир чўпон уларнинг йўлига тўғон бўлади. Китоблардаги тарихчи Полиэн келтирган маълумотларда бу ҳақда ўқиганмиз.

Хуллас, Широқнинг тадбири билан қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган саҳроларда адашиб қолган форслар чўпонни ўлдириб, кечак-ю кундуз саргардонликда охири йўл топиб қутулиб кетишади. Доро шоҳ барибир тавбасига таянмайди, яна қонли юришларини давом эттиради. Унинг даврида форслар бунёд этган улкан империянинг қурдатига қурдат қўшилади. Пушкиннинг “Балиқчи ва балиқ ҳақидаги” эртагидагига ўхшаб, Дорони қўл остидаги мулклари, бойликлари қаноатлантирумай қўяди ва у юнонлар мамлакатига қўз олайтиради. Афсуски, у Македонияда кейинчалик қарийб бутун дунёни забт этувчи саркарда туғилиб вояга етганини ва унинг исми Искандар эканлигини билмасди.

Алал-оқибат ўша эртакдагидай, Искандар Дорони боридан ҳам жудо қиласи – аскарларини битта қўймай қиради, Доронинг ўзи эса шармандаларча жанг майдонини ташлаб қочади. “Сўёдиёна”нинг “Гавгамели жанги” бўлимида шулар ҳақида ҳикоя қилинади.

Ҳали ташналигини тўйиб қондиролмаган одамдай Искандар Дорони тутиб ўлдирмагунча тинчимайди. Катта қўшини билан унинг кетидан йўлга тушади. Аммо Дорони Бақтрия ва Сўёдиёна ҳокими Бесс ўлдиргани ҳақидаги

хабарни эшитиб ғазаби қайнайды, уни ўз қўллари билан ўлдиролмаганидан афсус чекади. Искандар биринчи марта Спантамаъно* номини ҳам хабар келтирган македонлар оғиздан эшитади: “Бу Спитамен ҳам айтишларича, сал телбароқ змиш. Титилиб кетган қоплон терисини кийиб юрадиган, ҳеч кимдан тап тортмайдиган дарбадар ва ас-киябоз змиш... Яна айтишларича, у номи муқаддас саналган қадимги сўғд подшоси Сиёвуш авлодидан змиш... Сиёвуш номини қўёш худоси билан боғлашади, шунинг учун Спитаменning сочи ҳам сеникидай (Лаг “сеникидайmall” демоқчи бўлди-ю, журъат қилолмади) тилларанг змиш...” Бу ғаройиб маълумотлар Искандарни бироз ҳайратга со-лади: “Ҳим... Ҳа, бу қизиқ экан... Бўлти, яхши. Унинг но-мини эsingдан чиқарма. Балки менга керак бўлар”. Худди Искандарнинг юрагидан бир нарса ўтгандай бўлади. Сиз буни ҳис қиласиз. Эртасига Искандар Эрон давлати ҳукмдори деб эълон қилинади. Бироқ зафарли юришлардан илҳомланган Мақдуний Доро қўшинини енгиш билан чеклангиси келмайди. “Интилсанг, ғалабадан ғалаба туғила-ди”, деган ҳикмат бор. Нурафшон уфқа тикилиб, унинг ортидаги Шарқнинг яширин хазиналари – мўъжизакор шаҳарлар-у, мамлакатларни эгаллаш орзуисида кўзлари ёниб турган Искандарнинг қиёфаси беихтиёр кўз олдин-гизда гавдаланади. Шу ўринда бир савол. Ҳўш, нима учун? Нима учун яна буюк Искандар ўз юришларини да-вом эттирмоқчи? Бойлик учунми? Наҳот қўлга киритилган шунча тилло-ю зарлар кам бўлса? Агар у бойлик учун йўлга отланганда, аллақачон кайф-сафога берилиб кет-ган бўларди. Лекин унинг юрагида бошқача олов ёниб турарди – жаҳонга ҳукмрон бўлиш орзуси! Ёзувчи ёзади: “Бутун инсоният тасаввурини ҳайратга солиш, ўзидан асрларга хотира қолдириш, ҳатто минг йил, ўн минг йил-дан кейин, токи одам зоти яшар экан, македониялик

* Асада айни тарзда келтирилган. Биз ҳам шундай аташни ло-зим топдик. Юноналар Спитамен деб айтишади.

Искандар ҳақида гапирсинглар, ёзсинлар, ўқисинлар ва баҳслашсинглар – мана буюк одамга муносиб орзу”.

Бу орзулар рүёби учун ақл, күч ва эхтиёткорлик керак эди. Шунинг учун ҳам Искандар баҳона излаб топади. Доро ўлди, аммо у билан бирга ортга чекинган форслар Бақтрияга, Сўғдиёнага қочган. Искандар Зулқарнайн Осиёни форс подшолари зулмидан озод қилаётган дўст ниқобини кияди.

Спантамаъно Бақтрияда. Искандарнинг форсларга қарши янги “юриши” ҳақида эшигтган ва бундан хурсанд. Умуман, асарни бошлаганингиздан бери кўпроқ Искандар ҳақида ўқийсиз. Гўё Искандар асар бош қаҳрамонидай. Лекин Спантамаънонинг кекса дўсти Вахшунвартга олдига келиши воқеасидан бошлаб, Спантамаъно образи “фаоллашади”, энди кўпроқ у ҳақида ўқий бошлайсиз ва у астасекин романда марказий ўринни эгаллайди. Спантамаъно қалбидан кечётган кечинмалар, фикрлар ва унинг авлодажоди ҳақидаги афсонани ҳам илк бор айнан Вахшунвартта билан бўлган суҳбатида ўз тилидан тинглайсиз – ўқийсиз. У қарийб 200 йил сўғдийлар ва уларга қардош халқларнинг қонини зулукдай сўриб ётган форсларнинг мағлуб этилганидан мамнун эканлигини жўшиб-кўпириб, чексиз бир қувонч билан айтиб беради. Ўртада Искандарнинг “янги ниқоби” ҳақида сўз боради, шунда Спантамаъно: “Бесс эсингдан чиқдими? Искандар мана нима учун келмоқда? Форс қўшинининг қолган-кутганини қириб ташлайди-да, кейин қайтиб кетади”, – дейди. Форслардан бутун вужуди билан нафротланган Спантамаъно Искандарга нисбатан илиқ фикрда эди. Гўё Искандар Сўғдиёнани форслардан тозалайди ва Спантамаъно ўз юртининг ҳукмдорига айланади.

Биз Спантамаънони ватанпарвар қаҳрамонимиз сифатида севганимиз учун романда унинг Ватанга бўлган муҳаббатини кутиб, излаб, истаб ўқиймиз. Бу муҳаббатга биринчи марта яна дўсти билан қилган суҳбатларида дуч келамиз: “Мен ўзим ўз юртимга ҳукмдор бўлишни истайман. Мен ўзим далаларимда ўстирадиган ғалланинг нони-

ни егим келади. Мен ўзим қўйларимнинг гўштини емоқ истайман”. Бирдан кўзингизга, тасаввурингизга чизилган Спантамаъони ҳақиқий Инсон сифатида ҳам қайтадан кашф қила бошлайсиз. Машхур аллома Цицероннинг қўйидаги гаплари худди Спантамаъно ҳақида айтилгандай: “Бизга ота-оналар, болалар, яқин хеш-акраболар қимматлидирлар; лекин муҳаббат бобидаги барча тасаввурларимиз биргина “Ватаң” отли сўзда мужассамлашгандир”. Ёзувчи диалоглар, суҳбатларни шундай маҳорат билан тузиб чиққанки, ҳар бир жумлага, ҳар бир сўзга ана шу буюк муҳаббат сингдириб юборилган. Китобни мутолаа қилишингиз давомида бу муҳаббат қудрати гоҳо баҳор елидай хушбўйларини таратиб, гоҳо момақалдироқдай гулдураб, чақмоқдай ўт сочиб ифода этилади. Биз бу ҳақда кейинроқ яна тўхталамиз.

...Вахшунварта билан суҳбат. Бу суҳбат худди Спантамаъони ҳар томондан тасвирга олаётган камерага ўхшайди. Бу “камера” сабаб Спантамаъонинг Искандар тўғрисидаги ўйлари бироз бўлса-да, ўзгарганига гувоҳ бўламиз. Спантамаъонинг, Искандар қолган-қутган форсларни йўқ қилиш учун келаяпти, деган фикрларига дўсти Вахшунварта: “Зулқарнайн аллақачон форсларни енгди. Энди нега бу ёққа келаётир?.. Зулқарнайнга ишонмайман. Ким билади унинг калласида нима бор? Йўқ, у сен-у мен учун ўз бошини хавф-хатарга урмайди. Эшлитишимча, Искандар кўп маккор”, – деб жавоб қайтаради. Спантамаъно нима қиларини билмай иккиланиб қолади. Ахийри Вахшунварта билан шимолга – Сўғдиёнага, Вахшунвартанинг дўсти – Навтака ҳокими Ороба ёнига йўл олишади. У ерда Спантамаъони янги кўргуликлар кутиб турган эди.

Спантамаъонинг муҳаббати ва ўхшаш қиёфалар

Спантамаъонинг ҳам юртига, ҳам фарзандига, ҳам севган ёрига бўлган муҳаббати сизни роман охиригача тўлқинлантириб, ҳайратлантириб туради. Унинг ўлиб кетган форс

хотини, Бесснинг синглисидан бўлган Отана исмли қизи бор эди. Қизчасини урушга кетаётганида Панжакентда тарбиячилар қўлига топширганди. Охирги марта уч ёшлик пайтида кўрганди. Навтакага келганидан бери соғинч ҳисси кучайиб, уни толиқтириб қўйганди. Бир куни эрталаб унинг олдинга қизини олиб келишади. Спантамаъно қизини қучоғига олади, шунча йил қийнаб келган оталик муҳаббати кўзёшларга айланади. Уч кун давом этган соғинчли дийдорлашувдан сўнг қизини панжакентлик кексалар билан бирга уйига жўнатиш тарафдудига тушиди. “Нима учун мени ҳайдаб юборяпсан?” – хўрлиги келиб йирлайди қизи. Бечора Спантамаъно сел бўлиб кетади: “Сени ҳайдаетганим йўқ, қизим. Тезроқ жўнаб кетишингни илтимос қилипман. Сен кетишинг керак. Бу ерда ёмон одамлар кўп. Кўрдингми, уларнинг кўзлари қандай хунук? Сени еб қўйишади...” – Нега ўзинг қоляпсан? Бирга кетамиз”. “Иложи йўқ, қизим. Ёмон одамлар сен отангни соғиниб, ўйлаб ўтирадиган Панжакетта бормаслиги учун мен уларнинг йўлларини қўриқлаб туришим керак. Мени эсингдан чиқариб юбормайсанми, Отана? – Ҳеч қачон.” Қизини кузатиб қўйишига чиқади. “Сўзлай деса йиғлаб юборишидан қўрқиб, йўлда узоқ-узоқ туриб қолади.” Афсуски, Спантамаъно фарзандини қайта кўриш энди насиб қилмаслигини ҳали билмасди. Ёзувчи саккиз ёшар қизчанинг эркаланиши-ю, йиғлашларини, отаси билан сұҳбатларини жуда табиий ва таъсирчан акс эттиради. Спантамаънонинг оталик муҳаббати... Фақаттина уч бет, холос. Бу муҳаббат уч бетта сиғармикан? Бироқ ёзувчи маҳорати шундаки, сиз бир отанинг соғинч билан, ҳаяжон билан тепиб турган юрагини ҳис қиласиз, бу соғинч, бу ҳаяжон сизнинг ҳам қалбинизга кўчиб ўтади...

Ҳа, дунёда Одам Ато билан Момо Ҳаво яралганидан бери муҳаббат бор ва у абадул-абад яшаб қолади. Ҳар бир инсон юрагини бу туйғу асир олган, асир олмаган бўлса, бир кун олажак. Навоий бобомиз: “Ишқиз ул танки, анинг жони йўқ”, деган эдилар. Спантамаъно “жони бор”лардан эди. Юқорида хабарчи македонияликларнинг Спантамаъно ҳақида айт-

ганларини көлтирган здик. Спантамаъно чиндан ҳам шундай зди. Унинг “ҳеч кимдан тап тортмайдиган”, тўпори, телбанимо характери уни бошқалардан ажратиб туради. Айниқса, Оробанинг қизи Зарони севиб қолиши воқеасини ўқиб таажжубга тушасиз. Бир куни деворга чиқиб, хаёл сурис ўтирган Спантамаъно ўзига томон келаётган қизларни кўради. Сал олдинроқда бораётган қадди келишган, ҳурлиқо қиз Спантамаънонинг оловли нигоҳларини сеҳрлаб олади. Қиз яқинлашгач, табассум қилиб, чаккасидаги атиргулни унга ташлайди. Ўзини йўқотиб қўйган қиз гулни илиб тўхтайди. Бирдан Спантамаъно: “Мен сенга уйланмоқчиман, розимисан? Ҳа, деётганингни кўзларингдан кўряпман. Отанг ким? Ҳозироқ унинг олдига бораман”, – дейди. Қўйилиб келаётган сўзлар, тағин шунаقا сўзларки, қизни тамоман гангитиб қўяди. Буни лаҳзалик ошуфталикка йўйманг, буни шунчаки айтилган ширин гаплар, деб ҳам ўйламанг. “Тезда қўлга киритилган нарсадан осон воз кечилади”, деган нақл бор. Бироқ бу асло Печориннинг ёхуд Онегиннинг муҳаббати эмас. Спантамаъно то умрининг охиригача севгисига, охир-оқибат, унга ўлим шаробини ичирган ана шу севгисига содиқ қолади. Бу оташ сўзлар биз таъкидлаётган Спантамаънонинг ғаройиб феъли сабаб. У шундай дунёга келган, шунаقا юрак берилган. Бирор ерда эшитганимисиз ё ўқиганимисиз – бир қизни пешинда севиб қолиб, кечкурун тўй қилиб олган йигитни.

Стендауда бир гап бор: “Севги – ажиди бир гул, аммо тубсиз жар ёқасида ўсган бу гулга яқин бормоқ ва узмоқ учун жасорат керак”. Спантамаъно муҳаббатининг чин ва соғ эканини унинг жасорати яна бир карра исбот этади. Сулув Оробанинг қизи эканлигини билгач, ўша заҳотиёқ унинг отаси ҳузурига боради.

Йигит билан қизнинг отаси ўртасида бўлган суҳбатда эса жамики камчиликлари-ю, нуқсонлари билан Оробанинг асл қиёфаси кўз олдингизда намоён бўлади. Унинг шахсияти ҳақида бироз тўхталашибиган бўлсан, у ўтакетган такаббур ва айёр, ўз манфаати учун ҳеч нарсадан тап тортмайдиган мунофикалардан. Лекин энг асосийси... бойлиска ҳирс қўйган, агар

деворға тилло танғанинг расмини чизиб күйсанғыз ҳам, ўшани олмоқчи бўлиб бошини уриб ёради. Бойлик учун ҳар қандай тубанликка, ҳар қандай разилликка қўл уради. Ҳатто, яхши таниш бўлмаган одамига қизини бериб юборишга тайёр. Спантамаъно Оробага, қизингни бер, деб роса ялинади, Сиёвуш авлодиданлигини айтиб, дўқ уради. Аммо ғазабланган Ороба кибр билан қичқиради: “Сиёвуш авлодиданмишлар!.. Гўнг авлоди, мана сен кимсан! Ўзи йиртиқ иштонда юради-ю...” Шунда Спантамаъно қўйнидан учта йиртик, оппоқ олмос чиқариб, Оробанинг олдига ташлайди. “У нимадир демоқчи эди, томонига бир нарса тиқилгандай йўталди-ю, қимматбаҳо тошлардан кўз узолмай қотиб қолди”. Спантамаъно тезроқ жавобни эшлиши учун, олмосларни қайтадан рўмолчага териб солади. Ороба энди бутунлай бошқа қиёфага киради.

“ – Буни маслаҳатлашиш керак! – деди Ороба рўмолчага ёпишиб.

– Кўзинг кўр бўлсин, қари чўчқа, – тўнриллади Спантамаъно ва рўмолчани юлқиб олди.

– Буни масла... э-э-э... м-маслаҳатлашиш нима керак? – деди Ороба патнисга жаранглаб тушган олмосларни териб оларкан. – Мен р-розиман. Ким Сиёвуш авлодига ўз қ-қизини беришга рози бўлмайди?

– Йиртиқ иштонлар-чи? – эслатди Спантамаъно айёна кулиб.

– И-иштонни нима дахли бор? – қимматли нарсаларни қўйнига яшираркан, Оробанинг жаҳли чиқди. – Йиртиқ иштон қ-қайтанга яхшиям. Ш-шамол к-кириб туради, с-салқин, қулай...”

Ёзувчи очиқдан-очиқ кулади, ўз нафсининг қулига айланганлар аҳволини ҳажв пардасига ўраб, мазах қиласди. Буюклиқдан буюклиқ түғиллади деганларидай, разолатдан ҳам разолат түғиларкан. Оробанинг қизи Заро отасига торғтан экан. Буни тўйнинг биринчи кунидаёқ сезасиз. Отаси қилган шошибалоқликдан ворози бўлган қиз ҳар хил хаёлларга боради. “Умрининг охиригача бўм-бўш ва совуқ Панжакент қалъасида яшashi”ни ўйлаб, вужуди музлаб кетади. Спантамаъно

олдига сочиб кетган ёқутлар эсига тушгач, қоронғу хаёллар ўрнини “Сўғдиёнанинг энг машҳур аёли” бўлиш ҳақидаги ёруғ хаёллар эгаллайди. “Ороба кириб келганда, у сочилиб ётган ёстиқлар устида ётганча, ҳаяжон билан ёқут, марварид ва дурларни битта-битта териб олмоқда эди”. Кейин ҳам асарнинг ҳеч бир жойида Заронинг муҳаббати акс этган бирор далил топа олмайсиз. Бунчалик тошбағирликка сабаб нима экан-а? Севмай турмушга чиққеними? Йўқ, бойлик. Ҳа, у кўзларни кўр, юракларни тош қилгувчи экан. Ёзувчининг кўйидаги гаплари барча саволларимизга жавобдай: “Қиз бойлик ҳамма нарсани ҳал қиласди деб ҳисобланадиган, кармони тўла одам иззат-ҳурмат, меҳр-муҳаббатга лойиқ, деб қараладиган, пулсиз одам эса энг паст деб муомала қилинадиган муҳитда тарбия кўрган эди”. Заронинг Спантамаъонони севмаслиги аниқ, лекин айни пайтда уни ёмон ҳам кўрмайди. Чунки Спантамаъононинг тиллоси бор, ёкути бор.

Агар Я. Илёсовнинг ижодига синчиклаб назар ташласангиз, у бошқа асарларида ҳам Оробага, Зарога ўхшаган образлар яратганига гувоҳ бўласиз. Масалан, “Олачипор ажал”даги Фрада ва унинг қизи Райада Ороба билан Заронинг худди ўзгинаси. Фрада ҳам обрўли оқсоқоллардан, унинг бойликка ўчлиги Оробани эслатади. У ҳам қизини бойлик эвазига “қурбон” қиласди, Спрангизнинг ўз қизида кўнгли борлигини билгач, қизи орқали бойлик, обрў тами қила бошлайди. Севгисини барча нарсадан устун қўйган Тўмариснинг ўғли Спрангиз тўрт туяга ортилган тилло-ю, зарларни ваъда этади, шунда Фрада қизининг “муҳаббатига” қаршилик кўрсатмай қўяди. Гарчи Райада Зарога ўхшаб кетса-да, унинг қалби муҳаббат таъмини бироз бўлса ҳам сеза олади. Ўхшаш қиёфалар, ўхшаш тақдирлар.


Искандар билан юзма-юз

Бу ёқдан Искандар келяпти, у ёқда форс Бесс ўзини шоҳ Артахшатра Тўртингчи деб эълон қилиб бошига олтин тож кийди. Спантамаъонони яна иккиланиш қийнайди – Искан-

дарми ёки Бесс? Шундай кунларнинг бирида бир сўғд Спантамаънога Искандар юборган мактубни олиб келиб қолади. Хат, мен форслардан аламимни оляпман, фақат Бессни тутиб жазолашим керак, наҳот сен ҳам форс тарафида бўлсанг, менга ёрдам бер ва кейин Сўғдиёна сеники бўлиб қолади, деган мазмунда эди. Навтака ҳокимининг оддий бир күёви, оддий бир Спантамаънонинг катта-катта мамлакатларни забт этиб келаётган жаҳонгирдан бундай хат олиши умуман хаёлига келмаганди. Бироқ барибир эҳтиёткорликни йўқотмайди. Атрофдагиларни маслаҳатга чақиради. Балки оломон бақир-чақир қилиб кўчага чиқмаганда эди, Спантамаъно Искандар таклифига кўнмаган бўларди ҳам. Оломон молларини талаётган, аёллари-ю болаларини ўғирлаб кетаётган, ваҳшийликлари ҳаддан ошиб кетаётган форслар устидан шикоят қиласди. Форсларнинг бунчаликка боришини кутмаган Спантамаъно: “Форсларни уринг!” деб буйруқ беради. Бутун Навтака оёққа туриб, аламини олишга киришади. Охир-оқибат мактубда сўралганидай, ғазабланган Спантамаъно Бессни юононлар чангалига топширади.

Атрофдаги одамларидан тузукроқ маслаҳат эшитмагач, Спантамаъно Сўғдиёнага келиб қолган юононларнинг кичик шаҳарчасига – дўсти Паллант ёнига келади. Шоиртабиат Паллант Искандар келиши ҳақида Спантамаъно биринчи марта қандай ўйга борган бўлса, шундай фикр билдиради, бутун вужуди билан хайриҳоҳлигини айтади ва Спантамаъно билан бирга ширин орзулар қанотида парвоз қилишади. “Сен руҳимни кўтардинг”, дейди Спантамаъно. Энди Спантамаъно Искандар тўғрисида аниқ бир тўхтамга келганди. Мароқандда Спантамаънони Искандар билан учрашув кутмоқда эди.

“Мароқанд Сўғдиёнанинг қадимий пойтахти бўлган. Уни афсонавий Сиёвушнинг отаси Кайковус подшо қурдирган дейишади...” Деярли китобнинг ҳар бир саҳифасида бундай тарихий маълумотларга дуч келасиз. Биз юқорида Я. Илёсовнинг ёзувчи сифатидаги маҳорати, санъатининг айrim қирраларига назар ташладик. Адаб-



нинг яна бир истеъдоди тарих илмининг ҳам катта билимдони эканлигига намоён бўлади. У битта асар ёзиш учун жуда кўп тарихчиларнинг китобларини ўқиб чиққанини, астойдил изланганини ҳис қилиб турасиз. Шахсан мен кузатганим, ёзувчи “Сўғдиёна” романида Плутархнинг “Искандар Мақидунли” китобидаги кўпгина қизиқарли маълумотларни келтиради. Шунингдек, Искандар ҳақида сўз кетганда, Клитархнинг солномаларидан парчалар берилади. Адибнинг “Олачипор ажал” асарида, ҳатто Беҳистун қоятошларидаги ёзувлардан намуналар келтирилган. Бундан ташқари, ушбу повестда муз кўчишидан кейинги давр, орийларнинг ер юзига тарқалиши ҳақида, сак ва массагетлар, уларнинг урф-одатлари, эътиқодлари, дағн маросимлари ҳақидаги ажойиб маълумотлар ёзилган.

Буни қарангки, биз ўқиган тарих китобларининг бирортасида Спантамаъно билан Искандарнинг учрашгани ҳақида ёзилмаган. “Сўғдиёна”да эса бу икки баҳодирнинг юзма-юз келиш саҳнаси асарнинг энг ҳаяжонли нуқталаридан бирига айланган. Барча жанг-у жадал тасвирлари бир тараф – Спантамаъно билан Искандарнинг юзма-юз келиши саҳнаси бир тараф...

Мехмонларни кутиб олиш учун Мароқанддан ташқарига, Бухоро йўлига чиқиб турган сон-саноқсиз оломон. Ниҳоят, кутилган лаҳзалар бошланади. Ҳамманинг кўзи фақатгина икки одамда – Искандар ва Спантамаъно. “У ҳам, бу ҳам жойидан қимиirlамади. У ҳам, бу ҳам биринчи бўлиб саломлашишни истамаётганга ўҳшарди. Улар от устида индамай ўтиришар, Искандар Спантамаънога баджаҳлик билан амиrona тикилар, Спантамаъно эса Искандарга бамайлихотир, лекин бироз масхараомуз қараб турарди... Сукунат тоқат қилиб бўлмас даражада чўзила бошлади. Атрофда турғанларнинг юзларидаги табассум сўнди. Майдон узра хавф-хатар кўз илғамас қанотларини ёзди. Буни ҳаммадан бурун Искандар ҳис қилди.(!)” Искандар тўқнаш келган Спантамаъно эмас эди,

йўқ-йўқ. Искандар Шарқ билан юзма-юз келди, ҳа, биринчи марта Шарқ билан! Йирик-йирик империялару қудратли салтанатларни забт этиб келаётган, қаршисида не-не ҳукмдорлар тиз чўккан, этагини ўпган жаҳонгир, бутун дунёни зир титратиб турган жаҳонгир энди умрида илк бора Шарқ билан, Осиё билан учрашди... Ва қаршисида турган саҳройи бир сўғднинг нигоҳлари унинг бутун вужудини, охгу шуурини ларзага солди. “ – Спитаменни Диогенга ўхшаб кетади деб ишонтирган эди. Аммо униси қадаҳсиз ҳам куни ўтишига амин бўлгач, уни уриб синдириган бўлса, буниси ҳаммадан олдин менинг бошимни пачақлайди...” Ҳа, Спантамаъно Искандар ўйлаганчалик бефаросат эмас экан. Аксинча, у – Қоплон бўлиб чиқди. Доим устига ташлаб олиб юрадиган қоплон териси унинг чексиз моҳирлигини, зийраклигини, ўз ўрнида айёрглигини ҳам кўрсатиб турарди. Бу Қоплоннинг – “Спантамаънонинг қараши македонликка уни, Искандарни ейишни қаеридан бошласам экан деб шайланиб, юмшоқ жойини синчиклаб кузатаётган йиртқични эслатарди...”

Сабр косаси тўлган, юрагида аллақандай даҳшатли қутқу, ғулғула пайдо бўлган Искандар Спантамаънога қарши қатъий уруш эълон қиласди. Аммо Искандар битта ножӯя қадам қўйилган лаҳзада, “македон ёки юнон пичноғидан ақалли битта сўғд хўрози ўлган заҳоти” уруш бошланишини, македонияликлар бошига гул ўрнига тошлар ёғилишини жуда яхши тушунади, англайди. Шунинг учун ҳам энди унга биринчи навбатда, шаҳардан четроқда, янги босқинчиликларни амалга ошириш учун хавфсизроқ ва қулай жой керак эди.

Ниқоб йиртилди

Учрашуудан сўнг кўп ўтмай, Искандар Киресхата (Ҳозирги Хўжанд)га йўл олади. Агар жанг бошланса, Яксарт (Сирдарё) ортидаги скифларни сўғд томонга ўтказмаслик керак, бундан ташқари сўғдларда қурол учун за-

рур бўлган темир кам, темир кони эса Киресхата яқинида. Бу шаҳарнинг умуман, ҳар тарафлама қулай ҳудудда жойлашгани юонолларга кўл келади.

Газаб отига минган Искандар очиқдан-очиқ босқинчилик йўлига ўтади. Спантамаъонинг дўсти Палланти үлдиришади. Мароқандда ҳунармандлардан бож талаб қилишади, эвазига қандайдир бир сопол синиқларини бериб лақиллатишади. Бу ҳам камлик қилгандай, юоноллар уларни тутиб калтаклашади.

Искандар кийган ниқоб йиртилади. Спантамаъонинг кўзи энди очилади. Куч бирликда! Кўмак бериши мумкин бўлган ҳамма кучларни йиғиш керак. Авваламбор, у қайнатаси Оробанинг олдига келади. Лекин Ороба Спантамаъно ўйлаган одам бўлиб чиқмайди. “Менга деса Сўғдиёна тепасида тоғлиқ бир кўзли девлар турмайдими, фақат улар менинг ҳ-ҳаётимга ш-шафқат қилса-ю, мол-мулкимни ярмини ў-ўзимда қ-қолдирса бас”. Спантамаъно бундай разилликни ақлига сидиролмайди. Эҳ, Ороба... Унга ўхшаганлар кимнинг қўйни тинч, иссиқ бўлса, ўзини ўша ёққа уради. Кеча форсларга сотилганди, бугун юонолларга сотилади, эртага яна бошқа бирорга. Қанийди бундайларнинг Тарас Булбадай оталари бўлса!... Ороба Ватан деган тушунчани онгига умуман сидиролмайди, ўзига таниш бўлган жойда яшади нима-ю, бегона ерларда яшади нима? Энг асосийси – у тирик, нафас оляпти. Унинг ҳаётида ҳеч қандай мақсад ҳам йўқ, эътиқод ҳам; ёлғиз сифинадиган нарсаси – пул. “Биз ҳақиқий инсон деб аташга лойиқ топганимиз кучли эътиқодга эга бўлмаслиги мумкин эмас”, деган эди Чернишевский.

Я. Илёсов, асарларида нафақат ёзувчи, нафақат тарихчи сифатида, балки бир файласуф сифатида ҳам намоён бўлади. У ҳар бир воқеага ўз фикрини, муносабатини билдириб туради, қаҳрамонлари тилидан ўткир-ўткир ҳикматларни айтади. Асарда албатта, файласуф образини топасиз, тўғри, у бошқа қиёфада бўлади, яъни у ё чўпон бўла-

ди, ё ҳукмдор, ё яна бошқа бирор. “Сүғдиёна”да зса бу образ Спантамаънонинг аъёни Датафарн қиёфасида акс этган. “Ороба қизи Заро” бўлимидәёқ қуидаги ҳикматларга қулоқ осамиз: “...агар йўлбарс ҳўкизга ҳужум қилса, у нима қилган бўлади. Ўзига яхшилик қилган бўлади, чунки у ҳўкизни емаса очидан ўлади. Тўғрими?.. Агар ҳўкиз йўлбарснинг қорнини ёриб ташласа, у ҳам яхшилик қилган бўлади, ўзи учун албатта... Яхшилик – бу замирига ёмонлик яширилган чиройли сўз, холос. Яшашнинг маъноси бир-бирини емоқдан иборат”. Датафарнинг бу мулоҳазалари Спантамаънони ўйлантириб қўяди. Аммо доно форснинг фикрларига ҳеч қандай муносабат билдирамайди.

Орадан анча вақт ўтади. Юрт остонасига кириб келган Искандарни ҳалоскор, деб ишонган Спантамаъно алданганини кечроқ англайди. Искандар оғзида “халоскорлик” деган гулни тишлаб олган илон бўлиб чиқади. Бу баҳайбат илон билан олишмоқ учун ён-атрофдаги қўшниларига чопар юбориб, кўмак ўтинади. Бироқ ҳамма қўшнилар бош тортади. Ўз қайнатаси берган оғир зарбадан кўнгли чўккан Спантамаъно чопарлар келтирган хабардан баттар ғам-андуҳга берилади. Ичкиликка ружуъ қўяди. Уни бу ғафлат ботқоғидан Варахран билан Баро қутқаради. Улар, Искандар билан курашиш учун ҳалқ бор, дейдилар. Ҳалқ йигилади, денгизга айланади ва 300 мингга яқин юононни қиличдан ўтказади.

Ана шундагина Спантамаъно Датафарн айтган фалсафага жавоб беради: “Ҳамонки дунёда икки хил ҳақиқат: йўлбарс ҳақиқати ва буқа ҳақиқати мавжуд экан, мен иккичисини қабул қиласман. Менинг яшагим келади. У мени еб юбормаслиги учун мен унинг қорнини ёриб ташлайман. Бирорта ҳам йўлбарс қолмасин. Буқалар ўтлоқларда bemalol ўтлаб юрсин. Мана мен учун олий ҳақиқат...”

Инсон эрки. Дунёда бундан-да тотли, бундан-да муқаддас (шундай дейишга ҳақлимиз зотан) сўз бормикан? Инсон туғилганидан бери эркинликка интилиб яшайди.

Бешикка боғланган болани озгина ечиб қўйинг-чи, қандай қувониб яйрайди, нигоҳлари ҳам бирдан ўзгаради, қўлларини ёзиб қиқирлай бошлайди. Лекин қайтадан яна боғласангиз, ён-верига безовта аланглайди, қафасга тушган қушдай тўлғанади, қичқиради, йиглайди – исён қилади.

Юқорида биз Чернишевскийнинг эътиқод ҳақидаги гапларини келтирган эдик. Мана, сизга эътиқод – инсон эркига интилиш. Одам ўзи қачон оркин бўлади? Ватан эркин бўлганда, Ватан озод бўлганда. Демак, инсон эркига интилиш – бу Ватанинг озодлигига интилиш билан баробар. Инсон эрки, юргозодлиги учун кураш бундан 2,5 минг йил муқаддам эмас, балки қадимул айёмда бир қабила иккинчи қабилага ҳужум қилганда, унинг яшаб турган ғорини згаллаб олганда бошлангандир. Я. Илёсов қаламидан тўкилган фалсафа ана шу буюк интилишини улуғлайди. Ёзувчи бизга Ватанга муҳаббат туйғусини ўргатмайди, балки ўзимизга сездирмай, қалбларимизда уни тарбиялайди. Я. Илёсов асарларининг беқиёс қиммати ҳам ана шунда!

Эътиқоди синмас Спантамаънонинг Мароқанд деворлари яқинидаги жангда юнонлар устидан қозонган ғалабаси ишончига ишонч, кучига куч қўшади. У бу ғалабадан сўнг Искандар қўшининг яна тўқнаш келади. Бу гал Политимет (Зарафшон) бўйида. Спантамаъно, жангчилари сони Искандарнидан бир неча баробар кам бўлгани учун ҳийла ишлатишга мажбур бўлади. Сўрд жангчилари ортга чекинар, пистирма қўяр, яна чиқиб ҳужум қилар эди. Искандар Спантамаъно аскарлари тўқайзорда яшириниб турганидан хабар топгач, чакалакзорга ўт қўйиб юборади. Олов ичидан чиқиб келаётган дарразаб саклар, сўғдлар Искандар аскарларига қақшатқич зарба беради. Тасаввур қилиб кўринг-а... Ҳам даҳшатли, ҳам ҳаяжонли манзара. Гўё ўзингизни Спантамаъно аскарлари сафида ҳис қиласиз, аччиқ тутундан нафасингиз қайтиб кетади, қўлингизда қилич, қаршингизда ёғий...

Ёзувчи ҳар бир жанг саҳнасини маҳорат билан тасвир этадики, ўзингизни қаҳрамонлар билан бирга ҳис этасиз, улар билан ёнма-ён туриб, душманга ташланасиз, саҳро-

ларда юриб ташна бўласиз, тоғларда юриб эпчиликни ўрганасиз, жазирамаларда этингиз куяди. “Ёзувчи – энг аввало рассомдир”, деган экан донолардан бири. Я. Илёсов қалами чизган суратлар сизни сеҳрлаб кўяди. Ёзувчи ҳар бир одамнинг эгнидаги кийимидан тортиб бармоғидаги узугигача, биз китобларда расмини кўрган кўҳна шаҳарларнинг деворлари-ю, қалъаларидан тортиб, сарой ёхуд уй ичидаги оддий буюмларгача шундай ишонарли ва жонли тасвиirlаб берадики, заррача бир сунъийликни кўрмайсиз ва бундан беихтиёр ҳайратга тушасиз. Сиз асарга, асар сизга сингиб кетади. Тарихийлик билан бадиийлик уйғуналашиб, бир бутун гармония ҳосил бўлади ва бу маҳорат сизни юз карра ҳайратга солади...

Дарвоҷе, юнонларнинг икки минг аскарини йўқ қилган Спантамаънонинг бу сафар ҳам зафар қучгани Искандарга ҳақоратдай таъсир қиласди. Қаҳри қайнаб, кўзларига ҳеч нарса кўринмай қолади.

“ – Вайрон қилинг!

– Ўт қўйинг!

– Зўрланг!

– Ўлдиринг!”

Искандарнинг буйруғи шундай эди. Спантамаъно қолган жангчилари билан чекка қишлоқларга қочиб кетади.

Руҳий покланиш ва сўнгги кунлар

Искандар Бақтрияни, Мароқандни, Сўғдиёнани эгаллаб олган. Ҳамма жойда унинг одамлари. Спантамаънони эса Вахшунвартага ўхшаган “дўст”лари ҳам ташлаб кетган, бир сиқимгина аскари билан қолган. Нима қилиш мумкин ахир? Бу ўйлар Спантамаъно руҳиятини зеввлаб ташлайди. Яна мусаллас ичишликка берилади. Шунда яна Баров Вараҳран уни бу тушкунлик, умидсизлик тузоридан қутқариб чиқади. Спантамаънони Таноаксар исмли, кўзлари кўр кекса бир донишманд олдига олиб келишади. Икки юз ёшни қоралаган Таноаксар мамлакат буюк фалокатга

учраганда ва халққа донишманд кексанинг маслаҳати кепрак бўлгандагина тилга кирар экан.

Донишманд билан сұхбат Спантамаънонинг шу пайтгача нима учун, ким учун яшаб келганини очиб беради. Донишманднинг саволига жавоб бераркан, Спантамаъно Мароқандни эслайди. У боши берк кўчага кириб қолганда халқни оёққа турғизганди. Нега? Ўшанда у куч халқ томонидалигини кўра олган эди. Демак, ақл уни шундай қадам қўйишига унданган. “Унинг юраги эса халққа эмас, Сиёвуш авлодига ачинган эди”. Ўзини йўқотиб қўйған Спантамаъно ҳақиқатни тан олади. “Одамнинг ўз манфаати йўлидаги курашда топган шуҳрати эмас, эл манфаати учун курашда топган шуҳрати абадий қолади”; “Сенинг номинг келажак авлодлар учун йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилади... Буюк ишлар бир зумда амалга ошиб кетмайди. Ҳужум қил! Кураш! Лозим бўлганда ортга чекин. Аммо нима учун курашаётганингни унутма”. Спантамаъно донишманднинг ушбу айтган сўзларини юрагига умрбод нақш этади. Сұхбатдан сўнг Спантамаъно тонгга қадар ухлаб қолади, туш кўради. Тонготарда Спантамаъно бутунлай ўзгариб уйғонади. “Сен, кўзи ожиз одам, менинг кўзимни очдинг. Энди улар абадий юмилгунча курашавераман”, дейди у. Ҳа, Спантамаъно худди мутасаввуфдай руҳий покланишдан ўтган эди. Донишманд, найзангни учига боғлаб қўй, деб Широқнинг социдан бир ўрим инъом этади. Энди сиз Спантамаъно қиёфасида Тўмарис, Широқ, Жалолиддин руҳиятини, Ҳожимурод (Л. Толстой) руҳиятини ҳис қиласиз.

Покланишдан сўнг Спантамаънода қоплондай шижоат пайдо бўлади. У жангчилари билан бирга юонлар эгаллаган қалъаларни талайди, юонон аскарларининг кўпини қиличдан ўтказади. Ҳуллас, юонларни ер тишлатишга жидду-жаҳд билан аҳд қиласиди. Бироқ массагетлар йўлбошчисининг ўғли Дейока, масхарабоз ниқобидаги македон Тигранлар бу орзулар осмонида қора булат бўлади. Ҳаммаси Искандарнинг хос навкари – Тиграннинг Спантамаъно қўшин йигаётган қишлоққа кириб келишию, кул-

гили гаплари, хатти-ҳаракатлари билан аскарлар мәхрини қозонишидан бошланади. Ҳеч ким унинг айғоқчи эканини, маҳсус топшириқ билан юборилганини хаёлига келтирмайди, шубҳаланмайди ҳам. Бундан фойдаланган Тигран аста-секин ўз мақсадини амалга оширишга киришади. Юқорида Ороба, Фрада сингари образлар орқали Ватан хоинлари, бойликпастлар қиёфасини кўрган эдик. Буни қарангки, уларнинг сафи яна бир кимса билан бойийди – Дейока. Ҳа, шу қаҳрамон Тиграннинг режаларини рўёбга чиқарувчи “восита”га айланади. Қармоқ тайёр – бойлик. Яна қанақа бойлик денг, Спантамаъно белига қистириб юрадиган халтачадаги қимматбаҳо тошлар!.. Шундай қилиб, Дейока Спантамаъно ишончини шунчалик қозониб оладики, қўшиннинг бир қисмини бошқариш Дейока зиммасига юкланди. Бу Тигранга айни асқотади. Дейока навбатдаги жанг пайтида қўшиннинг чап қанотини бўш қолдиралиб, Баро қўл остида жанг қилаётган сўғд ва бағтрийлар юки ортилган араваларни талашга киришиб кетади. Қўшин чекинади, анчагина йўқотишлар бўлади. Жангдан кейинги ҳордиқ пайларида Тиграннинг уйдирмалари, ёлронлари таъсирида аскарлар бирин-кетин тарқаб кета бошлайди. Охири Спантамаънонинг ўзидан бошқа ҳеч ким қолмайди ва у душман ичига бир ўзи кириб боради.

Сиёвуш авлодининг сўнгги вакили мағрур келмоқда. Беихтиёр ёдимиизга Ф. Купернинг “Сўнгги могикан” асари келади. Унда ҳам бир авлоднинг, могиканларнинг Ункас исмли сўнгги зурриёди ҳақида ҳикоя қилинади. Асар сўнгиди ўша Ункас муҳаббат учун, бир инглиз қизи учун жонини қурбон қиласди. Спантамаъно ҳам асар охирида, ҳамма нарсасидан жудо бўлгач, қалбининг таскини, ҳаётининг умид чирори бўлган муҳаббатини излаб, юононлар чодирига кириб келади. “Заро!” – эркалаб шивирлаганча Спантамаъно қизга талпинади. Заро эса... “У эрига қаҳр билан ўқрайди. Агар кўзлар камон ўқидай ярадор қила олганда эди, Спантамаъно турган жойида ҳалок бўлган бўларди”, дейди ёзувчи. Оний сукутдан сўнг, қиз: “ – Ўли-

мингни берсин! – деб вишиллайди” ва ғазаб билан чодирдан чиқиб кетади.

Зиммасига Спантамаънони ўлдириш топширилган Тиграннинг Зарога раҳми келади: “У сенинг эринг... ўзинг ёнига бор, айтгинки, Искандарга ўз ихтиёри билан таслим бўлсин...” Заро чодирга кириб, эридан таслим бўлишини сўрайди. Ғазабдан титраб кетган Спантамаъно хотинини “Йўқол!” деб ҳайдаб юборади. Шунда ёзувчи: “Бир-бираига мутлақо ўхшамаган икки кишини боғлаб турган, кўзга зўрға ташланадиган нимжон ришта қайта уланмайдиган бўлиб узилиб кетди”, дейди. Бироқ ёзувчи ўзи билмай янгилишади. Спантамаъно ҳатто сўнгги нафасларигача муҳаббатига талпиниб яшайди. Тиграннинг қўлида жон бераётган Спантамаъно “Заро!!!” деб қичқиради. Сўнг яна, яна... Қичқириқ учинчи марта нолага айланади ва у жон беради.

Ёзувчи Заронинг кейинги қисмати ҳақида бутун бир бўлимда, асарнинг энг сўнгги бўлимида ҳикоя қиласди. “Бу кампирни бутун Катан аҳли танирди. Унинг ёши 98 да эди чори...” Ҳа, сиз таниган шу кампир Заро бўлиб чиқади. У эрининг ўлимидан сўнг Искандарнинг саркардаси Дракилга турмушга чиқади. Кўп ўтмай ажрайди ва яна... яна... умри давомида ўнга яқин эркак билан бирга яшайди. Охир-оқибат тақдир чархпалаги уни хорлик ботқорига улоқтиради. Ёзувчи Зарога ўхшаган кимсаларни абадий таҳқирланишга ҳукм этади. Заро асар муқаддимасида ҳам, хотимасида ҳам гадолик туғини кўтариб намоён бўлади.

Лекин Спантамаъно Ункасадай, Ункас қалбидагидай муҳаббат учун эмас, бундан юз карра буюкроқ муҳаббат учун қурбон бўлган эди. Зарони излаб келмаган тақдирда ҳам, кузатиб келаётган айғоқчилар уни барибир ўлдиришарди. У одамларини, халқини хотиржам, эркин кўрмоқ истади, она-Ватанини озод кўрмоқ истади. Чиндан-да муқаддас истак, муқаддас фикр. “Спантамаъно” номи “Муқаддас фикр” деган маънони англатишида ҳам рамз бор.

Авлодлар олдидаги қарз

Озодлик ҳақида сўз кетганда машҳур актёр Мел Гибсон иштирок этган “Шерюрак” фильмни ёдимга келаверади. Шотландия озодлиги учун аёвсиз курашган фидойи қаҳрамонни фильм сўнгига шаҳар ўртасидаги майдончага келтириб, даҳшатли қийноқлар билан азоблашади. Охири, ҳатто, жалподнинг раҳми келиб, ўзи ундан ёлвориб сўрайди: “Қироллик белгиси туширилган ёпинчиғимни ўп, шунда сени қийнашмайди, осон ўлим топасан!” Қаҳрамон бир нима демоқчи бўлиб оғиз жуфтлайди, майдонга йиғилган оломон жим... “О-з-о-д-л-и-к!” Бутун вужудингиз ҳайратдан титраб кетади. Ҳа, ҳайратдан. Кўрсатилган қаҳрамонлик онг-у шуурингизни ларзага солади ва бу фильмга муҳаббат қўясиз, унинг таъсирида анча вақтгача ёниб юрасиз.

Мен “Шерюрак” фильмидан қандай таъсиrlаниб юрган бўлсам, “Сўғдиёна” оламида ҳам шундай яшадим. “Сўғдиёна” ҳам ана шундай бир кино қилинса, деган орзу уйғонди. Роман сиздаги ғуурни, фахрни тоғлар қадар юксалтиради. Сиз ана шундай аждодингиз борлигидан ифтихор қиласиз ва аждодингиз ҳақида ана шундай асар борлигидан яна бир бор фахр туясиз қалбингизда.

Тарих. У дарахтга ўхшайди. Дарахт фаслга қараб ўзгарди, баҳор келса яшнайди, кузда хазон бўлади. Тарихнинг ҳам замонга қараб янги-янги ва кутилмаган қиррала-ри юз кўрсатаверади. Мен “Сўғдиёна”ни ўзбек тилига ўгирган Маъруф Жалилнинг: “Узоқ ўтмиш қаърида унучилиб, алғов-далғов замонлар қуюнлари чангидаги кўмилиб кетган тарихимизни мавҳумлик оламидан қатра-қатра териб, чанг-ғубордан тозалаб, бизга етук бадиий асарлар шаклида тухфа қилаётган бетакрор санъаткор Явdat Илёсов олдида қарзимиз катта”, деган фикрларига қўшилиб қоламан. Адабнинг ўзбекчага таржима қилинмаган, мутолаа қилинмаган асарлари қанча. Қарзимизни узмоқ вақти келди.



МУҲАББАТ ГУЛХАНИ

(Л.Н. Толстойнинг «Болалик. Ўсмирилик. Ёшлиқ» трилогиясини ўқиб)

Dунёда шундай нарсалар борки, инсон уларни ҳеч қачон унумтиб юборолмайди, хотирасининг ёрқин саҳифаларига ўчмас қилиб ёзилган бўлади, уларни ёдга олиши билан аллақандай илиқ ҳислар қалбини чуягаб олади, худди куз кунлари борлиқни қоплаган туман аста-секин тарқалиб, олам тиниқлашган сингари кўнгилни ҳам ёқимти туйгулар эгалтай боштайди, юрагимиз бундай жозиб намоёнликдан энтикиб, беихтиёр танамизга шитроқ югуради. Улар – биринчи муҳаббат, биринчи устоз, биринчи ҳайратлар ва ҳоказолардир. Бундай хотиралар инсонни умрнинг энг бегубор, энг қисқа, ҳеч вақт тақрорланмайдиган, доим ёз бўлиб турадиган фасли бўймеш болалик оламига етаклаб кетади. Болалик онларимиз ҳаётимиздаги энг қимматли, энг қадрли бебаҳо лаҳзалар ҳисобланади. Ва биз бу лаҳзаларни доим қўмсаймиз, уни бутун вужудимиз билан согиhamiz, бу согинч узгайиб, катта бўлганимизда ҳам, сочимизга оқ оралаганда ҳам тюмirlарда оқаётган қонимизда, қалбимизнинг туб-тубларида яшайверади.

Ёзувчи билан танишув

Болалик, ёшлиқ сингари илоҳий фасл ҳакида бундан бир неча асрлар олдин ҳам ёзишган, ҳозир ҳам ёзишяпти, бундан кейин ҳам ёзишади. Дунё адабиётининг талай дурдонлари ана шу ажиб ва фусункор фаслга бағишиланган. Жумладан, Л.Н. Толстойнинг «Болалик. Ўсмирилик. Ёшлиқ» три-

логияси, Марк Твеннинг «Том Сойернинг саргузашлари» асари, Ойбекнинг «Болалик», Максим Горькийнинг ҳам «Болалик», «Одамлар орасида», «Менинг университетларим» повестлари, С. Айнийнинг «Эски мактаб», F. Фуломнинг «Шум бола» сингари неча ўнлаб асарларни санаб ўтиш мумкин. Мен шулар орасидаги улуғ рус ёзувчиши Л.Н. Толстойнинг «Болалик. Ўсмирлик. Ёшлиқ» трилогияси ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Бу буюк ёзувчи ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил бўлиши учун унинг ҳаётига ҳам бир назар ташлаб ўтсан. Толстой 1828 йилда Ясная Поляна қишлоғида насабига кўра граф оиласида турилади. Унинг болалик, ўсмирлик ва ёшлигининг илк йиллари қисман шу ерда, қисман Москва ва Қозонда ўтади. Умуман, унинг бутун ҳаёти табиат ва она юртининг одамлари билан чамбарчас боғлиқ бўлган. У Ясная Полянада дехқонлар ҳаётини, турмуш тарзини кузатган ва улар билан бирга ишлашини ёқтирган. Уни кўпинча далада чалғи билан ўт ўраётган ёки омоч билан ер шудгор қилаётган ҳолда учратиш мумкин бўлган (машҳур рус рассоми Ч.Е.Репиннинг Толстойни худди шу ҳолатда тасвирилаган картинаси ҳам бор).

Рус адабиётшуноси Б.Бурсовнинг эътироф этишича, ёш Толстойни университетдаги ўқиши қониқтирумайди, шунинг учун 1847 йилда учинчи курсни ташлаб, Қозондан ўз макони – Ясная Полянага келади. Бу ерда крепостной дехқонларнинг турмушини енгиллатиш мақсадида бутун хўжаликни бопларишни ўз қўлига олади. У оддий кишилар, шунингдек, киборлар орасида юриб, одамларда шуҳратпарастлик, қандайdir бир жиддий маънавий эҳтиёж сезмай яшаш, риёкорлик, қалбакилик каби қатор нуқсонларни кўради ва ўзи ҳам бундай иллатлардан ҳоли змаслигини англаб, қаттиқ изтироб чекади. У инсоннинг юксак вазифаси ҳақидаги масала устида ўйлай бошлайди, инсон ҳаётининг мақсади ва маъносини тушунишда тобора чукурроқ фикр юритади. Ёш Толстойнинг бу ҳақдаги мулоҳазалари ўша вақтда юритилган ва кейин то умрининг охиригача давом эттирган хотира дафтирида ўз ифодасини

топган. Хотира дафтариға ёзиб борилған фикрлар доираси борган сари кенгайиб, уни адабиёт майдонига етаклайди.

Толстойнинг бутун ижоди юқорида уни изтиробга солған ва ғазаблантирган, бошини қотирған ўйларининг ёрқин ифодаси сифатида намоён бўлади. Умуминсоний муаммоларни қаламга олар экан, Толстой ўз олдига, тўғрироғи, инсоният олдига шунчалик буюк саволлар қўя оладики ва шундай бадиий камолот даражасига эриша оладики, натижада унинг асарлари жаҳон адабиётининг мумтоз асарлари қаторидан ўрин олади. Бунга мисол қилиб ёзувчи нинг «Уруш ва тинчлик», «Анна Каренина», «Тирилиш» сингари романларини айтиб ўтиш мумкин.

Толстойнинг қарийб олтмиш йиллик адабий фаолияти «Болалик» қиссаси билан бошланади. Бу қисса дастлаб 1852 йилда Некрасов мұҳаррирлик қилаётган ўз даврининг илғор журнали «Современнико»да эълон қилинади. Ўша вақтда муаллиф 24 ёшда эди. Юксак маҳорат намунаси, деб баҳоланган ушбу асар қисқа вақт ичida ёш ёзувчига катта шуҳрат келтиради. Сўнг бирин-кетин Толстойнинг «Ўсмирлик», «Ёшлик» деган асарлари олам юзини кўради. Шундан кейин бу уч повесть «Болалик. Ўсмирлик. Ёшлик» трилогиясига айланади.

Асарнинг бош қаҳрамони – Николенко Иртенев – Лев Толстойнинг ўзи бўлгани учун ҳам «Болалик. Ўсмирлик. Ёшлик» автобиографик трилогия ҳисобланади.

Одамлар билан танишув

«...18... йилнинг 12 августида, худди мен ўн ёшга тўлиб, кўп ажойиб совғалар олган кунимнинг учинчи куни зрталаб соат еттида Карл Иванович бошим тепасида пашша ўлдирадиган таёқчани шапиллатиб уриб, мени уйғотиб юборди». Китоб ана шундай оддий жумлалар билан бошланади, лекин негадир буни бутун асарнинг рамзий мундарижаси сифатида қабул қилдим: боланинг уйғотиб юборилиши – унинг шу пайтгача яшаб келган ҳаёти ўрнига

дафъатан «кўзи очилиб» бошқа шафқатсиз оламни кўриши, ҳайратланиши, норози бўлишини билдиrsa, Карл Иванович – ҳаётнинг рамзидай, чунки у ўқитувчи, папшанинг ўлдирилиши дунёнинг шафқатсизлигига ишорадай туюлади. Умуман, бу дебочани Николенконинг келажақдаги тақдирининг рамзий аломати, десак адашмаган бўламиз.

Дарвоқе, Николенко... Толстойнинг бу қаҳрамони фақат гўзалликка, ростгўйликка интилиб яшайди. У ўз ҳаётини бағри гўзаллик билан тўлиб-тошган табиат ва атрофидаги одамларсиз тасаввур қила олмайди. Бир куни овга чиқишганда у дараҳт остига ётиб олиб, она табиатнинг турли хил ажойиботлари – тоза ҳавоси-ю, ранг-баранг ўсимликлар дунёси, гаройиб ҳайвонотлар оламига маҳлиё бўлиб қолади, отасининг «Менинг олдимга қуёnsиз қайтиш йўқ!» деган насиҳати ҳам, ов ҳам ёдидан кўтарилади. Демак, гўзалликгина уни ўзини унтутиш даражасида ўзига мафтун эта олади. У ҳатто одамларнинг ҳам чиройлиларини яхши кўради. Бироқ ўзининг ташқи қиёфаси хунуклиги Николенконинг қалбини ўкситади. «... келгусида нималарга эга бўла олсан, шуларнинг барисини ҳуснга алмаштиришга тайёр эдим», дейди у. Олти ёшлигига онасининг: «Шуни билиб кўйгинки, Николенко, ҳеч ким сени ҳуснинг учун суймайди; шунинг учун ақсли ва яхши бола бўлишга ҳаракат қилишинг кераю», деган гаплари уни чиройли эмаслигига ишонтириш билан бирга яхши ва ақсли бола бўлишига ҳам ишонтирган эди. У ўзини ўраб турган борлиқдаги жамики нарсаларга тийрак нигоҳ билан қарайди, уларнинг яхши ва ёмон томонлари ҳақида мулоҳаза юритади. Асарда унинг мулоҳаза қилиш қобилиятига алоҳида урғу берилади. Масалан, асарнинг бошланишидаги эпизодни олайлик; ўқитувчиси Карл Иванович ўлдирган пашша Николенконинг бошлага тушади. У нега (Карл Иванович) акасининг эмас, айнан унинг каравоти тепасидаги пашшани ўлдирганини ўйлай бошлайди. Охири, атайн менинг ғашлимга тегиш учун шундай қилган, деган фикрга келиб, ўқитувчисини ёмон кўриб қолади. Бироқ сал ўтмай, ўқитувчиси каравотига ўтириб, уни қитиқлай бошлайди. Карл Ивановичнинг бу иши уни яна ўйлантиради. Нико-

ленко ўқитувчисининг бундай эркалашидан хурсанд бўлиб, у ҳақда бўлмағур ўйга боргани учун ўзидан хафа бўлиб кетади.

Толстой ана шу кичик бир воқеа орқали ёш боланинг таҳлил қилиш қобилияти нақадар нозик эканлигини кўрсатади. Кейинчалик Николенконинг ўзи гувоҳи бўлаётган барча нарсани чуқур таҳлил этиши натижасида фикрий доирасини кенгайтириб боради. Толстой олам билан қадам-бақадам танишаёттак гўдакнинг руҳий дунёсидаги ўзгариш ва акс-садоларни шундай маҳорат, ишонарли ҳамда батафсиллик билан тасвирлайдики, буни фақат ўша ёшдаги боланинг ўзи ёзиши мумкин эди, деб ўйлайсан киппи.

Катталар дунёси

Асарнинг «Ўйинлар» деган бобига назар ташлайлик. Табиийки, ҳаммамиз болалигимизда турли ўйинлар ўйнаймиз. Масалан, стулларни от қилиб минамиш, дараҳт шохларини синдириб олиб, қилич қилиб уриштирамиз, худди Чингиз Айтматовнинг «Оқ кема»сидаги болага ўхшаб катта-кичик тошларни «тұя», «бўри», «танқ» қилиб миниб оламиш. Мен ҳам ёшлигимда ҳар хил ўйинлар ўйнаганман. Бироқ улардан бири ҳеч қачон эсимдан чиқмайди. Томимизда газ-сув чиқарадиган аппаратнинг эски темир-терсаклари бўларди. Машхур француз ёзувлиси Жюль Верннинг «Капитан Грант болалари» асарини ўқиб чиққанимдан сўнг, ўша аппаратнинг ичидаги ашқол-дашқолларини бир-бирига қотириб, ўзим сиғадиган «кема» ясад олганман. Ҳар гал ёмғир ёққан пайтда томга чиқиб «кемам»га кириб олардим. Нега десангиз, ёмғир ёққан вақтда ҳавода сув ҳиди анқийди, гўё ҳамма жой денгизга айланниб қолади. Мен ана шу «қутурган денгиз» устида Жюль Верн қаҳрамонлари билан капитан Грантни излаб бораман. Болалик даврида одамда ана шундай илоҳий ишонч бўлар экан, бу ишонч борлиги учун ҳам ўйинлар бизга чексиз завқ бағишлайди ва биз ҳам олган завқларимиздан маст бўлиб, беихтиёр ҳақиқий ҳаётни ҳам ана шундай ўйиндан иборат, деган тасаввурда бўламиз. Аф-

суски, кейинчалик ўша тасаввур ва ишончлар вақт ўтиши билан бирин-кетин чилпарчин бўла бошлайди ва умрнинг ҳеч бир палласида қайтиб келмайди. Худди шунинг каби Николенко болалар билан ўйнаши учун далага чиққан чорида акаси Володя «стаёқнинг ҳеч қачон милтиқ, стулнинг эса от бўлолмаслигини» айтиб қолади. Болалар жўшқин юракларидағи ишончни шубҳасиз йўқотадилар, сўнг, ўйин ҳам қизиқ бўлмай қолади. Адид Володянинг бу гапи замирида ҳақиқий ҳаёт ўйин эмас, деган фикр ётганлигига ишора қилаёттандек. Николенко Володянинг ҳақ эканлигини тушунади-ю, шу пайттacha бутун борлири билан инониб, шифобахш севги сувлари билан сүфорилиб келаётган қалб дарахтига болта ургани учун ундан қаттиқ ранжийди.

«Агарда чинакам фикр юритадиган бўлсан, ҳаётда ҳеч қандай ўйин бўлмайди. Ўйин бўлмаганидан кейин ҳаётнинг нима қизиғи қолади?..» Руҳи шафқатсизларча синдирилган Николенко энди ўзи учун номаълум бўлган ҲАЁТ ҳақида ўйлай бошлайди. Унинг бу жумлалари остида «ҳақиқий ҳаёт» менга ўйиндан олинадиган завқ-шавқни бера олмайди, деган нидони эшитамиз. Демак, чинакам ҳаёт унинг учун қизиқарсиз. У «ҳақиқий ҳаёт»ни ёши катта кишилар, яъни қариндошларининг ҳаёти деб тасаввур қиласди. Николенко аста-секин атрофидаги муҳитга кириб боради, кўз ўнгидан одамларнинг ҳаёти янада яққолроқ кўрина бошлайди ва у бирдан тезроқ катта бўлишни хоҳлаб қолади: «Мен болалик чоримда катталарга ўхшашликка ҳаракат қиласиб эдим». Шу ерда савол туғилади – нега энди у ўзи учун «қизиқарсиз» бўлган ҳаёт остонасига тезроқ қадам қўйишни истайди? Бунга сабаб бўлган туйғу – муҳаббат. Унинг яқин қариндоши бўлган Серёжа чиройлилиги, кўрсаттан «жасорат»лари, мардлик, қўрқмаслик, довюраклик каби олижаноб фазилатлари билан Николенкони мафтун қилиб қўяди. Николенко унга ҳавас билан боқади.

Қалбидаги ҳавас алангаланиб муҳаббатга айланади. Серёжа бўлса унга бепарволарча, гўё хуш кўрмагандай муносабатда бўлади. Николенко бундан қаттиқ озор чекади. У

Сережадаги гүзап хислатлардан ўрнак олишга, унга ўхшаш-
га ҳаракат қиласы, Сережа у билан ўз тенгі сингари муноса-
батда бўлишини, у билан бирга ўйнашини хоҳлади. Шу-
нинг учун ҳам Николенко сиртга қалқмоқчи бўлиб турган
чин севги изҳорини яшириб, беғубор болалигининг жўшқин
туйғуларини бўғиб, катталарга ўхшамоқчи бўлади.

Айни шу ерда биз яна бир зътиборли жиҳатга гувоҳ бўла-
миз. Николенко қариндош тенгдошлари ва бошқа ўртоқлари
билан бирга ўйнаган вақтда уларни диққат билан кузатади.
Унинг кўз ўнгига ўртоқларининг ташки қиёфаси билан
ҳақиқий, ички қиёфаси бутунлай номувофиқлиги очилиб бо-
ради. Болаларнинг – қариндоши-ю бегона ўртоқлари, ҳамма-
сининг қиёфаларида аслида қандайдир бошқа бир одам яши-
рингандай туюлади. Ҳар бир одамда ўзини зътиборли қилиб
кўрсатишга тиришишдай сохталикни кўрган, бундан нафрат-
ланган Николенко ўзи ҳам шундай нуқсонлардан холи эмас-
лигини сезиб қолади. Фикримизнинг энг ёрқин далили сифа-
тида фақат Илинка Грап воқеасинигина келтира олишимиз
мумкин. Бошқалардан қолишмаслик учун «зўравонлию»да иш-
тирок этган Николенко мисолида Толстой ёш боланинг одам-
ларга бўлган раҳм-шафқати, меҳр-муҳаббатини катталар
дунёси барбод этишини, боланинг пок муҳаббати ва соддали-
гини охиригача, буткул ривожлантиришга имкон бермасли-
гини кўрсатиб беради: «Мен бераҳмлик қилганимнинг саба-
бини ўзим ҳам билмайман... Инидан олиб отиб юборилган
зорча боласини ёки деворнинг орқасига улоқтириш учун олиб
кетилаётган кучук боласини, ёинки жўжа шўрува қайнатиш учун
сўйгани олиб борилаётган товуқни кўрганимда мени ҳўнграб
йиғлашга мажбур қилган раҳм-шафқат ҳисси қайдга қолди?».

Муҳаббат ва нафрат, журъат ва ожизлик, поклик ва но-
поклик, яхшилик ва ёмонлик – асар марказига чиқа бошлай-
ди. Биз ёш боланинг нотаниш олам – катталар олами билан
юзма-юз келиши оқибатида унинг бу буюк тушунчалар ораси-
да гангид қолганига гувоҳ бўламиз. Шу ўринда Чингиз Айт-
матовнинг «Оқ кема» асарини эсга олиб ўтайлик. Унинг бош
қаҳрамони ҳам Николенкога ўхшаш беғубор, қўнгли меҳр-

шафқатта ташна, табиатнинг ёқимли аллалари билан улрай-ган, соддадил бир бола. У ҳам умрида биринчи марта шафқат ва шафқатсизлик, яхшилик ва ёмонлик каби ҳаётда кўринмайдиган қарама-қарши соҳиppardа қолиб кетади. Одамларнинг аёвсиз бераҳмлиги, яъни Шоҳдор она буғуни ўлдиришлари болага берилган энг қақшатқич зарба бўлади – боланинг қалби ва дунё ўртасидаги ойна дарз кетади. Энди уларпинг бу тошбағирликлари ўзларини ҳайратга солмаётганидан, қилинаётган ҳар бир ишга – хоҳ у эзгулик, хоҳ у ёмонлик йўлида бўлсин, оддий ҳолдек қараашлари уни лол қолдидиради. У бундай бераҳмликларни жазоламоқчи бўлади, ўз ҳаётига бефарқ бўлиб қолган инсонлардан болаларга хос ҳақтўйлик ғазаби ва дилхасталиги билан ўч олмоқти бўлади, уларнинг қандай ёвуз ишга қўл урганликларини кўрсатиб кўймоқчи, гуноҳларини тушунишга мажбур қилмоқчи бўлиб турли йўлларни излайди. Аммо бундай улкан муаммолар олдиди ҳали ожизлик килишини англаб етади.

Кўриб турганингиздек, ҳар икки қаҳрамоннинг ҳам бегубор фазилатлари, қордек оппоқ орзулари, умуман руҳий оламлари барбод бўлади. Сабаби – улар илк бора ҳаётнинг бераҳмлигига дуч келишади. Ҳа, азалдан шундай яралган дунёнинг турлик нағмалари аста-секин очилиб бориши билан инсон ҳаммасига кўнишиб боради, бу нағмалар уни ҳам жодулаб қўяди. Аммо одам Николенкога ўхшаб чинакам ҳаёт билан биринчи марта учрапганида бундай нағмаларни кўриб, ҳайратга тушади, ўзи билмай алданиб қолгани учун юраги жунбишга келади, надомат чекади. У Илинка Грапга бўлган муносабатига, қилган ишига дарҳол пушаймон бўлиб, ўз-ўзидан қаттиқ уялади. Унинг гўзалликка, муҳаббатга ташна қалби одамларни севишда давом этади.

«Биринчи севгига ўхшаш бир нарса»

Толстой Николенконинг беғараз муҳаббати хайриҳоҳлик кўрмай ҳазон бўлганини ва бу қандай оқибаттга келтирганини кўрсатар экан, биз ҳали «ҳақиқий ҳаёт»га қадам

кўймагаи, оку қорани ажрата олмайдиган, одамлар ва ҳаёт ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қила олмаган ёш болага фагатгина муҳаббат билан муносабатда бўлиш лозим, деган хуносага келамиз.

Кўриниб турибдики, ёзувчи ўқувчига насиҳат қилаётгани йўқ, болаларни севинг, демоқчи ҳам эмас. У одамларнинг, муҳитнинг инсон характери шаклланишига қандай таъсир кўрсатишини бадиҳ манзарасини чизар экан, китобхоннинг эркин фикрлашига, хуносага чиқаришига шароит яратиб беради. Умуман, асарда Толстойни «кўрмайсиз», яъни адаб сиз билан ёнма-ён юриб воқеаларга изоҳ бериб ўтирумайди. Қаҳрамонни табиий ва ҳаётий воқеалардан олиб ўтади, холос. Буюк ёзувчи Достоевский эса ҳар бир нарсага ўз муносабатини билдириб боради, асарларида муаллифнинг ўткир нафаси сезилиб туради, у қаҳрамонлари билан бирга юради, қаҳрамонлари монологида Достоевскийнинг таниш овози эшитилиб туради. Толстой асарларининг қиймати ҳам шундаки, у воқеаларни шундай баён этадики, улар худди сизнинг бошингиздан кечаштандек.

Агарда сиз «Болалик. Ўсмирлик. Ёшлик» асарини ўқиб чиқсангиз, Толстойни ҳамма нарсадан кўпроқ ҳайратта солган нарса бу – ёш боланинг бошқаларни севиб қолипи эканлигига ишонч ҳосил қиласиз. Унинг болалик ҳақидаги ўйларига диққат қилинг: «Болалик умрнинг энг баҳтли, энг маъсум, қайтарилмас фаслидир!.. Икки эзгу тилак – маъсум қувноқлик билан севгига чексиз эҳтиёж – ҳаётда бирдан-бир истак бўлган вақтдагидан умрнинг қайси бир фасли яхшироқ бўлиши мумкин?» Мана, нима учун ҳам асар бош қаҳрамони – Николенко Иртенев ўзида яхши таассурот қолдирган атрофидаги барча одамларга кўринмас муҳаббат ришталари билан боғланган. У шунчалик кўп одамларга кўнгил қўядики, асарда унингдек ОШИҚни тополмайсиз.

Бир куни у юрагига бегона бўлган, аллақандай севгига ўхшашиб ҳисни тужди. Болалар табиат қўйнига чиқишади. Бағри ажойиботларга бурканган табиатнинг шайдоси Катенка бир қуртни оламан деб згилади, шунда бўйнидаги дуррача-

си учиб кетади. Куртни томоша қиласман, деб унинг устига энкайган Николенконинг кўзи опасининг дугонаси бўлмиш Катенканинг оппоқ бўйнига тушади, қизнинг бўйни билан Николенконинг лаби орасида ҳеч қандай масофа қолмагач, Николенко қалбини чулғаган ёқимли ҳисдан маст бўлиб, беихтиёр Катенканинг елкасидан ўпид олади. Ҳис-туйғулари ақлидан устун келган Николенконинг бундай самимий, болаларча дил изҳори лаҳзалиридаги ҳаяжон беихтиёр сизга ўтади. Кейинчалик, у Соня исмли яна бошқа бир қизни севиб қолади. Унинг бу севгиси Катенканикидан фарқ қилиб, чин юракдан эди. Мұхаббат унга шундай куч-қудрат бағишлайды, у ўзини тасаввуридаги энг ўқтам болакай Серёжадан ҳам күчлироқ эканлигини ҳис қила бошлайди. Бироқ қиз унинг пок мұхаббатига хиёнат қиласди – Сонечка Серёжа билан бирга бўлади. Энг тоза, чин туйғулари раҳмсизларча топталган Николенко алданиб қолганини тушуниб етади.

Бола руҳиятининг мусаввири

Николенко қалбидаги кечинмаларни Толстой шундай маҳорат билан тасвирлайдыки, бу содда ва беғубор юракнинг очиқ дафтари орқали ўз болалик оламингизни кўрамасиз. Асарадаги воқеалар, қаҳрамонлар нақадар таниш ва сизникуга ўхшиш. Қисса худди сиз ҳақингизда ёзилгандек. Мен ҳам бунда ўз болалигимнинг инъикосини кўриб, ҳайратда қолдим. Николенконинг бошидан кечирганлари орасида айнан мен ҳақимдагилари ҳам бор эди гўё. Николенконинг қуён овига чиқиши, табиатта маҳлиё бўлиб кунни ўтказиши ва ўлжасиз қайтиб келиш тасвирлари мени ҳайратта солди. Масалан, мен ҳам Хоразмга – Тўргўл туманига борганимизда қуён овига чиққанман, лекин унда кўп кишилар билан бирга эдим. Бироқ балиқ овига борганимда бир ўзим эдим. Ўшанда қалин дараҳтзор ичкарисига шовуллаб оқадиган анҳор бўйида худди Николенко сингари табиат гўзаллигига ром бўлиб, борлиқча сингиб кетгандай, кичкина юрагим мўъжизакор манзарага қўшилиб кетгандай ҳолга туш-

ғанман. Хуллас, ўша куни уйга ҳеч қандай ўлжасиз қайтган эдим. Ундан ташқари, княгиня Корникованинг: «... болаларга қўрқув билан таъсир этиш зарур экан. Бола одам бўлсин, дейилса қўрқитиши керак...» – деган гаплари Николенкога қандай таъсир қўлган бўлса, қариндошимиз бўлган бир аёлнинг онамга айтган айнан шу сўзлари менга ҳам шундай таъсир қўлган эди. Корникова образида ҳойнаҳой ўша қариндош аёл тасвиirlанган бўлса керак, деб ўйлаганман. Инсон характеридаги бундай ўхшашлик мени ҳайратга солган эди. Мен билган «Корникова» ўша гапларни айтганидан сўнг мен ҳам худди Николенко каби дилимда «Хайриятки, мен унинг ўрли эмасман», деб ўйлаганман. Фақат шу эмас, асарнинг бошқа яна кўп жойларида «ўзим»ни учратдим. Нафақат мен, балки бошқа китобхонлар ҳам ушбу китобни ўқиб чиққач, асар ўзлари ҳақида, ўзларининг бекубор, бетакрор болаликлари тўғрисида эканлигига ишонч ҳосил қилишлари шубҳасиз. Демак, кўриб турибмизки, Толстой бола руҳий дунёсини шундай равшан қилиб очиб кўрсатадики, ҳар бир ўқувчи бу ойнада ўз аксини кўради. Толстой бола руҳиятининг кўз илғамас қатламларида милитираб тургувчи жамики нозикликларни бекиёс маҳорат билан қаламга олади. Мен жаҳон адабиётида Толстойчалик бундай бадиий камолот чўққисини забт этган бирорта ёзувчини кўрмадим.

Қалб ва ақл кураши

Николенконинг онаси вафот эттач, унда чин ва юзаки муҳаббат тўғрисида аниқроқ тасаввурлар ҳосил бўлади. У онаси вафотига йиғлаган кишиларнинг қандай қайфуришларини кузатади. Охири шунча яқин қариндошлари ичидан оддий оқсоқ аёл Наталья Савищнагина онасига чинакам меҳрибон эканлигига ишонч ҳосил қиласди. «Болалик» қисссасининг сўнгти саҳифалари ана шу аёлга бағишланади. Бу эса ўз ўрнида Наталья Савищнанинг Николенко қалбидаги улуғ муҳаббатга сазовор бўлганлигидан далолат беради.

Николенко назарида отаси бу баҳтсизликка қаттиқ қайғурса ҳам ҳар доимгидек бардам күринарди. Күзлари ёшдан нам бўлиб кетган, юзлари сўлрин бўлса-да, отаси чин юракдан қайғурмаётгандек туюлади. Бу қалбакилик Николенкога ёқмайди. Кейинчалик отам онамни чин дилдан севмаган, деган фикрга келади. Бора-бора бу болалик хулосаси номаълумлигича қолиб кетади.

Хўш, унинг ўзи-чи, ўз отасини севадими ёки энди унга бўлган муҳаббати сўниб қолдими? Ана шу савол ҳам кўп вақтгача Николенкони қийнаб келади. «Баъзан у дарсхонага кирап ва жиддий бир қиёфада мени тўғриламоқчи бўлиб айтган баъзи сўзларидан менга ўргатилаётган нарсаларни у ёмон билишлигини пайқардим», дея эслайди Николенко. Демак, у отасини ўзгача тасаввур қилган, ўзидан ҳар жиҳатдан устун бўлган бир улуғ сиймо сифатида ардоқлаган. Аммо...аммо у шундай дейди: «Умуман, у болалик тасаввурим фараз қилган етиб бўлмас юксаклиқдан менинг назаримда аста-секин пасаяверди».

Отасининг барча ҳатти-ҳаракатлари ҳақида фикр юритишига, мулоҳаза қилишга ўрганиб қолган Николенко ана шу аччиқ ҳақиқатни тан олади. Б. Бурсов боланинг таҳлил қилиш, мулоҳаза юргизишлари бир томондан, унинг маънавий дунёсини бойитиб борса, бошқа томондан унинг содалигини емира бошлайди, яхшилик ва гўзалликка ишониш хислатини барбод қилади, деган фикрни илгари суради.

Бир пайтлар ғурур-ифтихори бўлган отасининг маънавий дунёси энди ўз наздида пастроқ бўлиб кўринаётгани Николенконинг ўзини ҳам ажаблантиради. Ақлига отаси тўғрисида ҳар турли фикрлар келмасин, кўнглида отаси ёқсан меҳр-муҳаббат шамини ўчира олмайди. «Мен отамни севаман, лекин одамнинг ақли юракдан мустақил яшайди ва кўпинча ўзида тушуниб етолмайдиган ҳамда унга нисбатан марҳаматсиз бўлган ҳис-туйғуларни таҳқир этувчи фикрларни ўзида жо қилади. Мен бундай фикрларни ўзимдан узоқлаштиришга ҳаракат қилсан ҳам, улар келаверар эди». Николенко қалбининг олижаноб буйрури-

га бўйсунмайдиган, итоатсиз ақли олдида иложсиз эканлигини тушуниб етади.

Тўғриси, у Наталья Савишнани ҳам, отасини ҳам яхши кўради. Бироқ булардан-да улутвор бир севги бор – она сенгиси. Энг покиза, энг гўзал, энг нафис ҳис-туйғуларни ўзида мужассамлаштирган Николенконинг онаси фарзандининг муҳаббатга, эзгуликка, гўзалликка шайдо бўлиб улғайишида асосий туртки бўлган. Шунинг учун ҳам у онасини ҳаммадан кўра кўпроқ яхши кўради. Шундай яхши кўрадики, онаси вафот этгач, ўзини болалик деб аталмиш даргоҳдан бадарға қилингандек ҳис қиласди. Буни унинг ўзи ҳам тасдиқлайди: «Онам вафот қилиши билан мен учун баҳтиёр болалик даври тугаб, янги давр – ўсмирлик даври бошланди».

Аччиқ ҳақиқат

Бу даврда Николенконинг барча нарсалар ҳақидаги тасаввурлари кенгайиб, ички дунёсида тубдан ўзгариш юз беради. «Болалию»да Николенконинг таҳлил қилиш қобилияти билан яхшилик ва гўзалликка ишониш орасидаги иккиланиш тасвир этилган бўлса, «Ўсмирлик»да қаҳрамоннинг таҳлил қилиш қобилияти, яъни ақли унинг болалик тасаввурларидан, қалби бор ҳолича, табиий қабул қилган ҳақиқатлардан устун кела бошлайди. Энди у ҳамма нарсанинг сабабини билишга интилади – булар қаердан ва нима учун пайдо бўлган? Менга қандай дахли бор? сингари саволлар уни тинч қўймайдиган бўлади. Шу ўринда асарда диққатга сазовор бир воқеага назар солсак: бир куни Николенко ва Катенкаларнинг оиласи биргаликда Москвага сафар қилишади. Йўлдаги суҳбатларнинг бирида Катенка Николенкога: «Сизлар бойсиз – Петровскоеда катта ерингиз бор, биз бўлсак, камбағалмиз – онажонимнинг ҳеч вақоси йўқ», дейди. Бу сўзлар момоқалдироқдай Николенконинг вужудини ларзага солади: «Миямда мингларча янги, мужмал фикрлар туғилди, биз бой, улар камбағал эканлигидан қаттиқ хижолат бўлиб, қизариб кетдим ва Катенкага қараашга ботина олмадим», дей-

ди. Унинг қалбида бундай тентсизликка қарши энг инсоний, табиий түйғулар ғалаён күтарили. Шунда у биринчи марта дунёда одамларни бир-бираидан ажратиб турадиган, бир-бираига ёв қилиб кўрсатадиган куч – бойлик эканлитини идрок қила бошлайди ва «Оқ кема»даги болага ўхшаб адолатсизликларга барҳам бериш, одамларни бундай нотенглиқдан қутқариб қолиш йўлларини излай бошлайди. Лекин бунинг иложи йўқ эканлитини англаб етади.

Николенко: «Менда биринчи дафъа сафаримиз давомида ана шу тариқа маънавий ўзгариш содир бўлдики, менинг ўсмирилик чорим ана шу пайтдан бошланди, деб ҳисоблайман», деб айтиб ўтади. Шу ўринда бир савол туғилади – нега энди Николенко бундай деяпти. Ахир «Болалик»да ўсмирилигим онам вафотидан сўнг бошланди, деган эди-ку? Йўқ, Николенко онаси ўлгач, ўзини шундай тасаввур қиласи, аслида у ўсмирилик оламининг остонасида эди. Катя билан бўлган суҳбатдан сўнг аллақандай куч уни бу сирли оламга бошлайди, ҳаётнинг адолатсиз қонунларини кўрсатиб, турли сўқмоқларга етаклади.

Тентсизлик ҳақидаги аччиқ ҳақиқат унинг қалбини абадийликка яралайди. Кейинчалик, ана шу хаста қалбидан бетакрор орзуласар, жўшқин түйғуларни акс эттирган болалик аталмиш тушунча суғуриб олинади. Николенко янги ҳаёт бўсағасида болалигининг тирик тимсоли бўлган ўқитувчи-си Карл Иванович билан хайрлашади. Болалигининг бирмунча пайти шу соғдил ўқитувчи қўлида ўтган ва ҳозир бу устози худди болалиги сингари азиз, қадрдан бўлиб қолган эди. Карл Иванович Иртеневлар уйидан кетар экан, Николенкога ўз бошидан кечирганларини айтиб беради. Ҳаётда баҳти чопмаган, ҳеч кими йўқ ғариб ўқитувчиси сингари Николенко ҳам ўзини руҳан буткул ёлғиз сеза бошлайди. Қўнгил қўйган қизи Сонечка унга хиёнат қилганида, янги ўқитувчисига тарсаки тушуриб, оқибатда уни қамаб қўйишганида у бу кенг, поёнсиз дунёда ўзини бир ночор етимдек ҳис қиласи. Болалигига, ўзининг яқин қариндошлари орасида юрганида дунёдаги ҳамма нарса унга бекам-у кўст ва

жозибали кўринган бўлса, энди турли-туман одамларни, уларнинг ҳаёт тарзини кўргач, қалбида қандайдир ўзгаришлар рўй беради. Шунингдек, Николенконинг атроф-муҳитга бўлган муносабати ҳам кескин ўзгаради. Яъни, у одамлар орасида тенгсизлик борлигини тушунгач, руҳиятидаги мувозанат бузилади, унинг руҳий олами билан кишиларнинг турмуш тарзи номувофиқ эканлигини англайди, бундан қаттиқ азоб чекади.

Бироқ «Ўсмирик» асарининг охирига келиб, Толстойнинг қаҳрамони қўйидаги ҳақиқатни тушуниб етади: «...инсон ҳозирги кундан баҳраманд бўлиб, келажак тўғрисида орзу-хаёл қилмаса, бахтли бўлолмайди». Ана шундан кейин қаҳрамон ҳали келгусида орзуларини рўёбга чиқариши учун катта имкониятлар эшиги очилишига ва ҳаётининг кейинги саҳифаларида ёрқин из қолдира олишига ишонади. Бу ишончнинг кучи эса бизни «Ёшлиқ»ка олиб киради.

Ёшлиқ ёхуд ҳаёт имтиҳони

«Ёшлиқ»да асар қаҳрамони Николенко икки давр мобайнида – болалик ва ўсмирик йилларида маънавий ва ахлоқий жиҳатдан камолот пиллапояларини забт этган жасур йигит сифатида намоён бўлади. Энди унга шу пайттacha шаклланган эътиқодларини, хulosаларини ўз ҳаётига тадбиқ қилиш мақсади турилади. «...янгича нуқтаи назаримнинг моҳияти, инсон ўз ахлоқини такомиллаштириш учун яратилган, буни рўёбга чиқариш қийин эмас, амалга ошиrsa бўлади ва такомиллаштириш абадийдир, деган эътиқоддан иборат эди». У ана шундай умуминсоний аҳамиятга эга бўлган эътиқод йўлида маҳкам бел боғлайди.

Бу орада Николенконинг кўз ўнгига турли воқеалар содир бўлади, аста-секин асарга янги қаҳрамонлар кириб келади. Шулардан бири Николенконинг садоқатли дўстига айланган Нехлюдовдир. У – оқкўнгил, самимий, ақлли инсон. Улар чин дўст бўлишга аҳд қилишади ва ораларида ҳеч қандай сир бўлмаслигига, сирларини фақат ўзлари-

дан бошқага билдириласликка қарор қилишади. Ўртадаги самимият ва ишонч чин, ҳақиқий дўстликка айланади. Зоро, Белинский ҳам бу туйғу ҳақида шундай деган эди: «Қаердаки очик самимият, тўла ишонч йўқ экан, қаердаки, ҳатто қиттай бўлса-да, нимадир пинҳон тутилар экан, у ерда дўстлик йўқ ва бўлиши мумкин эмас».

Хуллас, Николенко ўзига ўхшашиб синчков, зукко, ақлли одамни топганидан мамнун бўлади. Улар бир-бирлари билан турли мавзуларда мубоҳаса қилишади, ҳаёт ёшлар олдига қўяётган масалалар хусусида бош қотиришади. Шу тариқа Николенконинг болаликдаги мулоҳаза юритишга бўлган иштиёқи яна қайта аллангаланади. У Нехлюдов билан бўлган суҳбатлар чорида дўстининг ҳаётдаги мақсади ҳам ўзиникига ўхшашиб эканлигига шоҳид бўлади. Улар ҳар икковлари-нинг ҳам ниятлари эзгуликка асослангани учун кўнгилдаги мақсад сари биргаликда ҳаракат қилишади. Николенко: «...энди ҳеч қачон ўз ниятимдан қайтмасликка қатъий қарор қилдим», дейди. Демак, у ўз йўлида учрайдиган қийинчиликларни сезади, аммо улардан қўрқмайди. Мақсадга эриша олипта бўлган ишонч уларга қудрат ато этади.

Аммо Николенко акаси Володянинг Зухин, Дубков, Семенов каби биродарларининг тарааллабедод ҳаётига қизиқиб қолади, куни бўйи майшатбозлик, ичкиликбозлик, қарта ўйнаш билан яшамоқлик – унинг кўзига фароғатлироқ кўринади, ундан ташқари «катталар» орасида бўлиш – унга ғурур бағишлийди. Бу образлар орқали адаб бутун бошли жамиятни орқага тортаётган киборлар мұхитини кўрсатиб беради. Николенко борган сари ана шу мұхит бағрига тобора шўнгигиб кетаверади. Лекин афсуски, бу ботқоқقا тушган одамнинг қайтиб чиқиши мумкин эмаслигини билмайди. Николенко акаларининг мана шу мунофиқ доира-сига тушиб қолгач, ўзи истамаган ҳолда киборлар таъсирига батамом берилади. Охир-оқибат, у яқиндагина ўз ўзига ваъда қилган қатъий мақсади – ахлоқий камолот ва эзгулик йўлидан четга чиқиб кетади. Юрагидаги юксак орзу-умидлари ўрнини майдада-чуйда, икир-чикирлар эгал-

лай бошлайди. Унинг шунча давр мобайнида пишиб-етилиб келган зътиқодлари барбод бўла бошлайди.

Шу асно унинг ҳаётида ушбу хатолари, адашишларига чек қўйган воқеа юз беради. Николенко университетнинг иккинчи курсига ўтиш имтиҳонидан йиқилади. Буни оғир шармандалик ҳисоблаб, қаттиқ изтироб чекади, ҳатто ўзини ўлдирмоқчи ҳам бўлади. Яқинларининг меҳрибончилигини таҳқирлаш ва ҳақоратланиш деб қабул қилади. Уч кун давом этган уқубатдан сўнг у аслига қайтади, аввалги Николенкога айланади. Толстой ҳаёт синовлари, изтироб ва тавба инсонни ўзлигига қайтарувчи ягона куч эканлигини таъкидлаётгандек. Китоб мустақил ҳаёт бўсағасида турган Николенконинг қўйидаги шу сўзлари билан якунланади: «... бирдан ўрнимдан туриб кетдим, болохонага чиқиб, устига «Ҳаётим қоидаси» деб ёзилган дафтаримни олиб очдим, шунда дилимда тавба қилиш ва ахлоқли бўлиш ҳисси уйғонди. Кўнглим ийиб, кўзларимдан ёшлилар тўкилди, аммо бу умидсизлик ёшлари эмас эди. Мен ўзимни босиб олиб, яна ҳаётим қоидасини ёзишга киришдим, энди ҳеч қачон ёмон иш қилмаслигимга, бир дақиқа ҳам вақтимни бекор ўтказмаслигимга ва ўз қоидамга доимо риоя қилишимга қатъий ишонган эдим».

Толстой биз билан

Ушбу сўзлар бизга Толстойнинг «Иқрорнома» асарини эслатади. Ҳолбуки, «Иқрорнома» трилогияга нуқта қўйилганидан 30 йил кейин ёзилган. Дунёни ўрганиш, унинг норасоликларидан ҳайрат, руҳ ва ақлнинг курапи орасида ўз-ўзини англаш – иккала асарнинг ҳам моҳиятини англатувчи ушбу тушунчаларни улуғ адабининг инсониятга иидоси эди, деб баҳолаш мумкин.


«Болалик. Ёшлиқ»нинг ёзилганига бир ярим аср бўлибди-ю худди бугун қоғозга тушгандай, Толстой биз билан яшаётгандай туюлади ва ҳар бир одамнинг «Бахт нима?», «Инсон қандай шаклланади?», «Қандай қилиб

маънавий камолотга етади?», «Яшашдан мақсад нима?» деган саволларга ўз асари орқали жавоб беришдан чарчамайди. Фақатгина уни ўқиши, унинг қаҳрамонлари билан ҳамнафас яшай олиш керак.

Ана шунда одамзод қалбининг энг улуғ бойлиги – инсоннинг инсонга муҳаббати эканлигини англайсиз. Инсон болалигидаги беғуборлиги ва самимиyllигини, ишонувчалигини сақлаб қола олсагина, ўзини баҳтли деб ҳис қилишини билиб оласиз. Шунингдек, одамзодни ўз мақсади йўлидан фақат ёмон муҳит ва ёмон хаёлларгина чалғита олишидан, улар аждарҳога ўхшаб, кишининг эътиқоди ва орзуларини ютиб юбора олишидан огоҳ бўласиз. Ҳаёт синовларидан инсон ҳеч қачон умидсизликка тушмаслиги, келажак сари янада шиҷоат билан интилиши лозимлигини уқасиз. Қисқа қилиб айтганда, Толстой бизнинг руҳимизга инсон-севарлик ва ҳаётсеварлик номли қанотлар бағишлади.

Дарвоқе, энг асосийси – Николенконинг эътиқоди: инсон ўз ахлоқини такомиллаштириш учун яратилган. У ана шу буюк фалсафани олдинроқ тушуниб етди ва ҳаёт дастурини шунга асосан қурди. Биз беихтиёр ўз ҳаётимизни, қандай мақсадимиз бўлишидан қатъи назар, фақатгина ахлоқ пойдеворига қуришимиз кераклигига ишонч ҳосил қиласиз. Инсоннинг жамики эзгуликлари мана шу эътиқодга хизмат қиласиди. Одамзод барча асрларда ўзининг ахлоқий камолоти билан машғул бўлган. Оқибатда ахлоқ такомиллашган. Толстой ана шу фалсафадан, оддий ҳақиқатдан бизга сабоқ беради.

Шунинг учун ҳам хоҳлардимки, дунёning турли бурчакларидаги бугунги қонли тўқнашувлардан, умуман, одамзоднинг бир-бирига қилаётган ғайриинсоний шафқатсизликларидан огоҳ бўлган бир ўсмир сифатида хоҳлардимки, бу асарни ҳозирги пайтда ҳам ўқисинлар! Токи, инсонлар ахлоқ доираларига асло тўғри келмайдиган бундай ёвузликлар қилиш учун эмас, «Ахлоқни такомиллаштириш» учун дунёга келганликларини англаш етсинлар!



ҚАЛБИ ТИРИКЛАР

(Ф.Достоевскийнинг «Хўрланганлар ва ҳақоратланганлар» романини ўқиб)

*D*унёдаги жамики ёзувчилар ва шоирлар инсоннинг кўпроқ ақлига эмас, қалбига мурожаат қиласидилар. Кимлар қалбнинг энг гўзал гўшаларига, энг гўзал ҳиссиятларига назар ташласа, кимлар қалбнинг энг тубан нучмоқлари даги чиркинликларни қаламга олади. Аммо мақсадлари битта – қалбнинг ўлишига йўл қўймаслик, руҳни поклаш, парвозга чорлаш. Қалбнинг ўлими туфайли юз берадиган инсоний ва умуминсоний фожиаларнинг олдини олиш. Қолаверса, одамзод қалбига орзулар, умидлар, ёргу хәётлар баҳши этиши.

Адиллар инсон руҳиятини, табиатини файласуфона тадқиқ қиласидиларми (Шекспир, Ч. Айтматов, А. Қодирий), аччиқ кулги ва юмор билан очиб берадиларми (А. Несин, Сайд Аҳмад), ғайритабиий саргузашту ғаройиботлар замираiga яшириб тасвирлайдиларми (Сервантес, Рабле, Жюль Верн, Х. Тўхтабоев) ёки одамзодни тарихий воқеалар, бурилишилар ичидан олиб ўтадиларми (В. Ян, П. Қодиров, О. Ёқубов) алал оқибат инсоннинг мукаррам зот эканлигини, севиш ва севилишга муносиблигини, бир-бирига қиласидиган эзгуликларигина уни поклашини таъкидлайдилар.

Аммо инсоннинг инсон томонидан эзилиши, хўрланиши, алданиши, ҳақоратланиши ҳам адабиётнинг асосий мавзуларидан ҳисобланадики, бундай асарлар юқорида эслатганимиз – қалб ўлимидан огоҳлантиришдир. Ана шу нуқтаи назардан Достоевский бу мавзуда қалам тебратган дунё

адибларининг буюги ҳисобланади. Қаҳрамонлари жамият-нинг энг қуий табақаси вакиллари бўлган, ҳар саҳифаси изтироблар, азоблар, кўзёшлар, фифонларга тўла бўлган Достоевский асарлари нега икки аср давомида ўқувчилар қўлидан тушмади, нега дунё адабиёти дурдоналари қаторида туради? Достоевский одамларга нима демоқчи эди-ю, нега одамлар ҳамон унинг гапларига интиқ? Интиқми ўзи, бугун уни тинглашадими? Бу саволларга жавоб топиш учун «Хўрланганлар ва ҳақоратланганлар»ни варақлаймиз.

Добролюбовнинг фикрига қўшилмайман

«Хўрланганлар ва ҳақоратланганлар» Достоевскийнинг сўнгги асари. Аммо роман нашр қилинган пайтда китобхонлар ўртасида дарров шуҳрат қозона олмади. Чунки рус адабиёти осмонида Толстой, Тургенев каби бир қанча янги юлдузлар пайдо бўла бошлаган эди. Шундай қилиб, Достоевскийнинг сўнгги асари ўз мавқеига эришмадими, деган савол туғилади. Йўқ, маълум вақт ўтгач, «Хўрланганлар ва ҳақоратланганлар» адабиёт ихлосмандларининг севимли китобига айланди ва китобхонларнинг қўлидан анча вақтгача тушмади. Бунинг бош сабабларидан бири, балки мураккаб характерли асар қаҳрамонларининг бир-бирига бўлган ғайритабии мұхаббатидир.

Мұхаббат – бу адабиётнинг азалий ва абадий мавзуларидан. Достоевский пок, тамасиз, самимий мұхаббатнинг кимлар учундир ғайритабии туюладиган гўзалликларини ҳам маҳорат билан очиб беради. Умуман, зътибор бериб қарасангиз, Достоевскийнинг бу асаридаги барча қаҳрамонлари бир-бирларига меҳр-мұхаббат иплари билан боғланган. Биргина, худбин княз Валковскийнинг 9 ёшли ўғли Алёшани олайлик, унинг қалби – ўзи сингари жуда беғубор. У илк мұхаббати Наташани бутун борлиғи билан севади. У гўё мұхаббат учун дунёга келгандай. Аммо Алёша ҳали ҳаётнинг ғадир-будур йўллари ҳақида умуман тасаввурга зга эмас. Сабаби – у отасининг сояи давлатида вояга етган, ўзи ҳаракат

қилиб, мустақил ҳаёт кечириб кўрмаган. Наташа эса ўртаҳол оиласдан чиққан, у ҳаёт ташвишлардан, қийинчиликлардан, турли тўсиқлардан иборат эканлигини яхши тушунади ва ана шуларни англаган ҳолда тошбағир князнинг оққўнгил ўғли Алёшага кўнгил кўяди. Алёша яхшилик билан ёмонликнинг фарқини билмайдиган, беғубор, уятчан ва кўнгли бўш ошиқ. У Наташани хафа қилиб қўйган кунлари, қизнинг олдига келиб пойини ўпади, қаршисидаги беғубор, самимий, соғ қалб соҳибасини ранжитгани учун ўзини дунёдаги энг ярамас, бемеҳр одам, деб ҳисоблайди. У муҳаббат учун ўзини ҳар қандай жазога ҳукм эта олади. Алёша характеристерининг энг нозик томони – у жуда соддадил. Унинг юмшоқ кўнглига фақат севги билан кира олиш мумкин.

Алёшанинг қалби яна бир дилбар, Наташа каби пок фазилатлар эгаси бўлмиш Катя исмли қиз билан ҳам маҳв этилади. Энди Алёша Катянинг олдига ҳам тез-тез бориб турадиган бўлиб қолади ва қайтиб келгач, безътибор қолдириб кетган Наташаси олдида тиз чўкиб, кечиришини сўрайди, унинг олдида гуноҳкор эканлигини тан олиб, дув-дув ёш тўқади. Эртасига беихтиёр яна Катянинг олдига йўл олади. Нега у Катянинг олдига тез-тез борадиган бўлиб қолди деган савол туғилади. Катя ёлғиз қолган Наташани ўйлаб қайғуради, Алёшани койийди. Катя ўзганинг муҳаббати безътибор қолишини истамадими, демак, унинг ҳам қалби Наташанини каби тоза. Буни тушунган Алёша энди Катяни ҳам Наташани севгани каби севиб қолади. Бунга Добролюбов қуйидагича баҳо берган: «Алёша... саёқлик йўлига ўтиб олган, шарм-ҳаёси йўқ, хулқ-атвори бузуқ, у қилиб юрган ишларидан сира уялмайди, аксинча, бу қабиҳ ишларини дарҳол ўзи айтиб беради – биламан, бундай қилиш ярамайди, – дейди-ю, яна ўша қабиҳ ишини қилаверади». Алёшанинг Наташани севиб қолганлигими – хулқ-атвори бузуқлиги? Ёки ўзи билмаган ҳолда Катяга кўнгил қўйганими? Наҳотки Катя билан суҳбатлашиш қабиҳ иш бўлса? Ўз даврининг жўшларин ва талабчан танқидчиси Добролюбов Алёшани қилаётган ишларидан уялмайди, дейди. Ахир, Алёша қаттиқ уялганидан

Наташанинг олдига Иван Петровични бошлаб келади. Ҳолбуки, Иван Петрович бўлмаса ҳам Наташа бечора ошиқни афв этади. Алёша жуда ёш, шунинг учун у юрагидаги қайси бир ишқ кучли, ҳақиқий эканлигини англамайди. Добролюбов «Ҳолбуки, у 21 ёшга кирган, Петербург киборлар жамиятида тарбия олган ва бу жамиятда баъзи нарсаларни кўриб кўзи қотган ва бунинг устига у княз Валковский каби отанинг ўғли бўлган бир кишидир», дей эътиroz билдиради. Бизнингча, Добролюбовнинг бу эътирози ноўрин. Чунки Достоевский Алёшанинг Петербургдаги ҳаёти ҳақида ҳеч нима демаган. Лекин шуниси аниқки, княз ўрлига умуман эътибор қилмаган, бирор марта ота-ўғил сифатида юракдан суҳбат қурмаган ва унга мудом қўпол муносабатда бўлган. Бунинг сабабини ҳозир биласиз – княз ўрлини ўзига қаратмоқ учун «мехрибон ота» ниқобини кияди ва Наташага ўрлининг унга уйланишига рози эканлигини айтади. Наташа князнинг асл ниятини билгач, кўп ўтмай, Алёшанинг олдида князни шарманда қилиб, асл мақсади нима эканини очиб таштайди. Княз мўмин-қобил бўлиб, эртасига Наташани ўрлига мақтайди. Алёша отасининг меҳрибонликларини кўриб, биринчи муҳаббатига хиёнат қиласи. У қабиҳ отасининг бундай «бую» фазилатлари ҳам бор эканлигини кўриб лол қолади. Энди Алёша Наташага бўлган севгисидан воз кечгандек бўлади. «Наташа мени қаттиқ севгани билан рашки зўр, аммо унинг муҳаббатида худбинлик кўп, чунки у мен учун ҳеч қурбонлик бергиси келмайди». Хўш, Наташа Алёшани у таърифлагандек севармиди?

Авваламбор, Наташа шахсиятига назар солайлик. Наташа – жиддий, самимий, одобли ва енгил туйрулардан холи бир қиз. У соғ муҳаббатни жуда қадрлайди ва керак бўлса, бунинг учун жонини ҳам аямайди. У Алёшада ана шундай ишқ бор эканлигини кўради ҳамда ота-онаси, уйжойидан воз кечиб, муҳаббатнинг номаълум манзили томон йўл солади. Бор-йўғидан воз кечиб, ишқ йўлига ки-рувчи қаҳрамонлар дунё адабиётида талайгина. Масалан, А. Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романидаги Анвар

билин Ръйонинг ёхуд Ч. Айтматовнинг «Жамила» қисса-сидаги Дониёр билан Жамиланинг қисмати шу алфозда кечган. Номаълум қисматнинг қўйнига шўнғимоққа ҳар иккала қаҳрамон ҳам, яъни ошиқ ҳам, маъшуқ ҳам рози бўлишган. Ахир, севишганларнинг бириси рози бўлса-ю, бошқаси истамаса, бундай жасорат кўрсатилмайди-ку! Шунга қарамай, Добролюбов «бир қизни ота-онаси бағридан тортиб олган Алёша»ни қаттиқ қоралайди.

Дарҳақиқат, Наташа нега ўз севгилисини бегона қизга ҳеч қандай қаршиликларсиз топшириб қўя қолди? Ахир, Наташа Алёшани севарди-ку?! Лекин севгиси қай даражада эди – ана шуниси муҳим. Наташанинг қўйидаги гапларига қаранг: «мен уни тенгим каби севмаган эканман...», «... мен уни худди шунинг учун севардимки, у негадир ҳамиша менга аянчли кўринарди, унга раҳмим келарди». Демак, Наташа Алёшани чин ошиқлар орасида бўладиган муҳаббат билан севмабди, ҳали олдинда нелар бўлишидан бехабар Алёшанинг ҳолига ачиниб, унга раҳми келганидан кўнгил қўйибди-да? Нега бўлмаса, у Алёша учун ҳамма нарсадан воз кечди? Ахир бундай жасорат факат ҳақиқий – қудратли ишқнинг қўлидан келади-ку! Бошида Наташада ҳам шундай ишқ бўлган, аммо бора-бора бечора қиз ўз ҳис-туйнуларининг алданиб қолганини, орзу-ҳавасларининг саробга айланаштирганини, Алёшанинг ўзи ҳам, ақли ҳам, қалби ҳам ҳали анча рўр эканлигини тушуниб етади. Наташа уни ташлаб кетиши мумкин эди, ҳатто бу ҳақда Иван Петровичга ҳам айтган. Аммо Наташа содда, соғдил Алёшанинг ғайриоддий муҳаббатига хиёнат қилишни ўзига раво кўрмади. Наташа Алёша билан айрилишар экан, унинг янги қайлиги Катя билан учрашади. Бу учрашув ғайритабиий, янги бир муҳаббатни кашф этади. Катя билан Наташа бир-бирларини чин дилдан яхши кўришиб қолади. Катя ана шундай муҳаббатнинг қурбон бўлаётганидан афсусланиб (яъни Наташанинг муҳаббати), Наташа эса бир умрга ўрганган Алёшасининг энди қайтиб келмаслигини ҳис этиб, бир-бирларининг бағирларига бош қўйиб, тўйиб-тўйиб йиглашади. Алёша билан Катя «борса келмас» томон-

та йўл олишиди. Юраги адойи тамом бўлган Наташа эса йиғлаб-йиғлаб қолади. Унинг қалбida яна буюк муҳаббат уйғонгандай бўлади. Мен Наташани Ч. Айтматовнинг «Жамила» қиссасидаги беғубор қалбли, мурғак Сеитга ўхшатаман. Сеит худди Наташа Алёшани севганидек ўз келинойисини севиб қолади. Наташа Алёшани рашик қилганидек, Сеит ҳам келинойиси Жамилани қаттиқ рашик қиласди. Сеит келинойисини бегона йигит билан қаергадир – олис-олисларга қочиб кетишаётганини кўргач, уларнинг ортидан қувади, ўзи ҳали ёшлиқ қиласдиган муҳаббатта исён қиласди, зор қақшаб, кўзёшлирини тўқади. Худди шу айрилик азоби Наташанинг бошидан кечади. Сеит ҳам Наташа каби севиб қолган одами ўзига тенг эмаслигини яхши тушунади. Кўриниб турибдики, Наташа – мураккаб қаҳрамон, шу билан бирга, айтиш мумкини у – буюк қалб соҳибаси. Бундай қалб дунёда камдан-кам одамда учрайди.

Мақсадсиз одам

Асар қаҳрамонларининг беғубор ва изтиробли муҳаббатларига батафсил тўхталғанлигимнинг сабаби – асарнинг ягона салбий қаҳрамони княз Валковскийнинг қанчалик соғ ва беғубор ишқни оёғости қилганини кўрсатишидир. Зотан, княз нафақат бирорлар, балки ўз ўғлининг ҳам ҳис-туйғуларини шафқатсизларча поймол қиласди. У фақат ўзигагина тегишли бўлмаган барча воқеаларга безътибор, уни бу нарсалар қизиқтирумайди, ҳатто ўғлининг баҳти, келажаги ҳам. «Алёша билан Катя бир-бирига жуда ҳам муносиб, иккаласи ҳам ўтакетган лақма, менга шуниси керак. Мана шунинг учун иккаласининг турмуш қуришини мен астойдил истайман ва бу қанча тез бўлса шунча яхши», дейди княз. Гувоҳи бўлганингиздек, княз Валковский пул, мол-дунё деб ўз ўғлидан ҳам воз кечмоқда. Агар керак бўлса, фалон пул тўлаймиз, дейишса, у эртага ота-онасини ҳам ўлдириб келаверади, худди манқуртлар ўз хўжайини берган буйруққа сўзсиз итоат қилишади. Манқуртсифат княз

ҳам моддий манфаат, пул йўлида барча ёвуз ишларга қодир-дир, десак тўғри бўлади. Валковский бу ҳақда шундай дейди: «Мен битта қоидага риоя қиласман, у ҳам бўлса «ўзингни бил, ўзгани қўй». Ҳаёт – савдо-сотиқ битими, пулни ҳавога совурманг, аммо хизмат учун тўлайсиз».

Княздаги ваҳшийлик даражасига етган очкўзлик унинг юрагидаги барча эзгу ҳис-туйғуларни ҳам ютиб юборгандек гўё! У на севади, на ҳис қиласди, унда инсоний фазилатлардан асар ҳам йўқ. Қизиқарлиси – у ҳеч нарса билан шуғулланмайди, унинг бу ҳаётда маълум мақсади ҳам йўқ. Буни князнинг ўзи ҳам тан олади: «Менда юксак мақсад йўқ, бўлишини истамайман ҳам. Уларга ҳеч қаҷон муҳтоҷлик ҳам сезмаганман. Дунёда ғоясиз ҳам шу қадар шод, шу қадар соз яшаш мумкин...» Ҳолбуки, К.Д.Ушинский «Ҳаётдаги мақсад инсон қадр-қиммати ва баҳтининг асосидир», деган эди. Демак, княз қадр-қимматсиз одам. Афсус, буни ўзи билмайди, билса ҳам парвойига олмас балки. Княз Валковскийнинг ҳаётга, муҳаббатта, дўстликка бунчалик шафқатсиз муносабати бизни лол қолдиради ҳамда биз буни сабабини ўйлаймиз. Сабаби – у киборлар орасида, бидъатлар билан тўлибтошган муҳитда тарбия топган. Жамият уни шу тарзда вояга етказган. У шу даражада худбин, пастикаш шахс бўлиб шаклланганки, ҳатто ўзи қўйнида катта бўлган жамиятга истаган пайтида хиёнат қила олишини мақтанчоқлик билан тилга олади: «... мен пуч жамиятда яшаётганимни кўриб турибман. Аммо унинг қўйни иссиқ ва мен унга ҳайбаракаллачилик қиласман, уни қаттиқ ҳимоя қиласман, башарти қулай пайт келиб қолса, мен уни биринчи бўлиб тарқ этаман».

Умуман олиб қараганда, княз XIX аср рус бойларининг барча қусурларини ўзида акс эттирган умумлашма образдир. Шу билан бирга, княз Валковский ўз замонасининг «қаҳрамони» ҳамдир. Унинг характеридаги бир қанча жиҳатлар, замона қаҳрамонлари бўлмиш Евгений Онегин ва Печорин табиатига мос келади. Онегин билан Печорин худди Валковский каби барча нарсаларга безътибор, улар ҳам муҳаббатта, дўстликка ишонишмайди. Аммо Онегин ва Печо-

рин пул дардига мубтало эмас. Дарҳақиқат, яна бир баҳстасынан жиңіт шундаки, Достоевский Валковскийни жуда ёвузыңыз қилиб тасвир эттегі. Бу борада мен Добролюбов фикрига («меңде құйиб тасвирланаған» деган аччиқ киноясини истисно қылған қолда) қүшиламан. У князниң харәктери ҳақида шундай дейди: «...агар сиз бу харәктернинг тасвирига синчик-лаб қарасанғыз, унда меңде құйиб тасвирланған нүқул расво-гарчилекни, ёвузыңыз қарасанғыз, аммо унда одам қиёфасини күрмайсиз». Дунёда «бутунлай ёмон одам» йүқ, шунинг билан биргә «бу-тунлай яхши одам» ҳам бўлмайди. Менимча, ҳар бир ёмон, ҳар бир разил қиёфада ҳам заррадек бўлса-да, инсонийлик бор. Масалан, замона қаҳрамонлари Онегин, Печорин қалбидаги чин муҳаббат, чин дўстлик йүқ, бироқ биз уларнинг табиатидаги севгига ҳам, дўстликка ҳам ижобий муносабат борлигини кўришимиз мумкин. Лекин Достоевский гарчи ёвузыңыз қилиб бўлса-да, князниң асл баҳарасини, ички дунёсини Иван Петрович билан бўлган учрашувда моҳирона чизиб беради. Иван Петрович княздек айёр бир мунофиқнинг нафси илинжида ташлаган тўрига бечора Наташаниң ҳам илинажагини ва бегуноҳдан-бегуноҳ кераксиз бир ўлжалага айланиб қолажагини тушуниб етади. Унинг Наташага юраги ачишади. Зоро, Иван Петрович ҳам Наташани жону дилидан севар эди. Асар бошиданоқ бизга маълумки, Наташа ва Иван Петрович бир-бирларини яхши кўришгани учун тўй қилиш арафасида туришади, бироқ Иван Петрович тузукроқ маош оладиган бўлгунча бир йил сабр қилмоқчи бўлишади. Шу орада икки севишган орасида Алёша пайдо бўлади ва Наташаниң қалбини ром этади. Иван Петрович эса ўзи ва Наташа ўртасидаги муҳаббатнинг бегона қўлларда қай қўйга тушганига асар давомида гувоҳ бўлади. Лекин ҳикоя қилиб берувчи – Иван Петровичнинг хазон бўлган севгисини кузатиб туриб, кўнглида қандай ҳис-туйгулар кечгандылыги ҳақида тўхтальмайди. Шу сабабли бу қалбда муҳаббат, фурур, рашқ, қайғу каби туйгулар борми, йўқми, деган ҳақли савол туғилиши табиий. Асарда асосий хўрланған ва ҳақоратланған қаҳрамонлардан

бири саналмаш Иван Петрович билан қария Смитнинг нева-раси Нелли учрашгач, аниқроғи, Иван Петрович Неллини номаылтум ва құрқинчли құллардан асраб қолгач, асар воқеа-лари янада авж олади.

Хўрланганлар

Менинг назаримда асар бош қаҳрамони – Нелли. Добролюбов назидида эса бошқачароқ. У роман ҳақида қисқача маълумот бериб ўтар экан, жумладан шундай дейди: «Романнинг қаҳрамони – княз Валковский». Асар бош қаҳрамони – Нелли деган хуносага келишимга сабаб – хўрланган ва таҳқирланганлар Неллининг онаси ва бобоси. Энди унинг ўзи ана шу қисматни давом эттиromoқда эди, аммо у яхши кишилар паноҳига ўтди. Балки унинг ота-боболари ҳам хўрлангандир. Хуллас, ана шу доимилик яшаб келаётган эди, бу «анъана» катта бурилишга учради. Умуман, Неллининг табиати исёңкор, дили пок, унинг беғубор юраги муҳаббатта ташна. У дунёдаги ҳеч бир ота-она ўз фарзандини уришмасин, сўқмасин, «оқ» қилмасин, дейди. Унинг юраги фақат ана шу сўзларни тақрорлаб уриб туради. Шунинг учун ҳам ўз қизи Наташани «оқ» қилған Николай Сергеевич келиб, уни қиз қилиб, боқиб оламан деганда, Нелли қўрқиб кетади. Ҳайиқишининг асосий сабабларидан бири унинг онаси ҳам бобоси томонидан «оқ» қилинган эди ва Нелли «оқ» қилинган онасининг ҳар кунги, одатий ўй-хаёлларини, дардларини, ҳис-туйғуларини жуда яхши билади. Шунга қарамай, у бечора чол-у кампирга раҳми келиб ва Иван Петровичнинг қистови билан Наташаларнига боради. У ўз бошидан ўғланларини ва «оқ» қилинган онасининг чеккан азоб-уқубатларини бир бошдан гапириб беради. Онаси ўлгач, қаттиққўл, баджаҳл, совуқ феълли бобосининг қандай аҳволга тушганини эслаб шундай дейди: «Шунда мен онамнинг жасади олдига келдим ва бувамнинг қўлидан ушлаб: «Мана бағри-тош, золим одам, мана, энди кўр!.. Кўр буни!» деб бақирдим. Шунда бувам додлаб юборди ва ўлиқдай полга йиқил-

ди...». Менинг фикримча, романнинг айнан ана шу вожеалари асарнинг кульминация нуқтаси бўлса керак. Чунки бу ҳикоя тугаши билан қизини «оқ» қылган Николай Сергеевич кўкрагидан аламли фифон отилиб чиқади. Улар худди Неллиниң оғзидан ўз ҳаётларини эпилитандек бўлишади ва охирда ҳикоянинг куттилмаган – даҳшатли тарзда якун топиши бечора чол вужудидаги барча ҳасратлар, хўрликлар, аламлар ва уларга қоришиб муҳаббат, ғурур, изтироблар вулқон оғзидан лава отилиб чиқандек, чол юрагидан қудратли нидо бўлиб отилиб чиқади. Бу нидонинг қайноқ тафтида абадий «оқ» қилдим, деган ўйлар куйиб, йўқ бўлади.

Достоевский бутун асар давомида гўзал бадиий тасвир бўёғини йўқотмайди. У инсон руҳиятининг туб-тубидаги кечинмаларни ҳам жуда гўзал тарзда чизиб беради. Қаҳрамонларнинг ўз туйғуларига қылган исёнига бир мурғак қизнинг ҳикояси туртки бўлди. Мана шу кичкина қиз рафлат пардалари билан қопланган кўзларга нур берди, сўқир кўзларни очиб юборди. Аммо кўп ўтмай, етим қизча Нелли меҳрибон, ғамхўр Николай Сергеевич хонадонида ҳаётдан кўз юмади. Адид гўё бундай фақирларнинг пешанасига хўрланиш ва ҳақоратланиш битилган, уларнинг бошқачароқ ҳаёт кечириши мумкин ҳам эмас, демоқчидай бўлади. Яна эътиборли томони – асар муқаддимасида ҳам, хотимасида ҳам қашшоқлик байроғини кўтариб, Неллиниң бобоси намоён бўлади...

Достоевский нима демоқчи?

Шу ўринда бир савол туғилиши табиий – ҳозирги ёшлилар, бугунги кун китобхони, яъни Ч. Айтматов, А. Камю, П. Коэло сингари ҳозирги замон ёзувчиларининг асарлари ни ўқиб юрган ўқувчи Достоевскийниң ушбу асарини қандай қабул қиласи? Менинч, ҳозирги китобхон аҳлига, айниқса, ёшларга бу асарнинг сингиши бирмунча қийин. Сабабларидан бири – бугун компьютер, интернет, телевизор, уяли телефон каби «куроллар» менинг тенгдошларим бўлган ёшларнинг нафақат вақтини, балки қалбини ҳам ишмол

қиляпти. Улар мәхр-муҳаббат, шафқат, ҳурмат, ачиниш ҳис-түйғуларини ахборот сифатида қабул қилишга ўрганяпти-лар. Бирор нарса түғрисида тасаввурга эга бўлмоқчи бўлса-лар, энди китоб титишмайди, изланишмайди, устозларидан сўраб ўрганишмайди. Аксинча, тайёр маълумотлардан фой-даланишади. Бундай ақлий танбаллик, китоб ўқиганда ҳам кўриниб туради, яъни фақат асардаги воқеаларни, қаҳра-монларнинг номларини эслаб қолишади. Асардаги маҳорат билан ифодаланган бадий тасвирлар, қаҳрамонларнинг ўзига хос характеристи, ота-она ва фарзанд ёки қадрдон дўстлар, дугоналар, ё бўлмаса бир-бирига кўнгил қўйган ошиқлар орасидаги нозик муносабатлар, уларнинг бетак-рор ва гўзал муҳаббатлари акс эттирилган сержило тас-вирларга қизиқишимайди. Ҳолбуки, адабиётнинг айнан ана шу жиҳатлари инсонни Инсон қилиб тарбиялади. Ахир, ўзингиз ўйлаб кўринг, дунё адабиётидаги ҳозиргача ёзил-ган барча асарлар фақат воқеликдангина иборат бўлгани-да, бугунги кунга келиб, «адабиёт» деган сўз ҳофизамиз-дан ўчиб кетган бўлар эдими, худо билади! Масалан, «Ал-помиш» достонида Алпомишнинг Барчинойга етишиши ҳеч қандай бадий ифодалар ва ортиқча саргузаштларсиз ёзил-ганди, бу асарни ким ўқир эди! Яна шуниси ҳам борки, деяр-ли ҳамма асарларда бир хил мавзу. Бундай кузатиб қара-санг, бир қаҳрамоннинг дилида орзу туғилади ва шу орзуга қараб интилади, алалхусус, бу қаҳрамон ўз орзусига эри-шиши билан асар якунланади. Лекин бу орзунинг туғили-ши, масалан, Фарҳоднинг ойнаи жаҳоннамода Ширинни кўриб қолиши, унинг васлига эришмоқ учун турли саргу-заштларни, азоб-уқубатларни бошидан ўтказиши, юнон қўшинлари билан жанг қилгани, девсифат Аҳриман билан олишгани, торни талқон қилиб сув очгани, ҳийлакор Хус-равнинг макрларига дучор бўлиши – буларнинг барча-бар-часи жуда ажойиб ва мароқли тасвир этилган. Адабиётнинг кудратли кучи ана шунда намоён бўлади, ана шу саргу-заштлар орқали берилаётган түйғулар, фикрлар қалбни тар-биялади. Албатта, «Фарҳод ва Ширин»да эмас-у, бошка

кўплаб асарларда қаҳрамонлар ўз орзуларига эришадилар. Турли қийинчиликларни, ажойиботларни бошидан кечирган қаҳрамонлар ўз бахтини топадилар. Бу эса асар охирида икки-уч жумла билан ёзиб қўйилади. Ахир, муаллиф шу бир оғиз гапни асарнинг ўрнига ёзиб қўйса, асар ҳиссиз ва мазмунсиз бўлар эди. Ҳолбуки, қаҳрамонларнинг ана шу саргузаштларни бошидан кечириши, тўсиқларни маҳв этиши бизга ғайритабиий умид бағишлади. Айниқса, Шарқда – бизда қарийб барча асарлар эзгулик билан, қаҳрамоннинг орзусига эришиши билан якунланади. Бу ўқувчига барча нарсаларга эришиш мумкинлигини ўргатади, инсонда буюк интилиш уйғотади, одамнинг руҳиятига умид бағишлаб туради.

Хўш, Достоевский ўз асари билан бизга нима демоқчи? У бизни нимага даъват этади? Добролюбов айтмоқчи, «инсонга инсондай муомала қилиш» лозим демоқчими? Ёки хўрланган ва ҳақоратланган фақирларнинг ҳаётини очиб берар экан, уларни яхши ҳаёт кечиришга даъват қиласадими? Йўқ, чунки ўз онаси сингари золим қўллар, шафқатсиз оёқлар остида аёвсиз хўрланаётган қизча Нелли жуда меҳрибон, яхши кишилар соясида паноҳ топади ва одамлар меҳрини татиб улгурмай вафот этади. Достоевский гўё бу билан «доимо хўрликлар остида бўлгувчи қашшоқлар яхши ҳаёт кечириш учун яратилмаган, улар яхши яшамоқни қанча истамасинлар, ҳар қанча уринмасинлар, бу амалга ошмайдиган ишдир. Уларнинг пешанасига абадий хўрланиш ва ҳақоратланиш битилган» деган даҳшатли ҳукм ўқийди. Аммо бу хulosса асарнинг асосий хulosаси эмас.

«Уларнинг ёнига борма...»

Неллининг табиатидаги ғалати бир жиҳат мени ўзига тортди. Нелли жабр-зуим билан тўлиб-тошган мұхит бағридан қутқариб олинди, энди у софдил, самимий, меҳрибон бир киши паноҳида, лекин у нега ҳадеб қочиб кетаверади, яширинча бориб гадойлик қипади? Ахир, у очиққўн-

гил бир йигитнинг бевосита кўмаги билан ўз ҳаётини яхшилаб олиши мумкин эди-ку? Ана шу саволга жавоб бутун асар мазмунини очиб беради, Достоевскийнинг асари нима мақсадда ёзилганлигини тушунтириб беради, асосий хуносани келтириб чиқаради. Нелли бир куни онаси билан ёнида кареталар йиғилиб турган, одамлар кириб-чиқиб юрган, ойналари ёруғ, мусиқа садолари янграб турган бино олдидан ўтиб қолишади. Шубҳасиз, бу бадавлат кишиларнинг қандайдир базми эди. Онаси буларга нафрат билан қараб, Неллига шундай дейди: «Нелли, қашшоқ бўл, бир умрга гадо бўл, лекин уларнига борма, ким сени чақирмасин, олдингга ким келмасин, сен борма... сен ҳам мана шу ерда бўлишинг, бой ва ажойиб кийимларда бўлишинг мумкин эди, аммо мен буни истамайман. Улар ёвуз, бағритош одамлар, мана сенга насиҳатим: камбағалигингча қолавер, ишла ва гадойлик қил...» Бу – хўрланганлар ва ҳақоратланганларнинг ғайриоддий фалсафаси моҳияти. Ф. Достоевский асарининг чин мазмуни мана шу жумлалар орасига жамулжам бўлган. Биз асар моҳиятини яхшироқ англаштишимиз учун роман сўнгидаги сирнига бир сир очилади – Неллининг онаси княз Валковскийнинг қонуний хотини, бечора Нелли эса унинг ўзи экан! Ана шу сирнига юзага чиқиши билан биз Ф. Достоевскийнинг мақсадини бехато тушунамиз. Княз Валковский – рус жамиятидаги энг разил қусурларни, камчиликларни ўзида ифодалаган худбия қиёфа, муштипар она эса – шафқатсиз равишда, ҳатто ваҳшийларча (бу сўзни ишлатишга ҳақлимиз деб ўйлайман) хўрланган ва ҳақоратланган маълум бир қатламнинг образидир. Демак, Ф. Достоевскийнинг княз Валковский шахсига берган таърифи жуда тўғри экан. Княз бир бегуноҳ аёлни, ўз аёlinи фарзанди билан бирга қашшоқликнинг шафқатсиз қонунлари амал қиладиган муҳитга улоқтириб юборади. Князда ҳақиқатан-да одамга хос қиёфа кўринмайди. «Жаноб Добролюбов! Сиз бу образда нега одам қиёфаси йўқ, деган эдингиз, мана сизнинг саволингизга жавоб!» – дегим келади. Ф. Достоевский князнига афт-ангорини нафрат билан таърифлар экан, Россия

тузумидаги аҳмоқгарчилликлар, адолатсизликлар туфайли жамият ҳам беэтибор қолганлиги ва инсоний фазилатлардан бутунлай холи бўлган худбин амалдорлар қилган ваҳшийликлар кўз ўнгимиздан бир-бир ўтаверади. Бечора қашшоқлар индамай қун кечираверади. Улар бойишни хоҳлашмайди, чунки барча бойлар – ёвуз ва бағритош. Улар гадойчилик қиласди, ҳар ҳолда, беминнат пул топишади. Улар хўрланган, бирсқ ҳақиқий ИНСОНдир, уларнинг қалби ҳамиша тирик. Биз шу туфайли «ҳаёт кечирди», деб фақат уларга нисбатангина айти оламиз.

Бинобарин, бугунги кун ёшлари Ф. Достоевскийнинг бу фалсафасини уқа олмасликлари мумкин. Шу билан бирга юқоридаги жиҳатларни ҳам эътиборга олган ҳолда, Ф. Достоевскийнинг бу китоби ҳозирги кун ёшлари учун эмсадай туюлади. Аммо мен уларнинг бу асарни ўқишиларини хоҳлардим, нафақат хоҳлардим, балки ўқишига чорлардим. Чунки Ф. Достоевскийнинг мақсади, қашшоқлар, хўрланганлар ҳаётининг бундай уқубатлар ва қийинчиликлар билан тўлиб-тошгани, уларнинг пешанасига битилган қисмати эканлигини ёхуд ҳар қанча интилишмасин, улар бундай ҳаёт тарзидан ҳеч вақт қутула олмасликларини айтиш бўладими, умуман, Достоевскийнинг нима дейишидан, қандай фалсафани олға суришидан қатъи назар, мен унинг бизларга катта сабоқ берәётганини тушуниб етдим. Ф. Достоевский абадий хўрланишга, таҳқирланишга маҳкум этилган кишиларнинг катта бир жарликка ўхшаш ҳаётини кўрсатиб берар экан, бизни ана шу даҳшатли ва тубсиз жарга тушиб кетишдан огоҳлантиради. Шундай экан, қалб ўлими туфайли юз берадиган инсоний ва умуминсоний фожиаларнинг олдини олиш учун Достоевскийга ўхшаш буюк ёзувчиларнинг асарларидан кўпроқ баҳраманд бўлишимиз ва қалбнинг уйроқлиги, тириклигини сақлаб қолишга интилишимиз лозим. Токи, ҳеч қачон бирорта инсоннинг тақдиди ҳам, бирорта юртнинг келажаги ҳам княз Валковскийдек «инсон»ларнинг қўлида қолмасин!



ЛУИ АРАГОН ВА СЕЙТИННГ СЕВГИСИ

(Чингиз Айтматовнинг «Жамила» қиссасини ўқиб)

Дунёда шундай ёзувчилар борки, уларнинг номини тилга олгандан сўнг қайси асарни ёзганилиги ҳеч ёдимизга келмайди, зўриқиб эслашга ҳаракат қиласиз. Чингиз Айтматов дейилганда эса ўша заҳотиёқ «Оқ кема», «Жамила», «Алвидо Гулсари!», «Қиёмат», «Соҳил ёқалаб чопаётган олапар», «Бўтакўз», «Асрга татигулик кун» сингари асарларнинг номи беихтиёр қалбимизда тақрорланади. Бу ҳолатнинг боиси нима? Менимча, Ч. Айтматов қисса ва романларидаги воқеаларнинг ҳаётйлиги, мураккаб ва оддий тақдирли қаҳрамонларнинг бизга бениҳоя яқинлиги бўлса керак. Ушбу асарларнинг содда ва равон услубда ёзилганилиги, халқ урф-одатларидан, афсона ва ривоятлардан кенг фойдаланганлиги, инсонга ҳам, табиатга ҳам бекиёс бир меҳр билан ёндашиланлиги түфайли милион-миллион китобхонларнинг муҳаббатига сазовор бўлган.

Бу улуғ ёзувчи XX асрда ўз асарлари билан дунёни мафтун қилди. Бу адабий «салб юриш» «Жамила» қиссаси билан бопланди. Бир куни Ч. Айтматов ўқиётган Москвадаги Олий Адабиёт курсига буюк француз ёзувчиси Луи Арагондан хат келади. Мактубда Луи Арагон Францияда бу қиссани ўқиб, таъсирлангани ва француз тилига таржима қилиб, 100 минг нусхада чоп этиргани, яна 100 минг нусхада чиқармоқчи эканлиги айтилган экан. Хат: «Мен бундай гўзал севги қиссасини ўқимаганман», деган сўзлар

билан якунланади. Ана шу воқеадан илҳомланган Ч. Айтматов бир-биридан гўзал қиссалар ёза бошлайди.

Хўш, Луи Арагонни тўлқинлантирган, қарийб ярим асрдан бўён дунё китобхонларини ҳайратга солиб келаётган «Жамила» қиссасининг сеҳри нимада? Аввал Луи Арагоннинг ҳайрати ҳақида гаплашайлик. Фарб адабиётининг «Жамила»га ўхшаш юзлаб қисса ва романларини ўқиб чиққан Луи Арагон учун «Жамила» сюжети янгилик бўлмаганилиги табиий. Чунки эри урушга кетган ёки вафот этган ё сафарга кетиб қайтиб келмаган маҳбубаларининг бошқа бир кишини чин юрақдан севиб қолиши жаҳон прозасида, айниқса, француз адабиётида жуда кўп маротаба қаламга олинган воқеалардандир. Ундан ташқари, Луи Арагон французларга хос сентименталлик нақадар кучли бўлганидан қатъи назар, у Фарб одами. Ҳаётга романтикандан кўра, реал кўз билан қарашга одатланган, муҳаббат масаласида Шарқ кишиларига нисбатан демократроқ фикр юритадиган миллат вакили. Наҳотки уни Жамила ва Дониёр ўртасидаги муҳаббат тасвири мафтун қилган бўлса? Менимча, гап бунда эмас. Асарга мурожаат қиласайлик.

Жамила оддий қирғиз овулига янги келин бўлиб тушган ёш жувон. Ҳали болалик шўхликлари тарқ этмаган, ҳазилкаш, шилдираб оқаётган сойдек қувноқ ва сўзамол. Турмуш ўртоғи Содиқ урушга кетган. Уйда меҳрибон, оққўнгил, беғубор туйғуларга ошно қайнукаси Сеит ва унинг сингилчаси билан бирга яшайди. Улар кунбўйи хирмондан станцияга ғалла ташшишади. У пайтлар қишлоқларда уруш нафаси уфуриб турар, аёллару болалар фронт учун тинмай меҳнат қилишарди. Ана шундай кунларнинг бирида овлуга асли шу ерлик бўлган Дониёр исмли йигит армиядан бир оёғи яраланган ҳолда қайтиб келади. У Жамила ва Сеит билан бирга станцияга буғдой ташиб бошлайди. Дониёр табиатан вазмин, ўзини бошқалардан четта олиб юрадиган ва камгап йигит бўлади. Жамила Дониёрнинг бори ҳам, йўғи ҳам билинмайди, дегандек уни на зарга илмайди. Бир куни Жамила билан Сеит ҳазиллашиб, Дониёрнинг аравасига етти пудлик қопни ортиб қўйишади. До-

ниёр ярадор оёғи билан қопни елкасига олиб, нарвондан тепа-
га күтарилади, қопни не азоблар билан ҳамманинг күзи ўнги-
да вагонга ортади. Ожиз йигитни бундай қийноққа қўйган Жа-
мила ва Сеит қаттиқ азоб чекиб, ўз-ўзларидан ранжишади. Ана
шу кундан бошлаб, Жамиланинг юрагида Дониёрга нисбатан
ачиниш ҳисси уйғонади. Улар кеч тушиб, уйга қайтишаётган
пайт Дониёр Жамиланинг қистови билан ашула айтади. Унинг
ажиб бир нафосат билан куйлаган ёқимли қўшиғи Жамилани
ҳам, Сеитни ҳам сеҳрлаб қўяди. Улар одамови, тортинчоқ бу
йигитнинг қалбидағи жамики гўзал туйғуларни, кутилмаганды
намоён бўлган ички оламини ҳис қилишади, кўришади ва ҳай-
ратда қолишади. Секин-аста Жамиланинг кўнглида муҳаббат
куртак оча бошлайди. Олдинги шўх, гапга чечан, ҳазилкаш
келин умуман бошқа – камгап, оғир, хаёлпараст жувонга ай-
ланиб қолади. Юрагидаги муҳаббат чўғи борган сайин аллан-
галаниб, охири гулхандай ёнади ҳамда бир куни у бу сирни
ўзи билмаган ҳолда изҳор қилиб қўяди. Жамила, Дониёр, Сеит
одатдагидек станциядан овулга қайтиб келишаётганда До-
ниёр яна ашула айтиб қолади. Мунгли оҳанг таъсирида маст
бўлаётган Жамила ҳисларини жиловлай олмай, Дониёрнинг ёни-
га яқинлашиб, беихтиёр бошини унинг елкасига қўяди. Ўша
кундан бошлаб Жамила Дониёрни чин дилдан севиб қолгани-
ни ҳис қиласди. Дониёр ҳам энди уни бир кун кўролмаса ту-
ролмаслигини тушуна бошлайди. Сеит эса бу икки ёниқ қалб-
нинг муҳаббатига хайриҳоҳ эди, ҳатто янгаси билан Дониёр-
нинг суратини ҳам чизади. Бир куни уйига кетишмоқчи бўлиб
туришганда бир аскар урушдан, Содиқ хизмат қилаётган жой-
дан хат олиб келади ва Содиқнинг бир-икки ой ичида келиб
қолишини айтади. Ушбу хабарни эшлитиб турган Дониёр хат
ўқиб турган Жамиланинг ёнидан аравасини шалдиратиб ўтиб
кетади-ю, Сеит янгасининг икки ўт орасида қолганини англаб
етади. Энди Дониёр овулда қолмайди, бошини олиб кетса ке-
рак, деб ўйлади Сеит. Лекин кеч киргач, Сеит ғарамда До-
ниёр билан Жамиланинг бир-бирларига юракларини ёриб, соғ
самимият билан севги изҳор этишаётганини, бир-бирларини
нафис сўзлар билан эркалаётганини эшлитиб қолади. Хуллас,

шу тариқа орадан бир неча кун ўтади. Сеит далада расм чизиб ўтирган маҳал соҳилнинг нариги томонида Жамила билан Дониёрнинг овулни ташлаб қаёққадир кетишаётганини кўриб қолади. Дафъатан, у Жамила билан Дониёр нафақат овулни, балки Сеитнинг ўзини ҳам ташлаб кетишаётганини англаб етади. У аллақачон ҳаётининг мазмунига айланиб улгурган, лекин ҳали ўзи тушунмайдиган «бир нарса»сидан маҳрум бўлаётганини юрак-юрагидан ҳис қиласи. Бор овози билан қичқирмоқчи бўлади, томоғига бир нарса тиқилиб, бақиргани имкон бермайди. Ниҳоят, улар қамишзор орасига кириб ғойиб бўлишади ва ана шундагина қалбини, бутун вужудини тўлдириб турган туйғулари, изтироблари фарёд бўлиб отилиб чиқади: «Жамила-а-а!» Гўё бепоён далалар, қирлар ҳам уларни қайтармоқчи бўлган Сеитга қўшилиб ҳайқиради, узоқ-яқиндан акс-садо эшлитилади. Кейин сувни сув демай, оёқланг, бошяланг уларнинг ортидан югуради. Бирданига юзтубан йиқилади, бошини кўтармай, ўксиб-ўксиб йиғлайди. Сеит ерда ётаркан, бегубор ва илоҳий бир муҳаббат билан Жамилани севиб қолганини тушуниб етади. Шу лаҳзаларда ўзи учун энг азиз бўлган кишилар билан ҳам, илк муҳаббати билан ҳам, шунинг билан бирга болалиги билан ҳам хайрлапшаётганини қалбдан ҳис қиласи.

Шу ўринда Сеитнинг илк севгисига бир эътибор бериб ўтайлик. Хўш, бу болада Жамила билан ажralаётганидаги на севги уйғондими? Наҳот муҳаббат тўсатдан, бир лаҳзада пайдо бўлиши мумкин? Албатта, мумкин. Аммо Сеитнинг муҳаббати узоқ вақт шаклланди. Яъни бу севги уруғи унинг қалбига анча олдин – Жамила уларнинг хонадонига келганидан бошлаб экиб қўйилган эди, у аста-секин куртак очди, гуллади, мева берди. У ҳазил-ҳузулни маромига етказадиган, ўйинқароқ, қалби болаларни кидай, тўғрироғи, ўзиникидай бўлган янгасига боғланиб қолади, у билан бирга ўйнайди, бирга сирлашади, бирга ишлайди. Сеит Жамилада қалбидаги туйғуларга, оҳангларга ҳамоҳанг туйғуларни кўради, қолаверса, ундаги ззгу, пок ҳисларга ҳавас қиласи, ардоқлайди. Ўша пайтдаёқ шунчалик яхши кўрадики,

ҳазиплашиб гап талашаётган йигитлардан янгасини рашк қилади: «Ҳа, чиндан ҳам янгамни ҳеч кимгараво кўрмай рашк қилардим, унинг қувноқлиги, ўзини эркин тутиши билан фахрланардим...» Жамила Сеит учун ҳам сирдош дўст, ҳам жасур ҳимоячи, ҳам бир онадек ва ҳам севикли эди. Бу тушунчани, бу ҳисни ўзи англамаган бўлса-да, қалби ҳис қилади. Сеитнинг ушбу гапларига зътибор беринг: «Жамиланинг тиззасига бош қўйиб ётиб, унинг сал счилган ғунча лабларига, ёш тўла шаҳло кўзларига термулиб қарашиб менга дунё-дунё роҳат бағишлар эди». Одатда, кичкина болалар ўзларининг янгаларини бунчалар синчковлик билан кузатиб, бундай гўзал таърифлай олмайдилар. Ҳа, бу – туғилиб келаётган муҳаббатнинг нишонаси эди.

Жамиланинг кайфияти яхши бўлса, Сеитнинг ҳам юрагига аллақандай илиқ ҳислар ёға бошлайди ва унга шодлик баҳш этади. Агар диққат қилган бўлсангиз, кўнгилдаги бу пинҳон орзиқишлир, аниқроқ қилиб айтсак, севги баъзан юзага қалқиб чиқарди. Жумладан, қуйидаги жумлаларга қаранг: «... бир кўнглим Жамила Дониёрни севса яхши бўларди, деса, бир кўнглим севмагани яхши, дерди».

Шу билан бирга у ўзини ҳали ёш бола эканини, ёши катта бўлган инсон билан бирга яшаци мумкин эмаслигини ҳам яхши билади ю, аммо Дониёрнинг Жамилага бўлган муҳаббатини ўз муҳаббатининг тимсоли сифатида қабул қилади, шунинг учун ҳам улар бир-бирларини яхши кўриб қолишганда уларга хайриҳоҳ бўлади. Буларнинг ҳаммаси гарчи ғайритабии туюлса-да, нақадар гўзал! Кейин ҳам, Сеит овулни ташлаб кеттанида ҳам, рассомчилик олийгоҳида ўқиганида ҳам, Жамила ва Дониёрнинг юзлаб расмларини чизганида ҳам, умуман, бутун умри давомида Жамиланинг муҳаббати билан яшади, бу илоҳий туйғу унга ҳар қачон, ҳар ерда ҳамроҳ бўлади. Ҳатто у йиллар ўтиб, овулига қайтишга қарор қилганида туғилиб-ўсан ерини, овулини, одамларни кўриш учун эмас, биринчи муҳаббатига, болалигига, хотираларига қайтгиси келгани ва уларни кўриш, ҳис қилиш учун боражагини айтади. Уни илк муҳаббати чорлаётган эди. Асар ҳам

Сеитнинг ғайритабиий, беғубор, илоҳий ишқини тараннум этувчи жумлалар билан якун топади: «Чизган суратларимнинг ҳар бир бўёғида, ҳар бир чизифида Жамиланинг юраги уриб турсин!» Ана шунинг учун ҳам бундай гўзал муҳаббат тарихи Луи Арагоннинг юрагини энтикирган, қалб тўридан ўрин эгаллаган ва дунёдаги энг гўзал севги қиссаси, деб баҳолашига сабаб бўлган.

Асарнинг бадиий баркамоллиги, шунинг билан бирга ғоят самимий ва соддалиги ҳам унинг қимматини оширган. Қиссадаги қаҳрамонларнинг пок муҳаббати шундай гўзал тасвир этилганки, кўнгли тоза ёш Сеитни ҳам, юраги ёниқ ҳисларга тўла Жамилани ҳам, олижаноб қалб эгаси Дониёрни ҳам беихтиёр севиб қоласан киши. Шунингдек, ёзувчи асарда ҳис-туйфулар, ранг-бўёқлар, маънолар, мусиқа, боқишилар, юз-кўз ифодалари, қаҳрамонларнинг ҳолатлари, булутлар, ҳаво, сув, ҳатто кишиларнинг номларини ҳам ажаб бир тарзда тасвиrlайдики, ўзингиз билмаган ҳолда асар ичига кириб кетасиз, Жамила, Дониёр ва Сеит билан бирга яшагандек, бирга нафас олгандек бўласиз.

Инсонлар қалбига эзгулик уруғини экишда, уларни бирбирига меҳр-оқибатли қилиб тарбиялашида, ўзларининг ва ўзгаларнинг муҳаббат туйфуларини эъзозлашга ўргатишда «Жамила»га ўхаш гўзал қиссаларнинг ўрни бекиёсdir. Зеро, Л. Толстойнинг шундай гапи бор: «Ҳамма нарсани ўқийвериш ярамайди, дилда туғилган саволларга жавоб бера оладиган китобларнигина ўқиш керак». Дарҳақиқат, мана шундай қиссаларни ўқиб, ўз матьнавий дунёсини бойитган одамлар Ватанини ҳам, ота-онасини ҳам, атрофдаги инсонларни ҳам қадрлайдиган, севадиган бўлишади. Шу билан бир қаторда бадиий дидлари ўсади, ҳар хил олди-қочди, савияси паст асарлардан ҳақиқий санъат намунаси бўлган бадиий асарларни ажратса оладиган бўлишади. Ҳаётга ҳам қандайдир майда орзулар, нафс кўзи билан назар ташламайдиган бўлишади. Ч. Айтматовдек ёзувчиларнинг буюклиги ҳам ана шунда!



ШИВИРЛАБ АЙТИЛАДИГАН ПІЕРЛАР

*О*еър ўқисам, ундағы түйгүлар, оғанғ ۋا سۇزلارنى
тұғыа ҳис қилиш үчүн ўша шоирнинг ўзи шу шеър-
ни қандай ўқишини күз олдымга келтиришига ҳаракат қила-
ман. Чунки қогоздагы шеърда овоз чиқариб ўқылган шеър-
нинг ярми қолғандай тулолади. Овоздагы дард, қувонч, ҳай-
қириқ ۋا ңола, ҳайрат ۋا илтижо, хұллас, бир олам ла-
тофаппини ҳарфларга күчиришининг иложын йүқ. Гафур
Гулом ۋا Миртемир ҳаётлигіда ўқиган шеърларини ра-
диодан эшилғанман, Абдулла Оропов ۋا Эркін Вөхидов,
Усмон Азим ۋا Шавкат Раҳмоннинг шеър ўқишиларини тे-
левизордан ёки бевоситта эшилғанман. Ўзим китоблари-
дан ўқиган ўша шеърлар бутунлай ўзгача ҳайратта ۋا
ҳаяжонга солған.

Лекин шундай шеърлар ҳам борки, уларни барадла овоз
чиқариб ўқишина тасаввур этиш қийин. Таниқлы шоир Тур-
сун Алининг “Сокин ҳайқириқ” китобидаги аксарият шеър-
лар ана шундай шеъриятта мансуб. Улар қалб билан ўқила-
ди, күз билан тингланади. Улар лаңзалик кечинмалар, түйру-
лар, тасаввурларнинг суратларига ўхшайды. Шеърларнинг
ўзидан овоз чиқаётгандай. Бу шеърларни тилга күчирсан-
гиз, фақат шивирлаб айтиш мумкин.

Узмоқчи бүлгандим
Сариқ гулни
Күнглім буржларини

Ой каби ёритди
Барглари саси.

Мен одатдагидай шоирнинг ўз шеърларини овоз чи-
қариб ўқишини тасаввур қилмоқчи бўлдим, кўз ўпгимга
яшил майсалар билан, олча гуллари билан, куз ёмғири,
ой нурлари билан жимгина, баъзан шивирлаб гаплашаёт-
ган одам келаверди. Лорканинг “Шоир кўкатлар остида-
ги чумолилар шивирини англашни истайди. У дараҳт-
нинг беўхшов танасида сизаётган оби ҳаётнинг сирли
оҳангини ўқишини истайди”, деган сўзларини эсладим.
Турсун Али табиатдаги ҳамманинг ҳам нигоҳи ва кўнгил
нигоҳи тушавермайдиган манзараларга назар ташлар
экан, уларда ўзини, ўз туйғуларининг шаклини кўради.
Юраги сокин ҳайқириб юборади.

Боғда
Рангпар майсалар оғушида
Ҳакка чўқиган
Бағри қон олма ётади
Кумурсқага таланиб.
Бу юракка ботади оғир.

Мабодо бу таҳлит шеърлардан ташбеҳ, фикр изламоқ-
чи бўлсак ушбу шеърдаги манзаранинг ўзи шивирлаб ай-
тади: “боғ” бу – дунё, “рангпар майсалар оғуши” – ҳаёт,
“ҳакка чўқиган” – тақдир зарба берган, “бағри қон
олма” – инсон, “кумурсқага таланиш” – бешафқат одам-
лар орасида қолиш. Ёинки: “боғ” бу – шоирнинг ўзи, “ранг-
пар майсалар оғуши” – ушалмаган орзулар, “ҳакка чўқи-
ган” – ҳаётнивг зарбалари, “бағри қон олма” – руҳ, “ку-
мурсқага таланиш” – нафс...

Турсун Алининг кўпгина шеърлари нигоҳингизни та-
биатнинг гўзал, инжা суратларига қаратади, бу мўъжиза-
ларнинг кўплигидан, ўзингиз кўрган бўлсангиз ҳам эъти-
бор бермаганингиздан ҳайратга тушасиз. Улар шундай

Үзига хос қиёслар билан тақдим этиладики, ушбу манзараларни тасаввур қилиш учун “тұхтаб қоласиз”.

Бу шундай ҳолатта үхшайды: Йүлда ёлғыз кетаётганингизда кимдир сизни исмингизни айтиб чақыргандек бўлади. Овоз бир лаҳза ичингизда ва ҳавода акс-садо бериб туради. Тұхтаб қоласиз. Аланглайсиз. Атрофда ҳеч ким йўқ. Хаёлингиз кетади. Овозни беихтиёр мушоҳада қила бошлайсиз. Кимнинг овозига үхшайды? Нима бу? Қаердан? Турсун Алининг шеърлари содда, равон, ихчам бўлса-да, тез-тез ўқиб кета олмайсиз. Шеърни ўқийсиз, нимадир юз бергандек, сиз англамай қолгандек бўласиз. Ўша, исмингизни эшитганга үхшаш ҳолат юз беради. Тұхтайсиз. Шеърга қайтасиз.

Кузги бор.

Яланғоч новдалар кўзида нам
мунғайиб боқади теваракка.

Ёки

Кеча.

Ой елкамда,
Қайгадир кетяпман толғин.

Адабиётшунос олим Қозоқбой Йўлдошев шоирнинг “Туйғулар ранги” номли китоби сўзбошисида: “Турсун Али шеърларида табиат ва воқеалар манзараси кўпинча қалб, туйғу ҳамда руҳият манзарасига дўнгани акс эта-ди”, деб ёзган эди. Балки китобхон ана шу руҳият манзарасини кўриш, туйиш учун, ўз туйғулари манзарасига со-лиштириб кўриш учун “тұхтаб қолар”, шеърга қайтар.

Шеърларга қайтар эканман, мени жалб этган табиат ва руҳият суратлари замираидагатта дардлар ҳам “сокин ҳай-қириб” турганини тыйдим. Булар – болалик соғинчи, дийдо-рига тўёлмай кетган она ёди, япроқдай саррайган муҳаббат дарди, мудом юракка оғриқ берувчи дунё ноқисликлари, ин-сон сийратининг қафасдаги ҳайвонлар қиёфасига дўнаётганидан озорланиш ва энг асосийси, Ватан озодлигини руҳият озодлиги билан бир бутун кўриш армони.


Озодман!
Озоддир Ватаним!
Занжирланган рұхиятим кишанлари
Парчаланар қачон?
Қачон
Эркин рұх еллари
Күкрагимни айлайды макон?
Қачон?
Тангри,
Рұхиятим озод бўлған он
Мен ҳам озодман.

Турсун Алининг учеб кетаётган турнапар, зангори майсалар, тоғ чўққилари, бағри доғ қизғалдоқлар, нимжонгина ғўзалар, она сутидай булоқлар билан суҳбатлари Ватан билан қилинган суҳбатларга ўхшайди.

Майсаларга кўмилиб,
Хўп ўйладим мен сени, Ватан!
Кучоғинг бунчалар гўзал,
Ўлиб ҳам
Тирилиш мумкин bemalol!

Китобни ўқиб чиққач, аввалига оддий туюлган шеърлар товус патларини ёйганда бутунлай бошқача манзара ҳосил бўлгандай туйғуларнинг ўзгача рангларини намоён қилди. Шеърлар ҳақида қофозга тушмай кўнглимда қолган мушоҳадалар ҳали кўп. Некбин шоир эса дунё ва табиат билан, ўз юраги ва туйғулари билан мулоқот қилганча яна бизга пешвуз келаётгандай:

Намхуш ойдин.
Дўланадан кесилган новдага таяниб,
Бораяпман сокин ҳайқириб
Ана, ана,
Оқ ридоли кундуз чорлайди олдда!



СИРЛАР ЗАНЖИРИ

(Ден Брауннинг “Да Винчи сири” романини ўқиб)

Сир! Қачон пайдо бўлган у? Яратган жаннатда Одам Ато билан Момо Ҳавога барча ноз-неъматларни ейишга рухсат бериб, фақат бугдойни ман қилди. Илк бора Сир ана шу лаҳзада түгилгандай, назаримда. Қилди.

Сўнг шайтон ийлдан уриб, бугдойдан татиб кўрдилар. Парвардигор икковларини ҳам жаннатдан бадарга қилди. Аммо бунинг сирини билолмадилар.

Ўшандан бери одамзодда дунёнинг мавжуд ва номавжуд унсурлари сирини ўрганишига, кашф қилишига, тилсизмолилар ва уларнинг қалитини тонишга буюк бир қизиқиши уйғонди. Аста-секин ўзлари ҳам сирлар яратишга, ўз қилмишлари ва ҳаётини сирлар пардасига ўрашга киришиб кетишиди. Сирларни ўзларича соҳаларга, туркумларга, табақаларга бўлиб олдилар: кўнгил сири, давлат сири, ҳарбий сир, сиёсий сир, иқтисодий сир, илму урфон сирлари, азалий ва авадий сирлар... Уларнинг авлодлари эса бу сирларни очиш билан умргузаронлик қила бошлиди. Одамзод сирсиз яшай олмайдиган бўлиб қолди. Бирорни барҳаётлик сувини яратиб авадий ҳаётга эришмоқчи бўлса, бирорни темирни олтинга айлантириб, дунё бойлигининг соҳибига айланмоқчи бўлди, яна бирни иккаласига ҳам эришиб дунёга ҳукмронлик орзусида эди. Ана шу мангу жараён ҳакида минглаб китоблар ёзилди ва ёзилмоқда. Қўлимда шундай китобларнинг навбатдагиси – Ден Брауннинг “Да Винчи сири” романи.

Илк жумлаларининг ўзиёқ сизнинг сирга иштиёқманд бўлиб қолган шуурингизга кутқу солади. “Сион Приорати – 1099 йили Европада ташкил этилган яширин жамият. 1975 йили Париж илмий кутубхонасида “Махфий маълумотлар” номида қўлёзмалар ўрами топилган эди. Унда Сион Приоратининг бир неча аъзолари, жумладан, Исаак Ньютон, Ботичелли, Виктор Гюго ва Леонардо Да Винчи исмлари қайд этилган...” Гўё Италия уйғониш даврининг улуғ рассоми Да Винчи ҳақидаги тасаввурларингиз чалкашиб кетгандай, бутунлай бошқа бир оламга тушиб қолгандай бўласиз... махфий ташкилот... буюклар... Наҳотки? Китоб сизни то охирги сўзларини ўқиб тугатмагунингизга қадар қўйиб юбормайди.

Да Винчидан Ньютонгача

Романинг асосий қаҳрамонларидан Жак Сонер – Лувр музейининг нозири, 70 ёшда. Гралл косаси ҳақидаги муқаддас сирни у ва унинг ўзиdek қари уч ноиби билади. Асар аксарият саргузашт романлардагидек кутилмаган воқеа билан бошланади – Сонер музей залларидан биридаги Караважо полотносини девордан сувуриб олади ва йиқилиб тушади. Бирданига сигнализация қурилмаси ишга тушиб, музей залларининг эшиклари ёпилади. Шу пайт бир киши пайдо бўлади, Сонерга тўппонча ўқталиб: “Сенда ва биродарларингда шундай нарса борки, у мутлақо сизларга тегишли эмас... Энди гапир: қаерда у?” деб бақиради. Иложисиз қолган Сонер фақат ўзи ва уч ноиби биладиган муқаддас ва дахлсиз сирни “айтиб” беради. Тўппончали киши ҳозиргина уч ноибни тутгани, учови ҳам шу ёлғон афсонани айтишганини, сўнг уларни ўлдирганини айтади. “Ҳақиқат”ни билиб олган киши Сонерга ўқ узиб ғойиб бўлади. Оғир яраланган нозир фақат ўзи биладиган чин ҳақиқатни кимгадир етказиши кераклигини тушуниб етади ва бор билимини, бор кучини сарфлаб, уни сир-у тилсимларининг узилмас занжирига яшириб, вафот этади.

Энди бу тилсимларни ечиб, ҳақиқаттинг тубига етиш керак. Бу мушкул ва хатарли вазифа асарнинг бош қаҳрамонлари Роберт Ленгдон ва Софи Невё (Жак Сонернинг невараси)лар зиммасига юкланди. “Хатарли” дейишимизга сабаб судлов полицияси марказий бошқармаси капитани Безу Фаш Гарвард университетининг профессори Роберт Ленгдонни Жак Сонерни ўлдирган, деб гумон қилади. Сонер жасадининг ёнида қуйидаги ёзувлар бор эди: “13 – 3 – 2 – 21 – 1 – 1 – 8 – 5. Нодон элчи даврида! Нома изла! P.S. Роберт Ленгдонни тонинг!”

Барча музейни қўриқлаб турғанларга Ленгдонни ташқарига чиқармаслик топширилган. Фаш билан Ленгдон олдига судлов полицияси марказий бошқармаси криптография бўлимидаги ишловчи Софи Невё кириб келади. Хуллас, Софи Ленгдоннинг чўнтағига сигнал тугмачаси солиб қўйилганини, уни қотил деб гумон қилишаётганини билиб қолиб, тугмачани деразадан бир юк машинасининг устига улоқтиради. Сигнал тугмачасининг ҳаракатини мониторда кузатиб ўтирган бутун полиция Фаш бошчилигига юк машинаси кетидан тушади.

Музейда қолган Софи билан Ленгдон Сонер қолдирган ёзувдаги тилсими ечишади. Рақамлар Фиbonаччи кетма-кетлиги (мазкур прогрессияда ҳар бир рақам аввалги иккита соннинг йиғиндисига teng) ва у номанинг қолган қисмини ечиш учун калит экани маълум бўлади: “1 – 1 – 2 – 3 – 5 – 8 – 13 – 21. Леонардо да Винчи! Мона Лиза”.

Яна ишора. Софи музейдаги Мона Лиза суратининг орқасидан кичкиналигига бобоси кўрсатган калитни топиб олади. Калит Лилия гули ва P. S. ҳарфлари билан безатилган эди. Полда ҳам “Лиза... P. S.” деган ёзувлар. “Ахир, бу Сион Приоратининг расмий герби-ку!” – ҳайратдан қотиб қолган Ленгдон бақириб юборади...

Шу тариқа ёзувчи ўз қаҳрамонлари тилидан махфий ташкilotлар, турли диний секталар ҳақида ҳикоя қилиб боради. Уларга ким асос соглан, мақсади нима, қанақа маросимлари бор – барчаси хотираларда, диалогларда акс этади. Китобда

ёзилишича, насронийлик (христиан) дини пайдо бўлган пайт дунёда ёлон-яшиқ ғоялар урчиб кетган, муқаддас аёллик ибтидоси қадрсизланган. Католик инквизицияси даври инсоният тарихида қонли из қолдирган. Ўша вақтда “Жодугарлар болғаси” деган китоб нашр этилади ва барча олималар, роҳибабар, лўли аёллар, илоҳий кучларга ишонувчи аёллар “жодугарлар” деб зълон қилинади, ҳамма-ҳаммаси гулханда ёқилади. Уч аср давомида ана шундай қонли “юришлар” давом этади, миллионлаб аёллар гулханда ёқиб юборилади. Эркак билан аёлнинг қовушиши уят иш сифатида қораланадиган бўлиб қолади, энди ўз-ўзига оғриқ бериш, азоб бериш йўли билан ибодат қилиш, руҳий покланиш усуслари пайдо бўлади. Ниҳоят, XI асрга келиб Сион Приорати ташкилоти тузилади, у черковнингadolatsizliklariга қарши қурашиш мақсадида маъбудага сифиниш анъанасини яратади. Махфий ҳужжатларда ёзилишича, Да Винчи нафақат бу ташкилотнинг аъзоси, балки 1510–1519 йилларда унга бошчилик қилгани ҳам аён бўлади. Ҳозирги кунга қадар санъаткорнинг рассомчилик соҳасидаги энг машҳур асари “Мона Лиза”да ҳам Леонардонинг эътиқоди акс этган экан. Романда бу тўғрисида жуда қизиқарли маълумотлар берилган: “... аёл юзи оркасидаги фон, яъни уфқ бир текис эмас. Чап томони ўнгига нисбатан анча пастда жойлашган... Олимларнинг таъкидлашича, аёллик ва эркаклик ибтидосига мувофиқ чап – аёллик, ўнг эса – эркаклик томони ҳисобланган...” Аввалига бу асарни қизикарли қилиш учун ўйлаб топилган гаплар, деб фикр қилгандим. Бироқ суратни диккат билан қайта ўрганиб чиққач, ҳайратда қолдим – ҳаммаси китобда тасвирланганидек эди. Шу нарсаларга эътибор бермаганимдан яна ҳайратга тущдим. “Мусаввирининг фикрича, кимнинг қалбида ана шу икки ибтидо муроса қилолса, ўша одамни маърифатли ҳисоблаш мумкин”, дейилади. Факат Леонардо да Винчи эмас, ташкилотнинг бошқа машҳур аъзолари ҳам ўз асарларига ана шундай ғояларни сингдиришган ва улар бир сирдан боҳабар бўлишган...

Сион Приорати Биродарлигига 1099 йили француз қироли Годфруа де Буйон асос соглган бўлиб, ривоятга кўра, Год-

фруа Исо замонидан бери асралыб келаёттан ўта муҳим бир сирни билган экан. Ўлимидан сўнг сир йўқ бўлиб кетишидан кўрқиб, Сион Приоратини тузган. Приоратга сирни авлоддан авлодга узатиш вазифаси юкландган. Бу – Гралл косаси ҳақидаги сир эди. Ана шунинг учун ҳам Черков “Дея асари” деган маҳфий жамият тузиб, Сион Приорати билан минг йилдан бери олишиб келади, Гралл косаси қаердалигини билиш, унга эгалик қилиш учун ҳеч нарсадан қайтмайди.

Жак Сонер Сион Приорати аъзоси эканлиги ва у ҳам ўша сирдан боҳабар бўлганлиги, уни ўлдириб кетган Сайллас эса “Дея асари” данлиги маълум бўлади. Демакки, Ленгдон билан Софи ечаётган тилсимлар занжирининг охирги ҳалқаси – Гралл косаси! Бутун полиция бошқармалари энди уларни жиноятчи деб билади, чунки улар Сонерни “ўлдирган”, устига-устак, воқеа жойидан қочиб кетишган. Агар тақдирга тан беришса, сир очилмай қолади. Улар учун энди қадам қўйилган сўқмоқдан ортга йўл йўқ.

Софи билан Ленгдон Лилия гули ва Р. С. белгилари туширилган калитни олиб, музейдан чиқиб кетишади. Йўлда кетаётиб, калитга сиёҳи кўринмайдиган маҳсус маркер билан қандайдир манзил ёзилганини билиб қолиши: “Аксо кўчаси, 24”. Манзилга етиб боришка, Швейцария депозитар банки экан. Уларнинг қўлларидаги эса банк сейфининг калити бўлиб чиқади. Улар сейфни очиб, қизил ёроҷ қутини олишгандা, полиция банкни қуршовга олади, ҳамма жойда соқчилар. Битта илож – банк раҳбаридан ёрдам сўраш. Шунда банк раҳбари Сонер билан қадрдан дўст бўлишганини айтиб қолади. Дўстлик ҳурмати у Софи билан Ленгдонга ёрдам беради – уларни банк машинасида полиция чангалидан қутқариб олиб, чиқиб кетади.

Йўлда улар қутини очишиади, ичидан суюқлик тўлдирилган цилиндр чиқади. Унинг ичиди эса пойdevor тоши, яъни Гралл косаси қаерга яширилгани кўрсатилган, кодлаштирилган харита бор бўлади... Шундай қилиб, улар Ленгдоннинг эски дўсти, Гралл косаси бўйича дунёдаги

энг машхур олимлардан бири, бой-бадавлат Тибингнинг уйига паноҳ истаб боришади.

Шу йўсинда воқеалар ипга терилган маржондай ялтираб, сизни мафтун этиб бораверади. Асарга янги қаҳрамонлар кириб келади. Аста-секин роман марказида самимий, оқкўнгил, фидоий одам қиёфасида Тибинг пайдо бўлади. У бутун умрини Гралл косасига бағишилаган. Айнан Тибинг уларга энг катта ёрдам кўрсатади – дўстларини самолётида Франциядан, хавф-хатарлар чангалидан Лондонга элтиб кўяди. Буни қарангки, Гралл косаси ҳам Лондонда яширилгани маълум бўлади. Яъни, турли алифблар, рақамлар билан чирмаб ташланган сирни – цилиндрнинг калит сўзини топишиади: S-O-F-I-A. Ичидан яна битта криптекс ва қофоз ўрами чиқади, очиб қарашсаки, ёзув: “Лондон. Папа кўмган рицар бор у ерда...”

Дарҳақиқат, асарнинг ўқишили бўлишини таъмин этган яна бир нарса – ёзувчининг қойилмаҳом сирларни, тилсимларни бир-бирига боғлаб чиққанидир, десак асло янглишмаймиз. Пауло Козлонинг “Алкимёгар” романи ҳам худди шу жиҳати билан ўхшаб кетади – Сантягонинг туши, фолбин хотин, карвон, Алкимёгар, саҳро, қарчигайлар, шамол... бироқ ундаги ҳар бир белги, ҳар бир ишоранинг рамзий маъноси бор. “Да Винчи сири”га нисбатан бадиий ижроси ҳам гўзалпроқдай, назаримда. Лекин тилсимлар ва уларнинг воқеабандлиги борасида Шарқ ҳалқлари достонларига, эртакларига, афсоналарига етадигани бўлмаса керак. Бизга суюк бўлиб қолган қаҳрамонларнинг ер ости оламига тушиб қолиши, у ерда бир қушнинг яشاши ва фалон куни, фалон пайтда “Фирр” этиб тулпорга айланиб қолиши, отни жиловлаш учун нима қилиш кераклигини мусичаларнинг айтиб бериши ва ким тулпорни бўйсундирса, ёруғ оламга олиб чиқиб қўйиши каби занжирмонанд сирлар ҳақида кўп бор ўқиганмиз. Ёхуд Алибобонинг “Сим-сим, оч эшигингни!” деган сўзларни айтса, ҳазиналар яширинган ғорнинг очилиши тўғрисида эшигманган одам бўлмаса керак. “Да Винчи сири” асарида эса асосан фактлар аниқ, бор нарсалар билан тилсим қилинади. Булар

ҳам инсон тафаккурини чархлайди. Ақл аталмиш улут нөйматнинг чексиз даражада эканини кўрсатади.

Энди асарнинг ўзига қайтсак. Роман фонида “Устоз” деган қаҳрамон ҳам бор. Аҳён-аҳёнда кўриниш бериб туради. У “Дея асари”нинг катта раҳбарларидан, ўша қотил Сайлас ҳам, унинг пири епископ Арингароса ҳам унинг ҳомийлигига бўлишади. Гравлл косасини қидиришга буйруқ бериб, уларни назорат қилиб, йўл кўрсатиб турган ҳам шу Устоз. Ленгдон ва Софи тилсимлар тугунини ечиб, но маълум “рицар”нинг ИСААК НЬЮТОН эканлиги ва унинг қабрида сирли ёзув битилганини билиб олишади, бу сирни очиш учун Вестминстер аббатлигига (у ерда буюк арбоблар дағи этилган) келишган пайтда... Устоз тўппончасини ўқталиб чиқиб келади... “Лю Тибинг?! Наҳотки?..” – Ленгдоннинг бақириғи бутун вужудингизни ларзага солади. Ҳа, Жак Сонерни ўлдирган, ўз хизматкорларини ўлимга маҳкум этган ҳам мана шу – роман давомида қаҳрамонларга кўрсатган “бебараз” ёрдамлари билан меҳрингизни қозонган Тибинг бўлиб чиқади. Энди асар қаҳрамонларига умуман ишонмай қўясиз, ҳозир Ленгдон ҳам бошқа бир ташкилот аъзоси бўлиб чиқадигандай, кейин эса... давоми нима бўлишини тасаввур қилишга ожиздай бўлиб қоласиз.

Шунда Ленгдон қўлидаги пойдевор тошини отиб юборади. Ҳайратдан аъзойи бадани музлаб кетган Тибинг уни илиб олиш умидида жон-жаҳди билан сакрайди. Бироқ пойдевор тоши синиб парчаланади. Полиция Тибингни қўлга олади, Ленгдон билан Софи эса тилсимларнинг кейинги ҳалқаларини ечмоқ учун Рослин ибодатхонасига йўл олишади...

Гравлл косаси ва Ден Браун

Гувоҳи бўлганингиздек, асардаги воқеалар илк саҳифаларидан то сўнгти бетларигача эзгулик ва ёвузлик курашининг рамзидай жилоланади. Чунки “Дея асари” жамияти, унинг ғоялари, эътиқоди билан танишар экансиз, гўё ёвузлик тимсолини кўргандай бўласиз. Сион Приорати эса гўё

эзгуликка – шундок ҳам муқаддас бўлган аёл зотини янада улуғлашга, эъзозлашга чорлаётгандай. Шунинг билан бирга юқорида айтганимиз – Гралл косаси ҳақидаги сирни асрар-авайлаш вазифасини адо этди. Хуфия жамиятнинг энг охирги аъзоси Жак Сонер эди, лекин у ўз бурчини фидойиларча адо этди. Энди унинг набираси ва профессор Ленгдон бу сирнинг нима эканлигини билиб олишди.

“Алкимёгар”да Сантиаго хазина излаб, не-не азобу уқубатларга дучор бўлмайди, не-не саргузаштларни бошидан кечирмайди ва охири хазина ўзи чўпонлик қилиб юрганда ётиб юрадиган ибодатхона харобалари остида экани маълум бўлади. Роберт Ленгдон билан Софи Невё ҳам хазина – Гралл косасини излаб, хатарли, чалкаш йўллардан ўтиб не-не қийинчиликларни енгиб ўтишади. Ва Гралл косаси улар илк бор учрашган жойда – Францияда – Лувр музейида жойлашган бўлиб чиқади. У – на тириклик суви, на абадий куч-кудрат манбаи экан. Гралл косаси – бу “ёрқин нурларга кўмилган Лувр эҳроми” экан! Тарихнинг ушбу ғаройиб меъморчилик обидасида донғи бутун дунёга кетган Да Винчи, Ботичелли сингари буюк санъат усталарининг ижод намуналари сақланар экан. Ёзувчи Мари Шовелнинг: “Граллни излаш – Мария Магдалина хоки олдида тиз чўқмоқдир” деган сўзлари билан романга нуқта кўйди.

Бу ерда ҳам рамз бор. Тириклик суви бу – аёлни ардоқлаш, улуғлаш демак. Асарни мутолаа қилиб бўлгач, у ичингизда яна бир карра акс-садо беради. Мона Лизанинг кўзларига қарайсиз, табассумига қарайсиз... Олисдаги ирмоқлар “То тирик экансиз, аёлни севинг, қадрланг!” деб шивирлаётгандай туюлиб кетади бирданига...

Ден Браун. Бугун унинг номи миллионлаб нусхаларда чоп этилаётган китоблар муқовасида, киносарайларнинг пештоқларида, радиода, газеталарда, телевизорда. Одамлар оғзида. Унинг номи қаерда тилга олинмасин, энди “Да Винчи сири” асари билан бирга олинади. Айниқса, бутун христиан олами уни “жиноятчи”, деб зътироф этаяпти. “Асар ёзувчи тўқиб

чиқарған алғылдандаидай уйдирмалар-у ёлғонлардан иборат”, деб таъкидлашмоқда. Россияда ота-оналар фарзандларига кино-га тушишни тақиқтаб қўйди, ўқиётган китобларини назо-рат қиласидиган бўлди. Сабаб? Романда Тибинг тилидан хрис-тиянлар ориятига тегадиган ва диний китобларда ёзилмаган маълумотлар, афсоналар келтирилади, далилланади. Маса-лан, Тибинг “Инжил”ни муқаддас хушхабарлар асосида бош-дан-оёқ одамларнинг ўзи ёзиб чиқкан, дейди. Ҳаворий Мат-тонинг ёзганига асосланиб, Исо Довуднинг ўғли, деб айтади. Ҳатто Исонинг Мария Магдалена исмли хотини бўлгани, ундан фарзандлар кўргани ҳақида ҳикоя қиласиди ва буни Леонардо да Винчининг асарларидағи сирли рамзлар билан исботламоқчи бўлади. Айниқса, Софи Невёнинг оиласи Исо-нинг зурриётлари экани ҳақидағи фикрлар ҳаммасидан ошиб тушган.

Ёзувчининг мақсади шу ва шунга ўхшаш уйдирмалар-ни қизиқарли сюжетга ўраб бериш бўлган бўлса, у ҳолда юқоридаги норозиликлар ҳақли. Муқаддас китоблардаги ҳақиқатларни бузиб кўрсатиб, кўнгилларга иштибоҳ со-лувчи бундай китобни таржима қилишининг ҳам, босиб чиқаришнинг ҳам ҳожати йўқ.

Агар биз бу шаккок фикрларни айтган Тибингнинг охир-оқибат қамалганини рамз сифатида қабул қилиб, ёмонлик, бузғунчилик барибир ана шундай таназзулга юз тутади, деган хулоса сифатида қабул қилсак, у ҳолда, ро-манни дедектив-саргузашт асар сифатида бир марта ўқиб қўйишнинг зарари йўқ.

Умуман, бадиий асар қандайдир ғояларни тарғиб қили-ши, диний эътиқодлар билан ўйнашиши эмас, инсоннинг қалбига ёруғлик олиб кириши, унинг юрагига худонинг ўзи солиб қўйган эзгу, муқаддас туйғуларни йўқотмаслик-ка чорлаши керак.

Роман Лувр ибодатхонасининг таърифи ва эшик очи-лиши билан кўзга ташланадиган қилич ва идиш тасвирини эслаш билан якунланади – эркак ва аёл рамзи – мақола бошида эслатилган ва то ҳануз топилмаган ilk сирнинг

сабабчилари. Одамзоднинг ўзи ўйлаб топган, яратган бутун сиру синоатлар эса ана шу рамзлар атрофида айланади ва айтиш мумкинки, ҳеч нарса эмас. Менинг хulosани Ленгдон учрашувга тақлиф қилганда Софининг айтган сўнгги сўзлари ҳам тасдиқлайди: “Майли, розиман! Флоренцияда учрашганимиз бўлсин. Лекин битта шартим бор: ҳеч қанақа музейлар, черковлар, даҳмалар, санъат асарлари бўлмайди.” Дунёда зеркак ва аёлнинг муҳаббатидан, севгидан улуғроқ сир бўлиши мумкинми!





ДУНЁЛАРГА БИЗНИ ТАНИТГУВЧИСАН

Сўздорки, нишон берур ўликка жондин,
Сўздорки, берур жонға хабар жонондин,
Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,
Билким, гуҳари шарифроқ йўқ андин.

Алишер Навоий

Мен: – Эй, она тилим! Жонимнинг жавҳари, кўзимнинг гавҳари! Дунёга келиб, илк бора кўзим нурни кўрган бўлса, эшиганим илк сўзлар билан Сен ташриф буюординг. Манзилинг қалбим бўлди, лекин маконинг қаер, неча минг йил йўл босиб келаётисан, билмоқ истайман.

Она тилим: – Аввал нур бор эди, сўнг Тангри “бўл”, деди – илк сўз айтилди – дунё пайдо бўлди. Мен ўшандада турилганман. Ўрхун-Энасой битиктошларида болаликдаги изларимни кўрасан. Маҳмуд Кошварийнинг “Девони луготит-турк”, Юсуф Хос Ҳожибининг “Қутадғу билиг” китобларида мен сен учун тўплаган хазиналаримни кўрасан.

Мен: – Бундан хабарим бор, бобом – шеърият мулкининг сultonи Алишер Навоий бу хазиналардаги дуру гавҳарларни бутун оламга кўз-кўз қилдилар. Туркий тилнинг сеҳру тароватини, қудрату латофатини назму насрда намоён этдилар. Атоқли шоиримиз Абдулла Орипов буни:

Темур тиги етмаган жойни
Қалам билан олди Алишер, –

деб таърифлаган эдилар. Аммо сен мен учун ҳамон мўъжи-
заларни бағрига яширган уммонсан.

Она тилим: – Дарҳақиқат, менга боқсанг, бутун мил-
латнинг қиёфасини кўрасан; миллат бу – тил, тил – мил-
латdir. Халқнинг тарихини, урф-одатлари, қадриятлари,
эртагу достонларини, эрку ғурурини менинг карvonларим
асрлардан-асрларга олиб ўтади. Шу боис миллатга тажо-
вуз қилмоқчи бўлганлар аввал менга ҳужум қиласидилар.

Мен: – Эшитганим бор, эй, она тилим. Шўролар даврида
сени атоқли шоиримиз Эркин Воҳидов ибораси билан айт-
ганди, “мажлислардан қувилган тил”га айлантиридилар. Се-
нинг миллатнинг бошига бошқа тилни давлат тили қиласидилар.

Она тилим: – Ҳа, мени, миллатни, ўзбек давлатини
ўйлаганларни қатл қиласидилар. Менинг бойлигимни, гўзал-
лигимни намоён қилган Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фит-
ратлар жон бераётганди мен уларнинг лабларида эдим,
юрагида эдим.

Мен: – Эй, она тилим, сен нур билан дунёга келганинг-
ни айтган эдинг. Ҳар қандай зулмат бир кунмас бир кун
нур олдида чекинади, тилга солинган занжирлар парчала-
нади. Йигирманчи аср охирида миллат бошида яна сенинг
куёшинг порлади. 1989 йил 21 октябрда, она тилим, Сен-
га Давлат тили мақоми берилди.

Она тилим: – Юртимиз, миллатимиз менга қилган бу эъти-
боридан қирқилган қанотлари қайта ўсиб чиқкан қушга ай-
ландим. Бешикдаги гўдакларнинг танглайнин кўтардим,
дуога қўл очган кексаларнинг ҳовучларидан жой олдим.

Мен: – Эй, она тилим, бугун сен ҳам биз учун қанотга
айландинг. Сен туфайли бугун бошимиз тик, кўксимиз ба-
ланд. Сенга эътибор, миллатга эътиборга айланди. Сенинг
номинг билан аталувчи юртда минг-минглаб компьютерлар-
да янги авлод сенинг бойликларингни ўрганмоқда, мактаб,
лицей, колледж ва университетларда сабоқ олишмоқда.

Она тилим: – Аммо менга малол келаётган ҳолатлар
ҳам бор. Алишер Навоий: “Тилга ихтиёrsиз – элга эъти-
борсиз”, деган эдилар. Замон шитоби туфайли кўча-кўйда

лавҳалар, зълонлар осиш расм бўлди. Уларга бир назар ташла – хатолар, чучмал таржималар. Ёхуд ойнаи жаҳонда менинг тароватимни бузиб гапираётганларга қара. Менга энг озор бераётгани – ёш эстрада хонандаларининг тил тароватини бузиб, алаҳсирашга ўхшаш қўшиқлар айттаётгани.

Мен: – Эй, она тилим, бу ҳол менинг ҳам қалбимни ўртайди. Улуғ ёзувчимиз Абдулла Қаҳдор: “Кўчада бир одам қоидни бузса, дарров милиционернинг ҳуштаги чурриллайди. Нега энди тилимизни ҳар қадамда бузиб расво қилаётганларнинг мушугини ҳеч ким “пишт” демайди?!” деган эдилар.

Она тилим: – Мен ҳам – бир гулман. Эътибор билан парвариш қилинса, хушбўйимдан ҳаммани баҳраманд эта-ман. Эътиборсизлик қилинса, тароватим йўқолади, сўламан.

Мен: – Бунинг олдини олиш бизнинг, ҳар биримизнинг вазифамиз. Эй, она тилим, ахир сен дунёни бизга, бизни дунёга танитувчисан. Сен туфайли аждодларимиз билан суҳбатлашамиз, сен туфайли жаҳондаги жамики халқлар билан тиллашамиз. Уларнинг ҳам ўз маънавий хазиналари бор. Бу хазиналар бутун инсониятники.

Она тилим: – Дунёдаги барча тиллар одамлар сингари бир-бирисиз яшай олмайди, бир-бирига қариндош деса ҳам бўлади. Бир-бирикнига таржима деган кўприкдан ўтиб, меҳмонга борамиз. Уларнинг ҳам ўз маънавий хазиналари бор. Бу хазиналар бутун инсониятники.

Мен: – Эй, она тилим, сен дилларни дилларга боғловчи улуғ кўприксан. Шу йўл билан инсониятни ҳамжиҳатликка, тотувликка, камолотга элтувчи неъмат, сеҳрли қудратсан. Ана шунинг учун ҳам, токи ер юзида одамзод бор экан, сенга шоирлари мадҳ айтади:

Она тилим – менинг баҳтим ва чиройлигим,
Она тилим – Ватан каби тентсиз бойлигим.



КЕЛАЖАК ҲАҚИДА ТАСАВВУР

- Энг тез ўзгарувчи тасаввур
- Яқин ва узоқ келажак
- Глобал тараққиёт, глобал мұаммолова мен
- Ҳамиаси орзудан бошланади

Олимларнинг илмий китобларида ва диний китобларда айтилишича, сўз, фикр, ҳатто хаёл ҳам моддий экан. Яъни, улар йўқ бўлиб кетмас экан, аввал инсон миясинг маълум қисмida, сўнгра бирор бир шаклда ҳавода сузиб юрар экан. Ф.Рабленинг «Гаргантюа ва Пантагрюэл» романни қаҳрамонлари денгизда сузиб бораётганда ҳавода музлаб қолган овозларнинг иссиқдан эриб, ўқ, қиличлар товуши, бақир-чақирларга айланганини эштидилар. Демак, хаёл ва сўз моддий. Энди етмишга кирган бир одамнинг туғилганидан буён қилган орзулари, ўзининг келажаги ҳақидаги тасаввурларини бирор бир аппарат ёрдамида ўқидик, дейлик. Ишончим комилки, ўзининг келажаги, ким бўлиши, одамлар ва дунё ҳақидаги тасаввурлари ёшлигида кунма-кун, ойма-ой, ўсмирлигида йилмайил ўзгариб турганлигига гувоҳ бўламиз. Дарвоҷе, рус ёзувчиси М.Пришвин шундай деган эди: «Имкони борича кўпроқ орзу қилиш керак, келажакни бугунга айлантириш учун имкони борича кучлироқ орзу қилиш керак».

Шунинг учун ҳам менинг назаримда, дунёдаги энг тез ўзгарувчи тасаввур – бизнинг, яъни ёшларнинг ўз келажаги ҳақидаги тасаввуридир. Масалан, мен ҳам Хотами Той

ҳақидағи ривоятни ўқиганимда, бирор бир хазина топиб умр бўйи одамларга бўлиб беришни орзу қилиб қоламан. «Гўрўғли»ни ўқисам, ёнимга қирқ йигитни олиб террорист борми, бузғунчи борми додини бериб юргим келади, кимё ёки физика борасида олиб борилаётган тадқиқотлар ҳақида ўқисам, умримни фанга бағишлагим келади. Шундай бир радиотўлқинми ёхуд ҳаво орқали бир зумда дунёга тарқаладиган моддами яратиб, ер юзидағи жамики қуролларни бир лаҳзада ишдан чиқаришни тасаввур қилиб қоламан. Мен ишонаманки, инсониятда бугун нимаики яхшилик, эзгулик, меҳр, қадрият сақланиб қолган бўлса, китоблар туфайли, уларнинг авлодлардан-авлодларга ўтиб ўқиб келинаётгани сабабли сақланиб қолган. Шунинг учун ўз келажагимни асарларини бутун дунё ўқийдиган ёзувчи сифатида тасаввур қиласман.

Бу тасаввурлар бекўним романтика ёки енгил-елпи хаёллар эмас, булар – менинг юрагимда реал юз берадиган ҳодисалар. Зоро, француз ёзувчиси Анатоле Франц: «Орзуга мояйилликни сақлаш буюк донишмандликдир. Орзулар дунёга гўзаллик ва маъно бахш этади», деган эди. Ўз келажаги ҳақида ўйлаётган ҳар бир ўсмир ёки хоҳлаган ёшдаги одам эртага, бир ойдан сўнг, бир йил, ўн йил, олтмиш йилдан сўнг ўзини, қиладиган, қилган ишларини, касбу корини, ўз атрофидаги одамлар билан, мамлакат билан бирга тасаввур қиласди. Демак, яқин ва узоқ келажак бор, демак, яқин ва узоқ мақсадлар бор. Бу мақсадлар менинг ақлу фаросатим, шартшароитим, мамлакатдаги барқарор вазият, менга очилган имкониятлар билан боғлиқ. Кўряпсизми, мен фақат хаёлпараст эмас, реалистман ҳам. Демак, тасаввур чек-чегарасиз бўлиши мумкин экан-у, амалга ошириш учун реаллик билан ҳисоблашишга мажбур экан. Хуллас, яқин келажакда ўқимоқчиман, қалбимни ва ақлимни бойитиш учун зарур бўлган илмларни ўрганмоқчиман. Кейин ўзимни ўз соҳамнинг нафақат мамлакатимизда, балки дунёдаги энг етакчи вакили сифатида кўз олдимга келтираман. Кейин...кейин... Кейин инсоният ҳаётида, мамлакатимиз тарихида ўчмас из қолдиради-

ган зэгүү ишларни амалга ошираман. Вақт ва вазият ўзи йўл кўрсатиб бораверади.

Келажагим ҳақидаги тасаввуримни замонанинг тарақ-қиётидан ажратолмайман. Қадимда алоқа сифатида от ва туядан, электр ўрнига шамдан фойдаланишган. Уяли телефон, компьютер, самолёт, поезд, сув ости кемаларини буғунги шаклида тасаввур ҳам қилишмаган. Бир кун келиб, балки иккى юз, балки беш юз йилдан сўнг бизнинг буғунги техникавий қашфиётларимиз, ўша авлод учун кулгили ёки ибтидоий туюлар. Хуллас, вақт чархпалаги айлангани сайин замон илгарилаб бормоқда. Глобал алоқа, глобал янгиликлар, глобал тараққиёт деган атамалар ҳаётимизга кириб келмоқда. Глобал, яъни дунё миқёсида, бутун инсониятта тегишли деган маънони беради. Бир мисол, интернет глобал алоқа воситаси ҳисобланади. Интернет қаршисида ўтирган бола бутун олам организмининг бир зарраси ҳисобланади, маълумот олиш ва узатиш учун чек-чегара йўқ. Барча билимлар шу қутига жойлангандек. Бу яхшими, ёмонми? Менинг ҳам шу компьютернинг бир қисмига айланиб қолиши хавфим йўқми? Демак, глобал янгилик – глобал муаммони ҳам кўндаланг қўйяпти, бунинг менга дахли йўқ, дея олмайман, чунки келажакда мен бирга яшамоқчи бўлган одамлар шу компьютернинг қаршисида ўтирибди. Ундан керакли маълумотлар билан бирга ёвузлик, шафқатсизлик ҳам ўйинлар, кинолар, фактлар тарзида мунтазам узатилмоқда. Ёки транспорт воситаларининг тараққиёти ер юзига қурол ва наркотик моддаларнинг жуда тез тарқалишига имкон яратади. Наркомания ва терроризм ҳам глобал муаммога айланиб улгурди. Гўё дунёда зэгулик ва ёвузлик, оқ ва қора ўртасида уруш кетаётгандек. Қай бири ғолиб бўлади? Одамларнинг кўпчилиги қайси тарафга қўшилади? Мен ўз келажагимни тасаввур қилаётгандан ана шу муаммоларнинг ичида яшашимни, улардан ўзимни омон олиб қолишимни, имкони бўлса қарши курашишим кераклигини ҳам тасаввур қиласман. Зоро, итальян рассоми Лео-

нардо да Винчининг шундай гаплари бор: «Кимки иллатга жазо бермаса, у унинг ҳимоячисидир».

Аммо келажак гўзал. Унинг гўзал бўлиши орзуларнинг гўзал бўлишига боғлиқ. Бир пайтлар Дедал ва Икар ўзларига қанот ясад учишни орзу қилган эдилар, бугун одамзод сайёralарга учяпти. Бир пайтлар дунёни кўрадиган ойна топиб олиш ҳақида кимdir эртак тўқиган, бугун телевизордан дунёни кўраяпмиз. Бир пайтлар ўйлаган фикрини авлодларга етказиш учун кимdir тошни ўйиб ёзганди, бугун миллион нусхаларда китоблар чиқяпти. «Қанчадан-қанча ишлар то рўёбга чиқарилмагунча мумкин бўлмаган нарсалар, деб ҳисобланган эди», дейди рим ёзувчиси Гай Плиний. Ҳали инсониятнинг ушалмаган орзулари кўп: физик олимларнинг неча асрлардан буён ясолмаётган «вақт машинаси», алкимёгарларнинг темирни олтинга айлантириш, «тириклик суви»ни яратиш ҳақида ги орзулари... Мен ҳам бугун орзу қилаяпман – ўз келажагимни тасаввур қилияпман. Чунки менинг орзуларим – эзгу орзулар.



МУНДАРИЖА

Хайрат мевалари (<i>К. ЙҰЛДОШЕВ</i>)	3
Ватанга муҳаббат	6
Муҳаббат гулхани	28
Қалби тирияслар	46
Луи Арагон ва Сейнтнинг севгиси	60
Шивиртаб айтіладыған пеърлар	66
Сирлар заңжири	70
Дүнәларга бизни таниттувчисан	80
Келажак ҳақыда тасаввур	83

Адабий-бадиий нашр

Иброҳим АЗИЗ

МУҲАББАТ ГУЛХАНИ

Адабий мақолалар

Нашр учун масъул *Муҳаммад Исмоил*

Муҳаррир *Илҳом Зойир*

Бадиий муҳаррир *А.Бобров*

Тех. муҳаррир *Т. Смирнова*

Мусаҳҳиҳ *Д. Тўйчиева*

Компьютерда саҳифаловчи *C. Раҳимедова*

ИБ №4656

Босишга 14.05.08 й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 $\frac{1}{32}$. Times Uzb95 гарнитурасп. Офсет босма. 4,62 шартли босма тобоги. 5,5 наприёт тобоги. Адади 1000 нусха. 249 рақамли буюртма. 10–2008-рақамли шартнома. Баҳоси келишишган нарҳда.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигигининг Faфур Fулом помидаги наприёт-матбаа ижодий ўйни. 100129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30 // 100128. Шайхонтоҳур кўчаси, 86.

Бизнишинг интернет манзил: www.iptdgulom.uz